

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

ҚЎЛЁЗМА ҲУҚУҚИДА

Уринбаева Юлдузнинг

**“Хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш
тизимининг самарадорлигини ошириш йўллари”
 (“Ипак Йўли” ОАИТ банки Умар Минтақавий филиали
мисолида) мавзусида**

**5A230102 – “Иқтисодиёт (хизматлар соҳаси)” мутахассислиги
бўйича магистр даражасини олиш учун**

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ

Илмий раҳбар: И.ф.н., доц.
Асланова Д.Х.

САМАРҚАНД – 2015

Мундарижа

Кириш.....	3
I-Боб. Хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш тизимини самарадорлигини ошириш зарурияти	
1.1. Хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш орқали иқтисодий самарадорлигини таъминлашда пул таклифини барқарорлигини таъминлашни зарурияти ва аҳамияти.....	12
1.2. Хўжалик юритувчи субъектларни – банк мижозларини таркибини шакллантиришга қўйиладиган талаблар.....	21
1.3. Хўжалик юритувчи субъектларни банк фаолиятини самарали ташкил этишдаги роли.....	40
I-Боб бўйича хулоса.....	48
II-Боб. Хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш тизимини самарадорлигини оширишни таъминловчи омиллар таҳлили	
2.1. Хўжалик юритувчи субъектларни кредитлашда эътиборга олинishi зарур бўлган кўрсаткичлар таҳлили.....	50
2.2. АИТБ “Ипак Йўли” “Умар” Минтақавий филиалида мижозларга кредит хизматларини кўрсатиш самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар таҳлили.....	57
2.3. АИТБ “Ипак Йўли” “Умар” Минтақавий филиалини рақобатбардошлигини таъминлашда мижозларнинг – хўжалик субъектларининг таъсири.....	62
II-Боб бўйича хулоса.....	72
III-Боб. Ҳозирги иқтисодий барқарорлик шароитида хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш тизимининг самарадорлигини таъминлаш ва ошириш йўллари	
3.1. Хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш тизимини самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омиллар ва уларни бартараф этишнинг стратегик вариантлари.....	74
3.2. Иқтисодий тармоқларни банк кредити орқали қўллаб-қувватлаш самарадорлигини таъминлаш: тажрибалар ва улардан фойдаланиш имкониятлари.....	87
3.3. Банк фаолиятида ўз мижозларини кредитлаш жараёнининг самарадорлигини таъминлаш ва ошириш йўллари.....	102
III-Боб бўйича хулоса.....	108
Хулоса.....	110
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	116

Кириш

Тарихан жуда қисқа вақт ичида мамлакатимизда амалга оширилган улкан, мисли кўрилмаган катта яратувчилик ишлари, кўрилган таъсирчан чора-тадбирлар натижасида янги давлат ва жамият асослари барпо этилди ва бугун улар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошишига хизмат қилмоқда. Мустақиллик йилларида иқтисодиётда босқичма-босқич амалга оширилган ислохотларнинг энг асосий натижаларидан бири банклар фаолиятини шакллантирилиши ҳисобланади.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг ривожланиши билан биргаликда хўжалик субъектларини кредитлаш тизимини самарадорлигини оширишда банк фаолияти ҳам такомиллашиб бормоқда, республикамыз банклари томонидан миқозлар – хўжалик субъектлари учун замонавий банк хизматлари тез суръатларда жорий қилинмоқда.

Ҳозирги кунда хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш тизимида ахборот технологияларини қўллаган ҳолда жуда кўп операциялар амалга оширилмоқда. Миқозларнинг жойлашган жойидан қатъий назар, банклар алоқа воситалари орқали узоқ масофадан туриб уларга хизматлар кўрсатмоқда. Технологик ривожланишдаги ютуқлар туфайли банк операцияларини амалга ошириш, миқозларга янгидан-янги банк хизматлари жорий қилиниши йўлга қўйилган.

Тижорат банклари томонидан жалб қилинган маблағларни иқтисодиётнинг турли соҳаларига кредит ва инвестициялар кўринишида жойлаштириш жараёнини таваккалчиликлардан холи эмаслиги, бунинг оқибатида эса банкларнинг синиш эҳтимолининг мавжудлиги тижорат банклари омонатчилари ва кредиторлари манфаатларининг ҳимоя қилинишини тақозо этади.

Ўз навбатида банклар юридик ва жисмоний шахсларнинг банкка ишониб топширган маблағлари ҳисобидан таваккалчилик асосида фойдаланар экан, ушбу маблағларнинг тўлиқ сақланишини ва ўз эгаларига фоизли даромадлар билан бирга тўлиқ қайтарилишини, шунингдек, тўловларни амалга ошириш орқали мижозлар ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида ижро этилишини таъминлаш банкни кредитлаш тизимига бўлган ишончни янада мустаҳкамлаш учун ўта муҳим саналади.

Бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилиш ва омонатларнинг янги ҳамда жозибадор турларини жорий этиш бўйича тижорат банклари томонидан фаол амалга оширилаётган тадбирлар натижасида хўжалик субъектларини банклардаги депозитлар ҳажми йилдан-йилга ўсиш суръатига эга. Депозитлар ҳажми 2015 йилнинг 1 январ ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 26,8 фоизга ошиб, ушбу ўсиш суръати ҳозирги даврда юқори кўрсаткич ҳисобланади.

Банклар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 2013 йилда 6,9 трлн. сўм миқдорида кредитлар ажратилиб, ушбу кўрсаткич 2012 йилга нисбатан 1,3 бараварга, сўнгги 5 йилда эса 5,6 бараварга кўп бўлди¹.

Банкларнинг капиталлашув даражаси ҳамда жалб қилинган депозитлар ҳажмининг сўнгги йилларида ўсиб бораётганлиги, ўз навбатида, банкларнинг ўз мижозларини кредитлаш имкониятларини ошириб, банк активлари ҳажмининг ҳам ошишини таъминламоқда.

Иқтисодиётда хўжалик субъектларини кредитлашда банклар фаоллигини янада ошириш, шу билан бирга, бир томондан банклар барқарорлигини, иккинчи томондан хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш тизимини самарадорлигини оширишга таъминлаш, жумладан уларнинг ликвидлилик даражасини оширишга қаратилган амалий тадбирларни жорий қилиш муҳим ҳисобланади.

¹ Мадалиев Т. Кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда банкларнинг ўрни //Бозор, пул ва кредит. 11-сон. 2014 йил. – б. 13

Ўзбекистонда бозор ислохотларининг тобора чуқурлашуви шароитида тижорат банклари ресурсларини хўжалик субъектларига жойлаштириш ва шу орқали уларнинг самарали фаолият юритиш билан боғлиқ долзарб масалалар ҳам кўпаймоқда. Тижорат банк кредитлаш тизимини самарадорлигини ошириш ҳамда бошқариш уларнинг ликвидлигини таъминлаш ва миллий валюта барқарорлигини оширишда, мамлакатда экспортга йўналтирилган рақобатбардош товарлар ва хизматлар ҳажмини кўпайтиришда, хўжалик субъектларининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу масалаларга мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов алоҳида эътибор қаратиб: “Банкларнинг капиталлашуви ва молиявий барқарорлигини ошириш, уларнинг ресурс базасини аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш маблағларини жалб қилиш ҳисобига кўпайтириш борасидаги вазифалар етарли даражада бажарилмаяпти”², - деб таъкидлайди. Хусусан, хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш тизимини самарадорлигини оширишни таъминлашда банкларнинг ресурслари таркибида барқарор ва депозит бўлмаган молиявий аблағлар ҳажмининг нисбатан пастлиги, қимматли қоғозларнинг бирламчи ва иккиламчи бозорида банк акциялари олди-сотди операциялари ҳажмининг сезиларли равишда ошмаётганлиги, пул таклифини тартибга солиш имкониятини саёзлиги, банкдан ташқари пул айланмалари миқдорининг зарур даражада камаймаётганлиги шулар жумласидандир.

Иқтисодиёт тараққиётининг ҳозирги босқичида юқоридаги муаммоларнинг мавжудлиги, хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш тизимини самарадорлигини оширишни таъминлашда банкларнинг ресурслари таркиби ва шаклланиш амалиётини таҳлил қилишнинг зарурлиги, илмий-амалий аҳамиятга эгалиги тадқиқот **мавзусининг долзарблигини** белгилайди.

² Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий кадрият. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – 176-б.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш тизимини самарадорлигини ошириш ва банк ресурслари ва уларни мижозлар ўртасида жойлаштиришни бошқариш айрим назарий, услубий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлар – Г.Белоглазова, Д.МакНотон, И.Бланк, К.Кэмпбелл, Л.Падалкина, М.Ямпольский, О.Лаврушин, О.Макарова, Р.Коттер, Р.Кэмпбелл, Э.Долан, Э.Гилл, Э.Рид, Э.Родэ, Ю.Савинскийларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган³.

Хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш самарадорлигини оширишнинг ва банк ресурсларини ташкил этиш билан боғлиқ баъзи жиҳатлар ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар – А.Ваҳобов, Б.Бабаев, Ж.Зайналов, Д.Ғозибеков, М.Шарифхўжаев, Н.Каримов, Н.Хайдаров, А.Омонов, Т.Коралиев, Т.Мадалиев, Т.Маликов ва Ш.Абдуллаеваларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган⁴.

³ Долан Э. Дж. и др. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика. Пер. с англ. – Москва-Ленинград: 1991. – 446-с.; Нотон М.Д. Банковские учреждения в развивающихся странах. Пер. с англ. В 2-х т. – Вашингтон, 1994; Роде Э. Банки, биржи, валюты современного капитализма. – М.: Финансы и статистика, 1986. – 358-с.; Рид Э., Коттер Р., Гилл Э., Смит Р. Коммерческие банки. – М.: Прогресс, 1983; Бланк И. А. Концептуальные основы финансового менеджмента. 3-е изд. перераб и доп. — К.: Эльга, Ника-Центр, 2007.; Падалкина Л.С. Современная денежно-кредитная система капитализма. – М. Изд. ВЗФЭИ, 1982; Финансы и кредит: Учебник/Под ред. проф. М.В. Романовского, проф. Г.Н. Белоглазовой.– М.: Юрайт-Издат, 2004.– 575 с.; Деньги, кредит, банки : учебник / коллектив авторов ; под ред. О.И. Лаврушина. – 12-е изд., стер. – М. : КНОРУС, 2014. – 448 с.; Макарова О.М. и другие. коммерческие банки и их операции. - М.: Банки и биржи, 1995. - 288-с.

⁴ Вахабов А.В., Худяков Н.К. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. В 2-х т. – Т.: Университет, 2003. Т.1. – 276-с.; Бабаев Б. Вопросы формирования ресурсов коммерческих банков и их эффективное использования. Автореф.дисс. на соиск. уч.степ. к.э.н. –Т.: БФА, 2002. – 21-с.; Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. – Т.: Молия, 2003 – 332-б.; Каримов Н.Ғ. Банк тизими барқарорлигида ташқи назорат ва аудитнинг аҳамияти. //Бозор, пул ва кредит. 2006. №1. – б. 19-20; Хайдаров М. Молия. – Т.: Академия, 2001. -185-б.; Маликов Т.С., Олимжонов О.О. Молиявий менежмент. – Т.: Академия, 1999. -254-б.; Каралиев Т.М. и др. Хозяйственный расчет в системе коммерческих банков. – Т.: Узбытцентр, 1991. – 64-с.; Маликов Т.С. Молиявий қарор қабул қилиш асослари. – Т.: Академия, 1996. – 158-б. Абдуллаева Ш. Пул, кредит ва банклар. – Т.: Иқтисод-молия, 2007. – 344-б.; Зайналов Д. Р., Данияров К. Механизмы регулирования деятельности предпринимательских субъектов: теория и практика. Монография. — Нукус : Bilim, 188. — 2014.; Омонов А. Банклар капиталлашув даражамини оширишнинг долзарб вазифалари. //Бозор, пул ва

Шунингдек, иқтисодий адабиётда хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш самарадорлигини ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, тижорат банк ресурсларини шакллантириш ва жойлаштириш каби масалалари мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан яхлит, комплекс тарзда илмий-тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Магистрлик диссертациясининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Илмий иш СамИСИнинг илмий-тадқиқот илари режаси доирасида бажарилди.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Тадқиқотнинг мақсади хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш самарадорлигини оширишда тижорат банклари молиявий ресурсларини самарали жалб этишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Қўйилган мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар белгилаб олинди:

- “кредитлаш тизимининг самарадорлиги” ва “тижорат банклари ресурсларини жойлаштириш” тушунчаларининг иқтисодий мазмунини қиёсий тадқиқ этиш асосида уларга нисбатан муаллифлик фикри берилди;

- хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш орқали иқтисодий самарадорликни таъминлашда пул таклифини барқарорлигини таъминлаш омилларини тадқиқ этиш;

- хўжалик юритувчи субъектларни – банк мижозларини таркибини шакллантиришга қўйиладиган талаблар юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

- хўжалик юритувчи субъектларни банк фаолиятини самарали ташкил этишдаги ролини ўрганиш;

- хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш самарадорлигини оширишни таъминловчи омилларни таҳлил этиш ва амалий таклифлар ишлаб чиқиш;

- хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омиллар ва уларни бартараф этишнинг стратегик вариантларини башоратини ишлаб чиқиш;

- иқтисодий тармоқларни банк кредити оркали қўллаб-қувватлашда хорижий мамлакатлар тажрибаси ва улардан фойдаланиш имкониятларини ошириш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

- банк фаолиятида ўз мижозларини кредитлаш жараёнининг самарадорлигини таъминлаш ва ошириш юзасидан илмий таклифлар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқот объекти ва предмети. Хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш самарадорлигини ошириш билан боғлиқ фаолият жараёни тадқиқотнинг объекти ҳисобланади. Тижорат банклари ресурсларини жойлаштириш ва улардан хўжалик субъектларида самарали фойдаланиш жараёнида содир бўладиган молиявий-иқтисодий муносабатлар илмий ишнинг предметиدير.

Тадқиқот методлари. Магистрлик диссертациясида гуруҳлаш, қиёсий ва таркибий таҳлил методларидан фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш, уларни самарали хўжалик юритувчи субъектлар самарадорлигини ошириш мақсадларига жойлаштириш йўллари амалий жиҳатдан асослаб берилганлиги;

- хўжалик субъектларини банк кредит ресурсларга бўлган эҳтиёжининг узлуксизлиги таъминланиши, ресурсларнинг банк мижозларини молиявий барқарорлигини таъминлашда манба сифатида иштирок этиш ресурсларни сақлаш ва жойлаштириш муддатлари бўйича мутаносиблиги ва фойдалилик даражасини таъминланиши, мижозларни кредитларга бўлган талаби банк капиталининг барқарор манбалар ҳисобидан шаклланиши ва уларнинг

етарлилигини таъминлаш каби мезонлар доирасида илмий-амалий жиҳатдан асосланганлиги;

- тижорат банкларининг хўжалик субъектларига кредит беришда хорижий тажрибани ўрганиш зарурлиги илмий жиҳатдан асосланганлиги;

- тижорат банклари ҳузурида мустақил балансга эга бўлмаган субъектлар ташкил этиш орқали миждозлар томонидан кредит ресурсларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш ва банкларни миждозлар барқарорлиги даражасини яхшилашда иштирокини фаоллаштириш йўллариининг асосланганлиги;

- тижорат банклари кредит ресурсларидан потенциал миждозлар томонидан самарали фойдаланиш зарурлигини назарий ва методологик жиҳатдан асосланган йўналиши ишлаб чиқилганлиги ва уни амалиётга тадқиқ этишнинг иждодий кўрсатиб берилганлиги;

- банк фаолиятида ўз миждозларини кредитлаш жараёнининг самарадорлигини таъминлаш ва ошириш йўллари юзасидан ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ҳимояга олиб чиқилмоқда.

Илмий янгилиги:

- “кредитлаш тизимининг самарадорлиги” ва “тижорат банклари ресурсларини жойлаштириш” тушунчаларининг иқтисодий моҳияти қиёсий ўрганилди ҳамда иждимой-иқтисодий мазмунига мос тарзда такомиллаштирилган илмий қарашлар ёритилди;

- хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш орқали иқтисодий самарадорликни таъминлашда пул таклифини барқарорлигини таъминлаш омиллари ўрганилди;

- хўжалик юритувчи субъектларни – банк миждозларини таркибини шакллантиришга қўйиладиган талаблар юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;

- хўжалик юритувчи субъектларни банк фаолиятини самарали ташкил этишдаги роли ёритилди;

- хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш тизими самарадорлигини оширишни таъминловчи омилларни таҳлил этиш зарурияти кўрсатиб ўтилди;

- хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш тизимини самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омиллар ва уларни бартараф этишнинг стратегик вариантлар башорати ёритилди;

- иқтисодий тармоқларни банк кредити орқали қўллаб-қувватлашда хорижий мамлакатлар тажрибаси ва улардан фойдаланиш имкониятларини ошириш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқилди;

- АИТБ “Ипак Йўли” “Умар” Минтақавий филиалида мижозларга кредит хизматларини кўрсатиш самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар таҳлил этилди ва таҳлиллар юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди;

- банк фаолиятида ўз мижозларини кредитлаш жараёнининг самарадорлигини таъминлаш ва ошириш юзасидан илмий хулоса ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти. Тадқиқотдаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш тизимининг самарадорлигини таъминлашга бағишланган истиқболда амалга ошириладиган махсус илмий-тадқиқот ишларида қўлланилиши мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Магистрлик диссертация материалларидан СамИСИда “Тижорат банкларининг молиявий ресурсларини бошқариш”, “Корхона молияси”, “Иқтисодиёт” каби фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқот жараёнида олинган ишланма ва амалий тавсиялар АИТБ “Ипак Йўли” “Умар” Минтақавий филиалида (2015 йил 20 март 03-15/26-сонли далолатнома) томонидан амалиётга жорий этиш учун қабул қилинган.

Тадқиқот ишида ишлаб чиқилган илмий-амалий ишланмалар СамИСИ “Молия ва суғурта хизматлари” ва “Банк ва жамғарма ишлари” кафедраларида “Тижорат банкларининг молиявий ресурсларини бошқариш”,

“Бизнес-режа”, “Тармоқлар иқтисодиёти” каби фанлари ўқув дастурларини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланилмоқда.

Ишнинг синовдан ўтиши. Магистрлик диссертациясининг асосий ғоя ва хулосалари халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ва маъқулланган.

Магистрлик диссертация иши Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Иқтисодиёт” кафедрасининг умумий мажлисида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Тадқиқотнинг асосий мазмуни АИТБ “Ипак Йўли” “Умар” Минтақавий филиали томонидан 2015 йил 15-17 майда ўтказилган амалий семинарларда юқори баҳоланиб, Фахрий ёрлиқ билан тақдирланган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Магистрлик диссертация иши натижалари 4 та илмий мақола (шундан иккитаси хорижда) нашр қилинган, уларнинг умумий ҳажми 6 босма табоқдан иборат.

Магистрлик диссертациясининг тузилиши ва ҳажми. Иш кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатини ўз ичига олади. Унинг матни 120 бетдан иборат бўлиб, 12 та жадвал, 2 та чизма ва 6 та диаграммани ўзида мужассамлаштирган.

I-БОБ. ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИ КРЕДИТЛАШ ТИЗИМИНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЗАРУРИЯТИ

1.1. Хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш орқали иқтисодий самарадорлигини таъминлашда пул таклифини барқарорлигини таъминлашни зарурияти ва аҳамияти

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, “... иқтисодиётни янада эркинлаштириш жараёнини тегишли бозор инфратузилмаси, яъни банк-молия тизими, лизинг, аудиторлик, суғурта, инжиниринг ва бошқа тузилмаларни ривожлантирмасдан туриб амалга ошириш мумкин эмас”⁵.

Инфратузилманинг банк тизими субъектлари фаолияти мустақиллигимизнинг дастлабки йилларига нисбатан анча ривожланиб, тараккий этган бўлсада, лекин инфратузилма тизим субъектлари фаолиятини муаммолардан холи деб бўлмайди. Мавжуд муаммолардан бири банкларда кредит самарадорлигини таъминлаш масаласидир. Кредит самарадорлигини таъминлаш қуйидаги ҳолатларда муҳим ўрин тутди:

- биринчидан, банк фаолияти даромадлилигининг асосини ташкил этувчи фоизли даромаднинг асосий манбаи ҳисобланади;

- иккинчидан, кредит самарадорлигини таъминлаш орқали даромадлиликни ошириш аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб этиш учун кафолатланган юқори фоиз даромадларини таклиф эта олиш имкониятини вужудга келтиради.

- учинчидан, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини жалб этиш имкониятининг янада ошиши нафақат жамият ҳаётининг асоси ва умуминсоний фаолият узвийлигини кредитлаш асосида қўшимча молиялаш имкониятини оширади, балки жамият иқтисодиётида пулни пул топади деган ақиданинг амалга оширилиб, пул ресурслари

⁵ Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларнинг бош мақсадидир. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2008. – 31-б.

эгаарига кўшимча даромад олишга, банкларнинг жамият иқтисодиётидаги ўз функцияларини самарали амалга ошириб боришига замин яратади. Чунки, кредит – жамият ҳаётининг асосий бўлган ишлаб чиқариш ва унинг шахсий инсоний омилига хизмат кўрсатиш соҳаси субъектлари фаолияти узвийлигини таъминлаб, иқтисодий ўсишга замин яратувчи бир воситадир. Аммо кредит амалиётлари жамият иқтисодиётини молиялашнинг асосий воситаси ва банклар фаолиятининг асосий манбаи бўлиш билан бирга, банк даромадлигига салбий таъсир доираси юқори бўлган ва иқтисодиётни инқирозга олиб келувчи амалиёт ҳам эканлигини куни кеча глобал муаммога айланиб, ханузгача тараққий этган мамлакатлар иқтисодиётига путур етказаётган халқаро молиявий инқирознинг асосий сабабларидан бири эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Бозор иқтисодиёти шароитида банкларнинг ўз мавқеларини нафақат сақлаб туриши, балки ишончли банк ташкилоти сифатида фаолият кўрсатиши учун банк ходимларини ижодий изланишига, яъни иқтисодий қонунларнинг талаб ва амал қилиш хусусиятларини пухта эгаллаш учун иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини ошириб боришлари давр талаби бўлиб қолмоқда, чунки банк-мижоз муносабатларини мамлакатимиз қонун ва меъёрий ҳужжат қоидаларига риоя этган ҳолда ривожлантириш банкларнинг нафақат банклараро рақобатда ўз ўрнини сақлаб туриши, балки банк акцияларининг юқори даромад олиши, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб этишнинг гаровидир. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, жалб этилувчи маблағ манбаларини ошириб бориш жамиятимизнинг қарз маблағига эҳтиёжи бўлган субъектлар фаолиятини ривожлантиришга кредит маблағи сифатида йўналтириш ва бўш турган пул маблағлари эгаларига даромад келтирувчи манба сифатида фойдаланиш имконини беради.

Банкларда шу пайтгача маблағларни жалб этиш, уларни фойда келадиган қилиб пулга муҳтож хўжалик субъектларига бериш, қарзни ўз

вақтида қайтишини таъминловчи чора-тадбирлар кўриш каби масалаларда банк ходимларининг бошлари оғримаган бўлса, мамлакатимизнинг мустақилликка эришуви ва ривожланишнинг ўзига мос ва хос йўналишини танлаган ҳолда банк тизимида ислохотларнинг олиб борилиши натижасида бу масалалар банкларнинг кундалик фаолиятига айланиб қолди. Чунки жалб қилинган маблағлар учун банклар томонидан бадал тўланар экан, бу маблағлардан нафақат даромад олиш, балки маблағларни қарздорлардан ўз вақтида қайтариб олиш чора-тадбирларини кўриши лозим, акс ҳолда банкда даромадсизлик ҳолатини юзага келтирувчи салбий ҳолатлар келиб чиқиши ва бунинг оқибатида банкнинг мижозлар ҳамда кредиторлар олдидаги мажбуриятини бажаролмай банклараро рақобатда ўз мавқеи ва нуфузини йўқотиб қўйиш хавфини келтириб чиқаради.

Банклар мижоз ва кредитлар олдидаги ўз манфаатларини бажариши, шунингдек, омонатчилар ва акциядорлар манфаатларини кўзлаган ҳолда банклараро ўз нуфузи ва мавқеини сақлаш учун фаолият даврида доимо даромад миқдорини орттириб боришлари лозим. Бунинг учун банклар аввало даромаднинг асосий пул оқимини таъминловчи кредит муносабатларининг самарали якуний топишини таъминлашга қаратилган оқилona бошқарув қарорларини қабул қилишлари ва бу қарорлар ижросини таъминлашлари лозим.

Бунинг учун фикримизча, банк фаолиятидаги кредит муносабатлари самарадорлигига салбий таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан самарали тадбирларнинг бири сифатида кредитлаш жараёнларининг ҳуқуқий, иқтисодий ва техник жиҳатларини яхлит бир механизм сифатида ўрганишлари, шунингдек кредит муносабатларини тартибга солувчи амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатларининг амал қилиш ва таъсир этиш доираларини пухта эгаллаш учун ҳуқуқий ва иқтисодий билимларини ошириб боришлари мақсадга мувофиқдир.

Пул таклифини тартибга солиш амалиётини такомиллаштириб бориш

инфляцияни жиловлаш, макроиктисодий ўсиш суръатлари барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шарти ҳисобланади. Мазкур хулоса классик иктисодчи олимлар томонидан илмий жиҳатдан асослаб берилган.

Нобель мукофотининг лауреати М. Фридмен пул массасининг йиллик ўсиш суръати қатъий кўрсаткич сифатида белгилаб қўйилиши ва мазкур кўрсаткичнинг бажарилиши Марказий банк томонидан таъминланиши шарт, деган хулосага келган. Унинг фикрича, пул массасининг ўсиши пировард маҳсулот баҳосининг узок муддатли даврий ораликдаги барқарор ўсишига асосланиши лозим. М.Фридмен назорат объекти M2 пул агрегати бўлиши лозим, деган тояни илгари сурди. Бунда Марказий банк томонидан муомалага чиқарилган нақд пуллар, тижорат банкларидаги талаб қилиб олинадиган депозитлар ва муддатли депозитларнинг ўсиши қатъий назорат қилиниши лозим эди.

Пулнинг оптимал миқдори бўйича бизнинг якуний қоидамиз шундан иборатки, - деб ёзади М.Фридмен ўзининг «Пулнинг оптимал миқдори» номли илмий асарида, - дефляциянинг шундай даражасига эришиш лозимки, у номинал фоиз ставкасини нолга тенг қилиб қўйсин .

М.Фридмен ва А.Шварц Марказий банк пуллар таклифини тартибга солиш учун реал имкониятларга эга, деб ҳисоблайди⁶. Уларнинг фикрича, инфляция соф пул феномени бўлиб, куп омилли жараён эмас Инфляцияни юзага келиш сабаби — пул массасининг ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан юқори суръатларда ўсишидир. Шу сабабли, пул массасини тартибга солиш йўли билан инфляцияни жиловлаш мумкин ва бу вазифани фақатгина Марказий банк бажара олади, деган фикр илгари сурилади.

М.Фридменнинг юқорида эътироф этилган хулоса ва таклифлари тараққий этган мамлакатларнинг амалиётида қўлланилди ва ўзининг амалий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди. Хусусан, АҚШда Конгресс томонидан 1978 йилда Федерал заҳира тизими (ФЗТ) томонидан пул массасининг ўсиш

⁶ Friedman M. The optimum Quantity of Money. – Chicago: Aldin Publishing Company, 1969. – P.34.

суръатларини белгилаш мажбуриятини юкловчи Қонун қабул қилинди. Ушбу Қонунга кўра, ҳар бир молиявий йил учун пул массасининг ўсиш суръати ФЗТ томонидан эълон қилиниши шарт.

Пул массасининг ўсиш суръатларини белгилаш Германия ва Франция амалиётида ҳам қулланила бошланди. Жумладан, Францияда XX асрнинг 70йилларида тижорат банкларининг кредитлари ҳажмига нисбатан ўрнатиладиган лимит пул массасининг жорий йил учун белгиланган ўсиш кўрсаткичига мос равишда белгиланадиган бўлди.

Германияда XX асрнинг 70-йилларидан бошлаб монетар сиёсатнинг асосий тамойилларидан бири пул массасининг барқарор ўсиш суръатларини белгилаш эканлиги эътироф этилди. Бунда пул массасининг ўсиш суръатини иқтисодийнинг ўсиш суръатига мос бўлиши расман эътироф этилди.

М.Фридмен ҳам, Ж.Кейнс ҳам пуллар таклифини тартибга солишда Марказий банкнинг очик бозор операциялари муҳим ўрин тутишини таъкидлашган.

М.Фридменнинг фикрига кўра, муомаладаги пул массаси Марказий банкнинг пулларига мутаносиб равишда ўзгариб туради. Марказий банк пулларининг ўзгариши эса, Марказий банкнинг очик бозор сиёсати орқали тартибга солинади.

2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози марказий банklar томонидан пуллар таклифини тартибга солишда очик бозор сиёсати, қайта молиялаш ва валюта сиёсатлари муҳим амалий аҳамият касб этишини яққол кўрсатди⁷.

Глобал инқироз таъсирида дунёнинг қатор мамлакатлари банк тизимида ликвидлилик муаммосининг юзага келгандаги ва иқтисодийнинг рецессия ҳолатига тушиб қолганлиги марказий банklarни дисконт ставкасини пасайтириш ва тижорат банklarига бериладиган қайта молиялаш кредитлари ҳажмини оширишга мажбур қилди. Масалан, АҚШ ФЗТнинг

⁷ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

дисконт ставкаси 2008 йил декабрь ойи охирига келиб 0,5 фоизга туширилди. Бу эса, АҚШ тарихидаги энг паст дисконт ставкаси ҳисобланади. Ҳолбуки, 2007 йилнинг сентябрь ойида ФЗТнинг дисконт ставкаси 5,25 фоиз эди⁸. Бундан ташқари, мамлакат банк тизимида юзага келган ликвидлилик муаммосини бартараф этиш мақсадида «Вақтинчалик имтиёзли кредитлаш» дастури (TAF) қабул қилинди ва мазкур дастур доирасида АҚШ тижорат банкларига 413 млрд. доллар миқдорида марказлашган кредитлар берилди.

2008 йилнинг баҳор ойида банклар молиявий ҳолатининг кескин ёмонлашганлиги ФЗТ нинг банкларни қутқариш жараёнида тўғридан-тўғри иштирок этиш заруриятини юзага келтирди. ФЗТ фаолиятининг сўнгги 60 йили мобайнида биринчи марта банкка молиявий ёрдам кўрсатди. Яъни, инвестициявий банк ҳисобланган «Bear Stearns» банкига молиявий ёрдам берди.

Европа Марказий банки (ЕМБ) евроҳудуд мамлакатларининг банк тизимида юзага келган ликвидлилик муаммосини бартараф этиш ва макроиқтисодий ўсишни рағбатлантириш мақсадида дисконт ставкасини пасайтириш ва марказлашган кредитлар ҳажмини ошириш сиёсатини амалга оширишга мажбур бўлди. Чунки, 2008 йилда евроҳудудда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръати 0,5 фоизни ташкил қилди. Ҳолбуки, ушбу кўрсаткич 2007 йилда 2,9 фоизни ташкил қилган эди⁹.

ЕМБ 2008 йилнинг октябрь ойидан 2009 йилнинг май ойига қадар бўлган даврда дисконт ставкасини 3,25 фоиздан 1,0 фоизга туширди. Шунингдек, тижорат банкларига бериладиган марказлашган кредитлар ҳажми оширилди. Жумладан, 2008 йилнинг 15 октябридан бошлаб ЕМБ томонидан тижорат банкларига қатъий белгиланган ставкада марказлашган кредитлар бериш жорий этилди. Шуниси характерлики, ушбу кредитларни олиш учун берилган буюртмаларни тўлиқ қондириш йўлга қўйилди¹⁰.

⁸ www.federalreserve.gov сайти маълумотлари

⁹ Eurostat (<http://epp.eurostat.ec.europa.eu>)

¹⁰ Eurostat (<http://epp.eurostat.ec.europa.eu>)

Юқорида қайд этилган тадбирлар евроҳудуд тижорат банжларининг жорий ликвидлилик даражасининг ошишига ва улар томонидан берилаётган кредитлар фоиз ставкаларининг пасайишига олиб келиши лозим эди.

АҚШда ҳам, евроҳудуд мамлакатларида ҳам марказий банкларнинг дисконт ставкаларининг пасайтирилиши ва марказлашган кредитлар ҳажмининг оширилши пул массасининг юқори суръатларда ўсишига ва инфляция муаммосининг чуқурлашишига олиб келмади. Бунинг сабаби шундаки, ФЗТ ва ЕМБ очик бозор сиёсатидан пуллар таклифини тартибга солишда фаол фвйдаланди. Хусусан, корпоратив қимматли қоғозлар, шу жумладан, ипотека қимматли қоғозлари марказий банкларнинг очик бозор операцияларининг объектига айланди. Глобал молиявий инқирозга қадар мазкур қимматли қоғозлар марказий банкларнинг очик бозор операциялари объекти сифатида тан олинмас эди. Бунинг устига, марказий банкларга қимматли қоғозларни очик бозор сиёсати доирасида эмитентнинг ўзидан сотиб олишга рухсат берилди. Инқирозга қадар тараққий этган мамлакатларда, марказий банкларга қимматли қоғозларни эмитентнинг ўзидан сотиб олишга рухсат этилмас эди.

Глобал молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларини бартараф этишда тараққий этган мамлакатларда валюта сиёсатидан ҳам фаол тарзда фойдаланилди. Масалан, Европа Марказий банки Швейцария Марказий банки билан 390 млрд. доллар миқдорида икки томонлама валютавий своп битими имзолади¹¹. Ушбу битим евроҳудуд мамлакатлари банк тизимидаги АҚШ доллариға бўлган ликвидли талабни сезиларли даражада қондириш имконини берди.

Япония Марказий банки валюта сиёсатидан экспортни рағбатлантириш воситаси сифатида фойдаланди. 2009 йилда Японияда Марказий банкнинг валюта интервенциясидан миллий валютанинг қадрини пасайтиришда фойдаланилди. Чунки, 2008 йил давомида Япония иенасининг евро ва АҚШ

¹¹ www.ecb.eu маълумотлари


долларига нисбатан номинал алмашув курсининг ошиши унинг экспортига нисбатан салбий таъсир кўрсата бошлади.

1-диаграмма

АҚШ, Япония ва евроҳудуд мамлакатларида пул массасининг 2009

йилда 2008 йилга нисбатан ўсиши¹²

(фоизда)



Евроҳудудда ҳам 2008-2009 йилларда евронинг бир неча марта АҚШ долларига нисбатан номинал алмашув курсининг кўтарилиши кузатилди. Бу евроҳудуд мамлакатларидан АҚШга экспорт қилинаётган товарларнинг рақобатбардошлигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтирди. Бундай шароитда марказий банклар томонидан валюта сиёсати доирасида валюта интервенцияси, валютавий своп операциялари ҳажмини ошириш йўли билан миллий валютанинг номинал алмашув курсига ва банк тизимининг ликвидлилигига таъсир этиш зарурияти юзага келади.


1-диаграммада келтирилган маълумотлардан кўринадики, гарчи молиявий инқироз оқибатларини бартараф этиш мақсадида катта миқдорда молиявий маблағлар ва кредитлар марказий банклар ва ҳукуматлар томонидан ажратилган бўлсада, Японияда ва евроҳудуд мамлакатларида пул массасининг юқори даражадаги ўсиш суръатлари кузатилмади. Бу эса,

¹² www.ecb.eu маълумотлари

марказий банкларнинг очик бозор сиёсати ва валюта сиёсатидан пуллар таклифини тартибга солишда фаол тарзда фойдаланганлиги билан изоҳланади.

2-диаграмма

**АҚШда пул базаси таркибидаги ҳукумат қимматли қоғозлари
ҳажмининг ўзгариши¹³**
(млрд. АҚШ доллари)



2-диаграмма маълумотларидан кўринадики, 2008 йилнинг декабрь ойидан 2009 йилнинг декабрь ойигача бўлган даврда АҚШда пул базаси таркибида ҳукуматнинг қимматли қоғозлари ҳажмининг ошиш тенденцияси кузатилган. Бу эса, АҚШ ФЗТга очик бозор операциялари ҳажмини мазкур даврда ошириш имконини берган.

XX аср 90-йилларининг иккинчи ярмида Япония Марказий банки миқдорий заифлаштириш инструментини қўллади. Ушбу тушунча Япония Марказий банки томонидан муомалага 2001 йилда киритилди.

Миқдорий заифлаштириш деганда фоиз ставкаларини ноллик даражага тушириш йўли билан пуллар таклифини ошириш тушунилади. Япония Марказий банки томонидан тижорат банкларининг портфелидаги қимматли

¹³ АҚШ ФЗТ маълумотлари

қоюзлар сотиб олина бошлади.

2009 йил ноябр ойининг охирида Япония Вазирлар Маҳкамаси мамлакатда яна дефляция муаммоси юзага келганлигини эътироф этди. 2009 йилнинг сентябрь ойида баҳолар 2008 йилга нисбатан 2,2 фоизга пасайди. Бу эса, инқироз туфайли экспорт ҳажмининг пасайиши ва ортиқча ишлаб чиқариш қувватларининг юзага келганлиги билан изоҳланади.

Япония Марказий банки дефляцияга қарши кураш мақсадида миқдорий заифлаштиришни қўллади. Шу мақсадда 10 трлн. иена (115 млрд. долл.) миқдоридаги марказлашган ресурс қатъий белгиланган йиллик 0,1 фоизли ставкада 3 ойлик кредитлар бериш учун ажратилди¹⁴. Кредитлар давлат облигациялари, тижорат қимматли қоюзлари ва бошқа активлар билан таъминланади.

Япония Марказий банки Президенти М.Ширакаванинг фикрига кўра, миқдорий заифлаштириш дефляцияга қарши курашнинг ишончли воситасидир.

Япония Марказий банки 2009 йил ноябрда ҳисоб ставкасини 0,1 фоиз даражасида сақлаб қолди.

Фикримизча, тараққий этган мамлакатларнинг пуллар таклифини тартибга солиш амалиётини такомиллаштириш борасидаги тажрибаси Ўзбекистон Республикаси учун муҳим амалий аҳамият касб этади. Республика Марказий банкининг очик бозор ва қайта молиялаш операциялари ҳажмини ошириш, валюта ва депозит сиёсатининг мослашувчанлигига эришиш мамлакатимизда пуллар таклифини бошқаришни такомиллаштириш имконини беради.

1.2. Хўжалик юритувчи субъектларни – банк мижозларини таркибини шакллантиришга қўйиладиган талаблар

Ҳар бир тижорат банки учун мижозлар таркибини шакллантиришда

¹⁴ www.boj.or.jp сайти маълумотлари

маълум бир талабларга риоя қилиш муҳим ҳисобланади. Банк иши, жумладан, унинг фаолияти самарадорлиги қарзга берилган маблағларнинг қайтарилмаслик хатарининг камайиши, ликвидлиликка риоя қилиш кўп жиҳатдан мижозларни асосли ва мақсадга мувофиқ тарзда танлаш ҳамда улар билан ўзаро муносабатларни тўғри йўлга қўйиш билан боғлиқ бўлади.

Бу вазифани муваффақиятли ҳал қилиш яна шунинг учун ҳам аҳамиятлики, ҳар бир банкнинг мижозлар доираси кредит қўйилмаларини кўпайтириш ва фойдани ошириш омилларини кенгайтиришда муайян чекловлар мавжуд бўлади. Улар аввало банк ўз сармоясининг етларлилик меъёрига риоя қилиш зарурати билан боғлиқдир. Бу кредит қўйилмалари қўйишни кенгайтириш имкониятларини, яъни мос равишда банк даромадларини кўпайишини чеклайди. Чунки ўз сармоясини кўпайтириш осон иш эмас. МБдан жалб қилинган маблағлар бир қисмини захиралаш, маълум бир қарздорларга нисбатан таваккалчиликнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган меъёрларига риоя қилиш, шунингдек, банк томонидан жисмоний шахслардан жалб қилинадиган қўйилмаларнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган меъёрларига риоя қилиш талаблари кредит қўйилмалари ўсишини чеклашга жиддий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, мижозлар таркибини кенгайтириш имкониятлари, рақобатчиларнинг мавжудлиги билан ҳам чекланади.

Шуни ҳисобга олиш лозимки, истиқболда кредит қўйилмаларининг ортиши ва қимматли қоғозларга қўйилмалар қўйишнинг нисбатан камайиши оқибатида банкларнинг даромади ошади. Бу ҳам банкларнинг ўз мижозлари таркибини орпиришга қизиқтиради.

Банк мижозларининг кредитга лаёқатлилигини, ишончлилигини баҳолашнинг кўплаб услубиятлари адабиётларда ёзилган ва амалиётда қўлланилади. Бу бир томондан мижозларни баҳолашнинг бир хиллилиги олдини олиш имкониятидан гувоҳлик берса, иккинчи томондан, мижозларни баҳолашда турлича ёндашиш имкониятини беради. Бунда банклар томонидан алоҳида мижозларга қўйиладиган талабларнинг хусусиятлари ҳисобга олинади. Одатда, мижозлар фаолиятини

баҳолаш учун банкда маълум бўлган маълумотлардан, шунингдек, мижознинг ҳисоботларидан фойдаланилади. Бунда даромадлилик ҳолати ва суръатини баҳолаш имконини берадиган кўрсаткичларга, шунингдек, мижоз фаолиятида рўй берадиган ўзгаришларга ва унинг истикболдаги хусусиятлари (бизнес-режа, маҳсулотни сотиш бўйича шартномалар, бозор ҳолати ва бу маҳсулотга бўлган талабнинг ўзгариши)га алоҳида эътибор қаратилади.

Ҳисоботларни кўриб чиққанда, нафақат бухгалтерлик балансининг қолдиқлари («заҳиралари»), пассив ва активнинг алоҳида қисмлари бўйича динамикаси кўрсаткичларига, балки сотишдан тушган тушумларнинг ҳажми бўйича айланмалар («оқимлар») тўғрисидаги, мажбуриятларни тўлаш ва бошқалар тўғрисидаги маълумотларга ҳам эътибор қаратиш лозим. Бу каби ёндашувнинг қулайлигига яна шу нарса гувоҳлик берадики, бунда банкка келаётган ҳисоботларда ҳисобот кунларидаги маълумотлар берилади. Бу эса фаолиятнинг алоҳида хусусиятларини маълум бир давр учун баҳолашда жуда муҳим бўлади. Айланмалар тўғрисидаги маълумотлар туфайли қарз олувчи фаолиятини ва унинг кредитга лаёқатлилигини янада асослироқ баҳолаш имконияти пайдо бўлади. Бу мижозларни шакллантириш масалаларини ҳал қилишда ва алоҳида мижозлар билан ўзаро муносабатларни ўрнатишда муҳим аҳамият касб этади.

Бунда шуни ҳисобга олиш лозимки, мижозларнинг ҳисоб-варақларидаги пул айланмалари тўғрисида банкда мавжуд бўлган оператив маълумотларни, жумладан, айланмалар кўрсаткичлари ёрдамида кўриб чиқишда бир қатор қийинчиликлар юзага келади. Мижознинг ҳисоб-китоб ва ссуда ҳисоб-варақлари бўйича айланиш кўрсаткичини ҳисоблаш ўрганилаётган давр учун қолдиқларнинг ўртача катталигини ўртача кунлик айланма катталигига бўлиш орқали амалга оширилади. Бунда айланма катталиги унинг якунланган даври тўғрисидаги маълумотлар бўйича аниқланади: сарф-харажат ҳисобварақаси бўйича бу айланма маблағларнинг тушган пайти бўйича эмас, балки, уларнинг сарфланган пайтдаги ҳолати бўйича, ссуда ҳисобварақаси бўйича эса - ссуданинг

тақдим этилган пайти бўйича эмас, балки унинг қопланган ҳолати бўйича ҳисобланади. Айланиш кўрсаткичларини кетма-кет тартибда кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки бу мижозлар фаолиятида рўй бераётган ўзгаришлар тўғрисида асосли хулосалар чиқариш имконини беради. Бундан ташқари, бундай маълумотлар мижозлар билан кредит муносабатларини йўлга қўйишнинг имкониятлари ва ишончлилиги тўғрисида қарор қабул қилиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Мижозларни шакллантиришда ҳисобга олиниши лозим бўлган бошқа ҳолатлар ҳам мавжуд. Улар банк томонидан ликвидлиликка риоя қилиш талаблари жумласига киради ва у самарадорликнинг етарли даражасини сақлаган ҳолда, банкнинг мижозлар олдидаги мажбуриятларини бажариш имкониятини кўзда тутди. Ликвидлиликка риоя қилиш учун банкнинг Марказий харажатлар (МХ) ҳисобварақасида маблағларни ҳеч қандай қийинчиликсиз бошқа банкларга кўчириш учун, шунингдек, мижозлар талабини қондириш учун кассадаги нақд пуллар қолдиғини тўлдиришга етадиган миқдорда маблағлар бўлиши зарурдир.

Шундай қилиб, ликвидлиликка риоя қилиш учун банкнинг МХ ҳисобварақасида ва кассасида етарли миқдордаги қолдиқлар бўлиши зарур. Модомики, бундай қолдиқлар даромадсиз қўйилмалар бўлиб ҳисобланар экан, банк учун уларни камайтириш шубҳасиз манфаатли бўлиб ҳисобланади. Бунда зарурий қолдиқлар миқдорини камайтириш имкониятини берувчи мижозлар таркибини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

МХ ҳисобварақларидаги даромадсиз қолдиқларни камайтириш имкониятлари ҳақидатўхтапамиз. Бунда уларнинг банклар кассаларидаги қолдиқлардан бир неча марта кўп бўлишини ҳисобга оламиз. Банкларнинг МХ ҳисоб-варақаларидаги қолдиқлар катталигига таъсир кўрсатувчи омилларни кўриб чиқишда мазкур банкка кўчириладиган ва шу банкдан бошқа банкка кўчириладиган маблағлар ўртасидаги нисбатни кўриб чиқиш алоҳида аҳамият касб қилади. Маблағларнинг МХга келиб тушиши бу ҳисобварақадаги

қолдиқлар миқдорини оширади. Бошқа банкларга кўчирилиши эса қолдиқлар миқдорини камайтиради. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, МХ ҳисобварақасидаги қолдиқлар миқдорини минимал зарурий даражада тутиб туриш учун МХдаги келиб тушадиган ва чиқиб кетадиган маблағларнинг суммалари ва муддатларини тенглаштиришга эришиш керак. Бу жудаҳам муҳим. Чунки тушумлар ва чиқимлар ўртасидаги номувофиқлик МХ ҳисобварақасидаги даромадсиз қолдиқларнинг исталмаган равишдаги кўпайишига ёхуд кўшимча харажатларга сабаб бўладиган банклараро кредитларни (БАК) жалб қилишга мажбур қиладиган қолдиқларнинг камайишига олиб келиши мумкин. Банкнинг МХ ҳисобварақаси бўйича тушумлар ва чиқимлар ўртасидаги тенгликка эришиш жуда мураккабдир. Чунки бу каби операцияларнинг ҳажмлари ва муддатлари доимий равишда ўзгариб туради.

Агар банкда миқозлар маблағларини бошқа банкларга кўчириш зарурати пайдо бўлмаса, унда МХ ҳисобварақасидаги қолдиқлар миқдорини минимумга етказиш мумкин. Агар миқозлар ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг асосий қисми шу банкда бажарилса, бу нарсани амалга ошириш мумкин бўлади. Бошқабанклар миқозларига МХ ҳисобварақаси орқали доимий равишда катта миқдордаги маблағларни кўчириш ҳолатлари аниқланса, унда бу маблағларни олувчиларга мазкур банкда ҳисобварақалар очишни таклиф қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу туфайли МХ ҳисоб-варақасида қолдиқлар миқдорини камайтиришга эришиш мумкин. Ўз вақтида маблағларни олувчи учун бу таклиф манфаатли бўлиши мумкин. Чунки бунда тўловларнинг ўтиши тезлашади.

Бундан келиб чиқадики, МХ ҳисобварақасидаги даромадсиз қолдиқларни камайтириш мақсадида миқозлар таркибини такомиллаштириш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш учун МХ ҳисобварақаси бўйича тушумлар ва чиқимларни тенглаштиришга эришиш, бошқа банкларга пул кўчиришларни камайтириш имкониятларини аниқлаш мақсадларида миқозларнинг айланмалари тўғрисидаги маълумотларни ўрганиб чиқиши зарур.

Шу муносабат билан мижозларни кўп тармоқли диверсификациялаш, алоҳида тармоқлардаги ноқулай ҳолат ўзгаришларининг салбий таъсирлари олдини олиш, шунингдек, банк ликвидилигига риоя қилиш учун жуда муҳим. Чунки ҳар хил тармоқларда ўз мижозларига эга бўлганда, банкнинг МХ ҳисобварақасида қолдиқнинг минимал миқдорини сақлаган ҳолда, мижозларнинг маблағларни кўчириш тўғрисидаги топшириғини оппа-осон бажариш учун етарли шароит юзага келади.

Битта тармоқдаги корхоналар ўртасидаги ҳисоб-китоблар бу корхоналар ҳисоб-китоб операцияларининг умумий ҳажмига нисбатан кичикроқ улушга эга бўлади. Аксинча, бунда ҳисоб-китобларнинг каттагина қисми бошқа тармоқлардаги корхоналар билан бўладиган операцияларга тўғри келади. Шунинг учун ҳам ҳар хил тармоқлардаги, доимий ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширадиган корхоналар бўлган мижозларга кўпроқ эътибор бериш зарур.

МХ ҳисобварақаси орқали бошқа банкларга маблағларни кўчириш талабини қондириш имконияти нафақат мижозларнинг ички маблағлари, балки кредит ёрдамида ҳам амалга оширилиши мумкин.

Маълум бир шароитларда банкнинг МХ ҳисобварақасидаги қолдиқ миқдорини тартибга солиш учун МХдан қисқа муддатли ссудалар олиш мумкин. Бироқулар нисбатан кичик миқдорларда бўлиши керак. МХ ҳисобварақасидаги қолдиқ катталигини тартибга солишда банклараро кредитни қўллаш кўпроқ таъсир кўрсатиши мумкин. Масалан, МХ ҳисобварақасида етарли миқдордаги қолдиқ мавжуд бўлмаганда ва бошқа банкка маблағ кўчириш зарур бўлганда БАКни жалб қилиш мумкин. Бунда МХ ҳисобварақасидаги қолдиқ миқдори ошади ва маблағни кўчиришга имконият туғилади. Шуни унутмаслик керакки, БАКни жалб қилганда, кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар тўлаш билан боғлиқ харажатлар юзага келади.

Аксинча, банкнинг МХ ҳисобварақасида қолдиқлар миқдорининг кўпайиб қолиши улардан БАК сифатида фойдаланиш имкониятини беради ва

бунинг оқибатида маълум миқдорда даромадлар олиш мумкин. Албатта, бу каби маблағлардан кредит сифатида фойдаланиш маълум бир хатарлар билан боғлиқ бўлади.

Шунга карамай, банкнинг МХ ҳисобварақасидаги қолдиқ миқдорини тартибга солишда бошқа банкларга ҳеч қандай қийинчиликларсиз пул ўтказишни амалга ошириш учун, харажатлар нуктаи назаридан ҳам, хатарлар нуктаи назаридан ҳам асосий эътибор кредитлардан фойдаланишга эмас, балки миждозлар таркибини тартибга солишга қаратилиши керак.

Кредитдан банк кассасидаги нақд пул қолдиқларини тартибга солиш учун фойдаланиш жуда кам аҳамият касб этади. Бу ўринда банкка кунлик нақд пул тушумлари тушиши ва уларни касса орқали беришда тенгликка эришиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш жуда муҳим аҳамиятга эга. Бу банк миждозлари таркибида бошқа миждозлар эҳтиёжини узлуксиз қондира оладиган доимий етарли миқдордаги нақд пул топширадиган корхоналарнинг бўлишини тақозо этади. Бунинг учун банк нақд пулларнинг тушиши ва уларнинг чиқиши миқдорлари ҳамда муддатлари ўртасида мутаносиблик ҳосил қилиш учун бирмунча саъй-ҳаракат қилиши керак. Бундай мутаносибликнинг асосий омили - мос равишдаги миждозларни танлашдир.

Банк кассасидаги қолдиқ катталиги ва МХ ҳисобварақасидаги қолдиқлар ўртасидаги боғлиқлик мавжудлигини назардан қочирмаслик керак. Ҳақиқатан ҳам банк кассасига тушадиган нақд пуллар миқдори ундан бериладиган нақд пуллар миқдоридан кўп бўлса, унда қолган сумма МХ ҳисоб-варақасига ўтказилади. Аксинча, агар банк кассасига тушадиган нақд пуллар миқдори миждозлар эҳтиёжларини қондириш учун етарли бўлмаса, МХ ҳисобварақасидан ёрдам олишга тўғри келади. Бироқ бунинг оқибатида, касса қолдиғи ортади ва МХ ҳисобварақасидаги қолдиқ камаяди. Бундай боғлиқлик касса ва МХ ҳисобварақаридаги қолдиқлар каби даромадсиз қўйилмалар бўлган катталикларни тартибга солиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда ҳамда банк миждозлари таркибини шакллантиришда ҳисобга

олиниши лозим.

Юқоридагилардан маълум бўладики, банк мижозлари таркибини шакллантириш унинг фаолиятида самарадорликнинг маълум даражасига эришиш, қарзга бериладиган маблағларнинг қайтарилиш талабларига риоя қилиш ҳамда минимал харажатлар билан ликвидлиikka эришишда муҳимдир. Шунинг учун ҳам мижозларнинг ҳисоб-китоб операцияларини кузатиш ва уларни доимий таҳлил қилиб бориш банк фаолиятининг зарур йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Тижорат банкларини кредитлаш фаолиятининг самарадорлиги жойлаштирилган ресурслар таркиби, сифати, даромадлилиги ҳамда жалб этилган манбаларга узвий боғлиқдир.

Республика тижорат банклари балансларининг таркиби, кредитлаш фаолиятининг самарадорлигини «Ахбор-рейтинг» банклараро рейтинг компаниясининг рейтингида иштирок этган банклар мисолида кўриб чиқиш мумкин.

Кредит ресурслари тижорат банкининг хусусий ва жалб этилган маблағлари ҳисобидан шаклланади.

Бозор иқтисодиёти шаклланаётган муҳитда фаолият юритаётган банк учун акциядорлик капиталининг банк пассивидаги улуши қанчалик катта бўлса, ушбу банкнинг молиявий мавқеи шунчалик мустаҳкам бўлади.

Ушбу таҳлил республика тижорат банкларининг 2012-2014 йиллар якуни бўйича молиявий фаолият натижалари асосида тайёрланган бўлиб, 1-жадвалда банклар умумий пассивининг таркиби акс эттирилган.

Ушбу жадвалдан кўриш мумкинки, ўтган 3 йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банклари капиталлашувини оширишга қаратган сиёсатининг натижаси ўлароқ, банклар акциядорлик капиталининг банк пассивидаги улуши муттасил равишда ўсиб борди.

Тижорат банклари умумий баланси пасивининг таркиби (фоизда)

Банк гуруҳлари	Пассив таркиби	2012 йил	2013 йил	2014 йил
Барча банклар	Акциядорлик капитали	16,9	17,84	18,95
	Жалб этилган маблағлар	83,1	82,16	81,05
Йирик банклар	Акциядорлик капитали	16,73	17,65	19,63
	Жалб этилган маблағлар	83,27	82,35	80,37
Ўрта банклар	Акциядорлик капитали	19,16	19,92	15,7
	Жалб этилган маблағлар	80,84	80,08	84,3
Кичик банклар	Акциядорлик капитали	35,25	36,31	38,45
	Жалб этилган маблағлар	64,75	63,69	61,55

Ўз навбатида, банк томонидан жалб этилган маблағларнинг таркиби ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, ушбу таркиб барча банклар гуруҳлари бўйича куйидаги кўринишга эгадир (2-жадвал).

Тижорат банклари умумий мажбуриятларининг таркиби (фоизда)

Банк гуруҳлари	Пассив таркиби	2012 йил	2013 йил	2014 йил
Барча банклар	Депозитлар	26,64	30,5	54,56
	Бошқа мажбуриятлар	73,36	69,5	45,44
Йирик банклар	Депозитлар	24	27,92	53,21
	Бошқа мажбуриятлар	76	72,08	46,79
Ўрта банклар	Депозитлар	77,67	66,32	59,32
	Бошқа мажбуриятлар	22,33	33,68	40,68
Кичик банклар	Депозитлар	77,67	68,8	78,38
	Бошқа мажбуриятлар	22,33	31,2	21,62

Тижорат банклари томонидан жалб этилган ресурслар таркибини кўриб чиқсак, арзон ресурс ҳисобланадиган депозитлар ҳажмининг ўтган вақт мобайнида ўсганига гувоҳ бўламиз. 2-жадвалнинг таҳлили шуни кўрсатадики, банк мажбуриятлари таркибида депозитлар ва олинган қарзларнинг нисбати банк гуруҳларида турлича кўринишга эга экан. Агарда йирик банклар гуруҳи ўзининг ресурсларини четдан олинган қарзлар ҳисобига шакллантирса, ўрта ва кичик банклар гуруҳининг ресурс базасида асосан жалб этилган депозитлар асосий ўрин эгаллайди. Йил мобайнида ўрта ва кичик банк гуруҳлари мажбуриятлар таркибининг «Бошқа мажбуриятлар» фойдасига ўзгаргани, ушбу банкларнинг янги ресурс манбаларини жалб этиш бўйича иш олиб бораётганини кўрсатади.

Барча тижорат банкларини, шу жумладан, АИТБ “Ипак Йўли” Умар Минтақавий филиалида кредит фаолиятининг самарадорлиги, кредит ресурсларини қайси гуруҳдаги қарздорларга, қандай фоиз асосида жойлаштиришга боғлиқдир.

Тижорат банклари кредит портфелининг таркиби ҳамда берилган кредитлар бўйича олинган фоизли даромад таркиби 3-жадвалда акс этган.

3-жадвал

Тижорат банкларининг умумий портфели

Қарздорлар гуруҳи	Сана	Кредит миқдори	Олинган фоизли даромад
		фоиз	фоиз
Тижорат банклари	31.12.04	1,3	11,95
	31.12.03	0,27	7,19
	31.12.02	0,48	7,07
Жисмоний шахслар	31.12.04	10,6	14,56
	31.12.03	3,0	8,33
	31.12.02	2,37	9,08
Давлат корхоналари	31.12.04	27,3	22,74
	31.12.03	53,6	46,91

	31.12.02	60,73	48,51
Қўшна корхоналар	31.12.04	23,15	14,57
	31.12.03	23,57	12,61
	31.12.02	22,24	15,22
Хусусий корхоналар	31.12.04	37,65	36,18
	31.12.03	19,56	24,96
	31.12.02	14,18	20,12
Жами		100	100
		100	100
		100	100

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, умуман олганда, банклар учун энг асосий қарздорлар давлат корхоналари, сўнгра қўшма корхоналар ҳисобланади. Банкларнинг кредит портфелида хусусий бизнес учун ажратилган кредитлар улушининг ошиб боришини республикада ушбу соҳани ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган тадбирлар натижаси билан изоҳлаш мумкин.

Берилган кредитлар бўйича энг кўп фоизли даромадлар давлат ва хусусий сектор корхоналаридан олинган. Ушбу ҳолат уч йил мобайнида сифат жиҳатидан ўзгармади. 4, 5 ва 6-жадвалларда банкларнинг кредит портфели ва фоизли даромадлар таркиби банклар гуруҳлари бўйича акс эттирилган. Тижорат банкларининг умумлашган кредит портфелига хос бўлган хусусият йирик банклар гуруҳига ҳам хосдир. Умуман олганда йирик банкларнинг кредит портфелида давлат корхоналари, қўшма корхоналар ва хусусий корхоналарга берилган кредитлар асосий ўринда туради. Ўз навбатида, ушбу қарздорлар гуруҳи банкларга фоизли даромаднинг асосий қисmini келтирганлар. Бу кўрсаткичлар ўтган вақт мобайнида хусусий корхоналар фойдасига нисбатан камайган. Бу йирик банкларнинг хусусий сектор вакиллари кредитлаш ишларини кенгайтираётганини кўрсатади.

Йирик банкларнинг кредит портфели

Қарздорлар гуруҳи	Сана	Кредит миқдори	Олинган фоизли даромад
		фоиз	фоиз
Тижорат банклари	31.12.04	0,61	12,44
	31.12.03	0,3	6,9
	31.12.02	0,5	6,5
Жисмоний шахслар	31.12.04	8,28	11,24
	31.12.03	2,0	5,8
	31.12.02	1,8	5,3
Давлат корхоналари	31.12.04	31,65	27,8
	31.12.03	55,9	52,2
	31.12.02	62,1	54,2
Қўшна корхоналар	31.12.04	25,66	16,26
	31.12.03	24,3	13,4
	31.12.02	22,7	15,1
Хусусий корхоналар	31.12.04	33,8	32,26
	31.12.03	17,4	21,9
	31.12.02	12,9	18,9
Жами		100	100
		100	100
		100	100

Ўрта банклар гуруҳи учун асосий қарздорлар хусусий корхоналар ва жисмоний шахслар гуруҳи бўлиб, бу ташкилотлар фоизли даромаднинг асосий қисmini келтирганлар.

Кичик банклар гуруҳининг кредит портфелида ҳам хусусий корхоналар ва жисмоний шахсларга берилган кредитлар асосий ўринни эгаллайди. Ўтган муддат давомида хусусий корхоналарга берилган кредитлар ҳажми, айниқса,

жисмоний шахслар ҳисобига кескин ошди. Бунинг сабаби, ҳукумат томонидан хусусий корхоналар фаолияти учун бир қатор имтиёзлар яратилганидир,

5-жадвал

Ўрта банклар гуруҳининг кредит портфели

Қарздорлар гуруҳи	Сана	Кредит миқдори	Олинган фоизли даромад
		фоиз	фоиз
Тижорат банклари	31.12.04	4,47	11,01
	31.12.03	0,2	10,4
	31.12.02	0,2	9,9
Жисмоний шахслар	31.12.04	20,93	23,37
	31.12.03	23,7	25,7
	31.12.02	20,2	26,5
Давлат корхоналари	31.12.04	8,2	9,5
	31.12.03	10,5	12,7
	31.12.02	13,2	16,1
Қўшна корхоналар	31.12.04	12,26	10,41
	31.12.03	7,7	6,8
	31.12.02	7,3	5,2
Хусусий корхоналар	31.12.04	54,14	45,71
	31.12.03	57,8	44,4
	31.12.02	59,20	42,2
Жами		100	100
		100	100
		100	100

Таҳлилда фойдаланилган маълумотлар шуни кўрсатадики, барча банкларга хос бўлган хусусиятлар банк гуруҳлари мисолида кўриб чиқилганда нисбатан бошқа кўринишга эга бўлиши мумкин. Бунга банк гуруҳларининг миқдорлар таркиби билан узвий боғлангани асосий сабабдир. Тижорат

банклари фаолиятининг умумий таҳлили шуни кўрсатадики, ўтган 3 йил мобайнида тижорат банкларининг капиталлашуви ошди, иқтисодиётнинг хусусий секторига берилаётган кредитлар ҳажми ўсди. Банкларнинг кредит ресурслари манбаларининг сифати яхшиланди. Банк томонидан кредитлашга йўналтирилаётган маблағлар ҳажми ҳам ижобий томонга ўзгарди.

6-жадвал

Кичик банклар гуруҳининг умумий кредит портфели

Қарздорлар гуруҳи	Сана	Кредит миқдори	Олинган фоизли даромад
		фоиз	фоиз
Тижорат банклари	31.12.04	0	0
	31.12.03	0	22,4
	31.12.02	0	0
Жисмоний шахслар	31.12.04	17,83	18,77
	31.12.03	19,85	24
	31.12.02	57,6	58,22
Давлат корхоналари	31.12.04	5,9	10,45
	31.12.03	5,72	4,60
	31.12.02	4,42	3,46
Қўшна корхоналар	31.12.04	0,61	1,01
	31.12.03	0,99	0,82
	31.12.02	0,61	5,99
Хусусий корхоналар	31.12.04	75,65	69,77
	31.12.03	73,44	48,54
	31.12.02	37,31	32,33
Жами		100	100
		100	100
		100	100

Ўз навбатида, банклар олдида турган бир қатор имкониятлар ҳозирча ўзлаштирилмаган. Депозитлар ҳозирча банк мажбуриятларининг асосий қисмини ташкил этмаган. Кичик банк гуруҳларининг кредитлаш имкониятларидан тўлалигича фойдаланилмаган. Шу билан биргаликда, банклар даромад келтирувчи турли-туман хизматлар кўрсатиш орқали ўзларининг даромад манбаларини кўпайтирмоқдалар.

Банкларнинг кредит фаолиятларига янада тўлароқ ва ҳар томонлама баҳо беришда жойлаштирилган кредитларнинг сифати, муддати ҳақидаги ахборот зарур бўлади. Ўйлаймизки, мазкур рейтинг бу борадаги энг мукамал маълумот ҳисобланади.

Мамлакатимизда барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашни жадаллаштиришда банкларнинг ўрнини қуйидагиларда кўриш мумкин:

- ажратилаётган банк кредитлари ҳажмини кўпайтириш;
- технологик инновациялар жорий этиш ва молиявий ҳолатини яхшилаш орқали кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш;
- банклар томонидан кредит бериш шартларининг енгиллаштирилиши ва қўшимча молиявий хизматлар кўрсатиш;
- банкларда иқтисодий ночор корхоналарни тиклаш ва юқори малакали инвесторларга сотиш учун қулай шартларни таъминлаш;
- кредитлар бўйича паст фоиз ставкаларини белгилаш.


Банкнинг кредит муассасаси сифатида давлат иқтисодиётидаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишдаги иштироки ажратилган кредитларнинг умумиқтисодий миқёсдаги даражаси, давлатнинг мақсадли дастурларини амалга оширишни молиявий қўллаб-қувватлаши, инвестиция манбаси сифатидаги аҳамияти ва таклиф этаётган молиявий хизматлари кўлами билан баҳоланади.

2014 йилда Ўзбекистонда жами банк кредитлари ЯИМга нисбатан 22,3

фоизни ташкил этди ва жами банк активларининг нисбати 37 фоизга етди. Инвестиция манбаларида банк кредитлари 10,9 фоизли улушни эгаллади. «2013 йилги Давлат Инвестиция дастури»ни амалга ошириш учун банклар томонидан жами 7,2 трлн. сўм кредит маблағлари ажратилди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида жами 7 трлн. сўм ажратилди, халқаро молиявий ташкилотлардан 145,4 млн. АҚШ доллари микдорида кредитлар жалб этилди.

3-диаграмма

Банкларнинг Давлат инвестиция дастуридаги улушининг ортиши



«Обод турмуш йили» давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида жами микдори 2,5 трлн. сўм кредитлар оилавий, хусусий тадбиркорлик ва

хунармандчилиқни ривожлантириш, қишлоқ жойларда маҳсулотларни етиштириш, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, республика ҳудудида ободонлаштириш, аҳоли истеъмоли учун зарур соҳаларни ривожлантиришга ажратилди.

Банк хизматларининг сифат кўрсаткичлари аҳолига хизмат кўрсатиш даражаси, замонавий банк хизматларининг жорий этилганлиги, банкларнинг молиявий барқарорлиги ва ликвидлилик даражаси билан баҳоланади.

2014 йилда республика ҳудудларидаги филиаллар тармоғи ўз ичига 837 та банк муассасаси, 4196 та минибанк ва махсус кассаларни олди.

Бу эса аҳолининг 100 минг кишига 49,7 банк муассасасининг фаолият юритиши, ҳар мингта аҳолига 1028 та жисмоний шахсларнинг банклардаги ҳисоб рақами тўғри келишига ва юқори даражада баҳоланишига асос бўлди.

Банк хизматлари бозорида жорий этилган замонавий инновацион технологияларнинг самараси банкларнинг рақобатбардошлиги ва кўрсатиладиган хизматлар сифати даражасини белгиловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан банкларда «банк-мижоз», «интернет-банкнинг», «мобиль-банкнинг», «SMS банкнинг» ва бошқа шу каби масофадан бошқариладиган хизматларни йўлга қўйиш натижасида фойдаланувчилар сони 250 мингдан ортди.


Мижозлар эҳтиёжини қисқа вақт мобайнида қондириш ва мажбуриятларни ўз вақтида ижоо этиш қобилияти банклар томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг сифатига таъсир этувчи омиллардан биридир. Бу эса банклардан молиявий барқарорликни талаб этади. Бу борада банк тизимида эришилган қатор ижобий ютуқлар эътироф этилади. Жумладан, юртимиздаги барча банклар халқаро рейтинг агентликлари томонидан ижобий баҳоланган, жами банк тизимининг капиталлашув даражаси халқаро меъёрлардан 3 баробар кўп бўлишига эришилган, ликвидлилик даражасининг эса 2,2 баробар ортиқ бўлиши таъминланган.

Иқтисодиётни эркинлаштириш, кичик бизнес ва хусусий

тадбиркорлик субъектларига енгиллик яратиш, кулай тадбиркорлик ва инвестиция муҳитини яратишга қаратилган қатор чора-тадбирлар банклар хизматлари кўламини кенгайтириш ва улардан фойдаланиш амалиётида ҳам акс этди. Кредит олувчиларни ортиқча ҳужжатбозликдан халос этиш, кредит олиш бўйича аризаларни электрон тизим орқали амалга ошириш шулар жумласидандир.

4-диаграмма

2014 йилда айрим тижорат банкларида замонавий хизматлардан фойдаланувчилар сони



Бундан ташқари, ТИФ Миллий банки ҳузурида республика минтақаларида ҳудудий филиаллари бўлган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси» ташкил этилди. 2013 йилда Жамгарма томонидан жами 56 млн. АҚШ долларига тенг бўлган экспорт шартномаларини тузишда амалий ёрдам кўрсатилди.

Шу билан бирга, кредит беришда олис ва бориш қийин ҳамда меҳнат ресурслари ортиқча бўлган туман ва шаҳарлардаги корхоналар учун кредит олишда қатор имтиёзлар, хусусан, кредитлар 5 йил муддатгача, энг кам ойлик иш ҳақининг икки минг баробаридан (215,27 млн. сўм) ортиқ бўлмаган суммада, фоиз ставкаси Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан ошмаган (йиллик 5 фоиз) фоиз ставкасида ажратилиши белгиланган.

Банк кредитлари орқали кредит бўйича фоиз ставкаларини пасайтириш ва депозитлар бўйича фоизларни кўтариш корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва аҳоли даромадларини оширишнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

2014 йилда хужалик юритувчи субъектлар даромадларининг ортиши банкларда ресурс базасининг кенгайишига таъсир этди, бу эса ўз навбатида, фоиз ставкасини пасайтирди. Хусусан, пул бозоридаги банклараро операциялар бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси 2013-йилда 10,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 9,9 фоизгача ўзгарди. Ушбу ҳолат банк депозитларида жисмоний шахслар омонатларида ҳам акс этди ва ўртача фоиз ставкасининг 7,7 фоиздан 7,1 фоизга тушишида ифодаланди. Ресурсларнинг асосий қисмини ташкил этадиган юридик шахслар депозитлари ҳам 6,2 фоиздан 6,0 фоизгача пасайди.

Банкларда ресурс базасининг арзонлашуви банк кредитлари бўйича фоиз ставкаларини пасайтириш учун зарур шарт-шароит яратди. Банкларнинг реал секторга ажратган кредитлари бўйича кредитларнинг фоиз ставкаси 2013 йилдаги 13,6 фоиздан 2014 йилда 13,0 фоизгача пасайди. Бу эса банк тизимини мамлакат иқтисодиётини барқарор ўсиш суръатларини сақлаш ва миллий ишлаб чиқарувчилар рақобатбардошлигини ошириш, етакчи тармоқларни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашдаги ўрнини кенгайтиришга хизмат қилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда тижорат банклари ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг муҳим молиявий институти ҳисобланади. Банкларнинг ушбу йўналишдаги фаолияти иқтисодиётда кредитларнинг инвестицион хусусиятини ошириш, янги иш ўринларини яратиш, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий дастурлари ижросини молиявий таъминлаш ва иқтисодиётнинг реал секторидаги корхоналар рақобатбардошлигини ошириш банк фаолиятини самарали ташкил этишда намоён бўлади.

1.3. Хўжалик юритувчи субъектларни банк фаолиятини самарали ташкил этишдаги роли

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ўзининг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари" номли асарида глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг юзага келиш сабаблари хусусида тўхталиб, шундай дейди: "Бу инқироз Америка Қушма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. Сўнгра бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетди. Дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик компаниялар индекслари ва аксилларнинг бозор қиймати ҳалокатли даражада тушиб кетишига олиб келди. Буларнинг барчаси, Ўз навбатида, кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий Усиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши билан боғиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқарди"¹⁵.

Ҳозирги кунда АҚШ ҳукумати томонидан АҚШ молия бозорларини таназзулдан қутқариш мақсадида сарфланган молиявий маблағлар қарийб 1 трлн. АҚШ доллари миқдорида баҳоланмоқда. Бошқача айтганда, дастлабки 700 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги ҳукумат хажми оширилиб, банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш, банкларнинг 3 йилгача бўлган янги қарз мажбуриятлари юзасидан федерал бериш кабиларга йўналтирилиши мўлжалланди.

Молиявий инқирознинг чуқурлашиши олдини олиш мақсадида, Буюк Британия банк тизимининг бир қисмини миллийлаштирди ва келгусида банклараро кредитлар бозорини рағбатлантиришни режалашгирган. Масалан ҳозирги кунда Роял Банк оф Скотланд ва Ллойдс банклари акцияларининг 50 фоиздан ортиғига Англия банки эгалик қилмоқда, бундан ташқари, Англия

¹⁵ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 4 б

банки йирик молиявий институтларни рағбатлантириш йўлида 87 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги молиявий маблағларни сарф қилди.

Еврохудуд мамлакатлари ҳам ҳар бир мамлакатнинг капиталлашув даражаси паст бўлган банклари имтиёзли акцияларини сотиб олиш ва қисқа муддатли молиялашгириш муаммолари юзасидан уларга кўмаклашиш мақсадида, турли миқдордаги пул маблағларини ажратишларига қарамай, улар ҳамон Британия моделига эргашган ҳолда ҳаракат қилмоқдалар.

Банк тизимидаги молиявий муаммоларни бартараф этиш мақсадида дунёнинг ривожланган саноат мамлакатлари марказий банклари қайта молиялаш ставкаларини пасайтиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Россия Марказий банки жаҳон молиявий инқирози шароитида мамлакат тижорат банкларига ёрдам бериш мақсадида қайта молиялаш кредитлари ҳажмини оширди ва уларнинг фоиз ставкаларини пасайтирди. 2007-2008 йилларда

Россия Марказий банки томонидан тижорат банкларига 1500 млрд. рубл миқдорида марказлашган кредитлар берилди. Шунинг 950 млрд, рубли 2020 йилгача бўлган муддатга йилига 8 фоиз тўлаш шарти билан тижорат банкларига берилган субординар кредитларга тўғри келди

Шуниси ҳарактерлики, Россия Марказий банки томонидан берилган субординар кредитларнинг асосий қисми мамлакатнинг энг йирик тижорат банклари бўлган "Сбербанк", "Внешторгбанк", "Росселхозбанк"ларга берилди. Субординар кредитларнинг катта қисми (500 млрд. руб.) "Сбербанк"ка берилди. Лекин марказий банкларнинг тижорат банкларини кредитлаш имкониятининг чекланганлигини ҳисобга олишимиз лозим. Масалан, Россия Марказий банки марказлашган кредитларнинг 90 фоиздан ортиқ қисмини стратегик аҳамиятга эга бўлган, корхоналарни кредитлаётган ва аҳолининг депозит маблағларини кенг қўламда жалб қилган тижорат банкларига берди. 2008 йилда Россия Марказий банкдан марказлашган кредитлар ололмаган қатор кичик ва ўрта банклар банкрот бўлди.

Тижорат банкларининг ликвидлик ва тўловга қобиллик даражасининг кескин пасайиши, биринчидан, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий аҳоли ёмонлашишига олиб келади; иккинчидан, банкларнинг банкрот бўлиш хавфини кучайтиради. Ўз навбатида, банкларнинг банкрот бўлиши эса юзлаб корхоналарнинг банкрот бўлишига олиб келади. Шу сабабли, дунёнинг кўплаб мамлакатларида тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш мақсадида мамлакат банк тизими ни амалга оширилди. Масалан, АҚШ ҳукумати томонидан жаҳон молиявий инқирози оқибатларини бартараф этиш мақсадида сарфланган дастлабки молиявий маблағларнинг 20 фоизи (714 млрд. долл.) банклар ва компанияларнинг капиталлашиш даражасини оширишга йўналтирилди. Германияда эса, ана шу мақсадларга 177 млрд. АҚШ доллари миқдорида маблағ йўналтирилди¹⁶.

Ўз навбатида, мамлакатимиз Президенти Ўзбекистон банк тизими жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф этишга қодир, деган илмий хулосани шакллантирди ва ушбу хулоса қуйидаги далилларга таянади:

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активларининг умумий миқдори 2015 йилнинг 1 январ ҳолатига "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги қонунга мувофиқ шакллантирилган заҳиралар билан биргаликда, 13 трлн. 360 млрд. сўмдан ошди¹⁷. Бу эса, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг республикаимиз тижорат банкларидаги депозитлари ҳажмидан 2,4 баробарга кўп демакдир.

Тижорат банклари актив операцияларини молиялаштиришнинг асосий манбаи аҳоли ва юридик шахсларнинг депозитлар ҳисобланади. Бунинг сабаби шундаки, депозитлар тижорат банклари пасивларининг умумий ҳажмида салмоғига кўра биринчи ўринни эгаллайди.

¹⁶ Халқаро валюта фонди маълумотлари

¹⁷ ЎзР Марказий банкининг 2014 йил маълумотлари бўйича

Депозитлар тижорат банкларининг ликвидлигига бевосита ва кучли таъсир кўрсатади. Чунки депозитларнинг асосий Қисми (айрим банкларда 80 фоиздан ортиқ қисми) кредит сифатида жойлаштирилади. Кредит эса юқори riskли актив ҳисобланади. Халқаро Базел Қўмитасининг тижорат банклари активларини riskка тортиш бўйича белгилаган талабига кўра, тижорат банки томонидан миқдорларга берилган кредитларнинг risk даражаси 100 фоизга тенг. Базел қоидаларига мувофиқ, тижорат банки томонидан берилган кредитнинг муддати ўтганига 90 кундан ортиқ вақт ўтган бўлса ва кредитдан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаси кредит бўйича умумий қарздорликнинг 20 фоиздан кам бўлса, у ҳолда ушбу тоифадаги кредитларнинг risk даражаси 150 фоизни ташкил қилади.

Юқорида билдирилган фихр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, Президентимиз И.А. Каримов томонидан келтирилган активлар ва депозитлар ўртасидаги нисбатга асосланган далил мамлакатимиз тижорат банкларининг ликвидлик даражаси тўғрисида аниқ тасаввур ҳосил қилиш имконини беради.

2. Республикамиз банк тизими капиталининг етарлилик даражаси банк назорати бўйича Халқаро Базел қўмитаси талаблари асосида белгиланган Халқаро стандартлардан қарийб 3 баробарга юқоридир.

Маълумки, Халқаро ҳисоб-китоблар банкининг маълумотларига кўра, дунёнинг 150 мамлакатада (жумладан Ўзбекистон ҳам) тижорат банклари капиталининг етарлилигини баҳолаш бўйича халқаро Базел Қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган стандарт қўлланилади. Ушбу стандартга кўра, тижорат банки регулятив капиталининг етарлилигини аниқлаш учун регулятив капитал суммаси банкнинг riskка тортилган активлари суммасига бўлинади. Ушбу коэффициентнинг энг паст даражаси 8 фоиз қилиб белгиланган. Республикамиз Марказий банки томонидан ушбу коэффициент 0,10 яни 10 фоиздан кам бўлмаслиги лозим. Республикамиз тижорат банкларида эса, регулятив капиталнинг етарлилик даражаси 24 фоиздан

юқоридир¹⁸.

Регулятив капиталнинг этарлилик коэффициента тижорат банклари тўловга қобиллигини тавсифловчи муҳим кўрсаткич ҳисобланади. Халқаро банк амалиётида тижорат банклари капиталининг этарлилигини баҳолаш бўйича ўрта методика мавжуд бўлиб, уларнинг ичида нисбатан мукаммали, кўпчилик таниқли экспертларнинг (К.Барлтроп, Д.МакНотон, А.Симановский, В.Усоскин, О.Лаврушин ва бошқ.) фикрига кўра, Халқаро Базел қўмитаси экспертлари томонидан ишлаб чиқилган методика ҳисобланади.

Тижорат банки капиталининг эгарлилигини баҳолаш бўйича Халқаро ҳисобкитоблар банки томонидан ишлаб чиқилган методикада капиталнинг этарлилиги регулятив капитални активларнинг умумий суммасига бўлиш йўли билан аниқланади. Ушбу коэффициентнинг энг паст норматив даражаси 8 фоиз қилиб белгиланган.

АҚШ Федерал заҳира тизими томонидан ишлаб чиқилган методика бўйича, тижорат банки капиталининг этарлилиги капитални депозитларнинг умумий суммасига бўлиш йўли билан аниқланади. Ушбу коэффициентнинг энг паст норматив даражаси 10 фоиз қилиб белгиланган.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентга И.А. Каримов томонидан "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асарида келтирилган Ҳисоб-китобларга кўра, "республикада банк тизимининг умумий жорий ликвидлиги доллар ҳисобида 1,5 миллиард доллардан ортиқдир. Бу ташқи нодавлат қарзлар бўйича тўланиши керак бўлган тўловлар ҳажмидан 10 баробар кўпдир"¹⁹.

Тижорат банкларининг жорий ликвидлиги уларни банк орқали ўтадиган тўловларни ўз вақтида тўлай олиш имкониятини билдиради. Нодавлат ташқи қарзлар бўйича тўловлар тўлиқ (100 фоиз) тижорат банклари орқали ўтади (давлат ташқи қарзлари бўйича тўловлар Марказий банк ва

¹⁸ ЎзР Марказий банкнинг 2014 йил маълумотлари бўйича

¹⁹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 22 б

давлат банклари оркали ўтади). Бу эса тижорат банкларининг старли даражада ликвид бўлишини тақозо этади. Шу жihatдан олганда, тижорат банкларининг жорий ликвидлиги ва нодавлат ташқи қарзи бўйича тўловлар миқдори ўртасидаги нисбатнинг оқилона даражасини таъминлаш банк тизимининг ликвидлигини таъминлаш нуктаи назаридан муҳим амалий аҳамият касб этади.

1. Республикамиз банкларига аҳолининг ишончини мустаҳкамлаш мақсадида 2008 йилнинг ноябр ойидан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармониға мувофиқ, фуқароларнинг банклардаги омонатлари, миқдоридан қатий назар, давлат томонидан тўлиқ қафолатланди.

Халқаро банк амалиётида қабул қилинган меъёрий кўрсаткич бўйича, аҳолининг банклардаги омонатларининг 10 фоизи даражасида захира шакллантирилса, омонатларни химоялаш хавфсизлигини таъминлаш учун этарли ҳисобланади. Республикамизда эса, аҳолининг банклардаги омонатлари "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини қафолатлаш фонди" даги маблағларнинг миқдоридан қатий назар, давлат томонидан тўлиқ қафолатланади.

Тижорат банкларининг, шу жумладан АИТБ "Ипак Йўли" "Умар" Минтақавий филиали капиталлашиш даражасини ошириш бўйича Россия тажрибаси эътиборға лойиқ, яъни Россияда биринчи марта тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш бўйича субординар кредитлар берилди, Ушбу субординар кредитлар 2020 йил муддаға йиллик 8 фоиз ставкада 950 млрд. рубл миқдорида берилди. Унинг 500 млрд. рубли Марказий банк томонидан, 450 млрд. рубли эса, Миллий фаровонлик фонди маблағлари ҳисобидан берилди²⁰. Субординар кредитлар 2020 йилға қадар қайтариб олинмайди. Бу эса, уларнинг барқарорлик даражасини оширади.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини оширишни давлат томонидаи молиявий қўллаб-қувватлаш

²⁰ РФ Марказий банкининг 2014 йил маълумотлари бўйича

усулидан кенг фойдаланилди (7-жадвал). Мамлакатимизнинг йирик тизимли банкларига янги акциялар чиқаришга рухсат этилиб, улар давлат ва Марказий банк томонидан сотиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 13 августдаги ПК-944 сонли "Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат қурилиш банкниинг капиталлашув даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2008 йил 13 ноябрдаги ПК-998-сонли "Асака" давлат-акциядорлик тижорат банкниинг инвестициявий фаолиятини янада ошириш чоратадбирлари тўғрисида"ги, 2008 йил 16 октябрдаги ПК-986-сонли "Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкнинг капиталлашувини янада кўпайтириш ва инвестицион фаоллиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2008 йил 11 январдаги ПК-775-сонли "Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкнинг капиталлашув даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда 2008 йил 8 октябрдаги ПК-975-сонли "Пахтабанк" ва Ғаллабанк" акциядорлик-тижорат банкларининг инвестициявий фаоллигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорларига мувофиқ²¹:

— "Ўзсаноатқурилишбанк" нинг акциядорлари томонидан умумий қиймати 65.4 млрд. сўм миқдоридаги қўшимча акциядорларни эмиссия қилиш асосида банкнинг устав капиталини 100 млрд. сўмга ўтказиш;

— "Пахтабанк" акциядорлик тижорат банкнинг устав капитал миқдорини 100 млрд. сўмга, "Ғаллабанк" акциядорлик тижорат банкнинг устав капитал миқдорини 50 млрд. сўмга етказиш ҳамда мос равишда жами 50 ва 36 млрд. сўмлик қўшимча акцияларни эмиссия қилиш;

— Давлат тижорат Халқ банки акция дорларининг умумий йиғилиши томонидан 2008 йилда банкнинг устав капиталини 100 млрд. сўмга ўтказиш;

— "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки акциялари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкнинг 2008-2009 "Микрокредитбанк" акциядорлик банкнинг устав капиталини 72 млрд.

²¹ Ҳозирги кунда Пахтабанк ва Ғаллабанк Агробанк ва Қишлоққурилишбанк банклари қайта номланган

сўмга кўпайтириб, унинг умумий миқдори 150 млрд. сўмга этказиш;

— "Асака" Давлат-акциядорлик тижорат банки аксиадорларининг умумий йиғилиши томонидан 2009-2010 йилларда банкнинг устав капитали миқдори қўшимча 147,1 млрд. сўмга оширган ҳолда унинг жами миқдори эквивалентда 300 млрд. сўмга етказиш хусусидаги таклифлар қабул қилинди.

7-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан банклар устав капиталини ошириш бўйича ажратилган маблағлар динамикаси²²

№	Банк номи	Эълон қилинган устав капитали, млрд. сўм	Қўшимча акциялар эмиссияси ва жойлаштирилиши						
			Жами	Шу жумладан					
				2009	2010	2011	2012	2013	2014
1	Халқ банки	200	120	20	30	30	20	20	20
2	Асакабанк	300	147	100	48	—	—	—	—
3	Саноатқурилиш-банк	100	65	63	2	—	—	—	—
4	Микрокредитбанк	150	72	54	18	—	—	—	—
5	Агробанк	50	36	13	23	—	—	—	—
Жами		491	273	149	30	30	20	20	20

Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартдаги ПФ-1083-сонли фармони билан Ғаллабанк базасида Қишлоқ қурилиш банк ва 2009 йил 30 мартдаги ПФ-1084-сонли фармони билан Пахтабанк базасида Агробанк ташкил қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, биринчидан, республикаимиз тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш йўли билан уларнинг ликвидлигини таъминлаш усулидан фойдаланилиши, иккинчидан, банклар активларининг сифатини ошириш, улар фаолиятига глобал молиявий инқирознинг таъсирини юмшатиш имконини берадиган муҳим тадбир ҳисобланади.

²² Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари бўйича тузилган

I-Боб бўйича хулоса

Бугунги кунда тижорат банклари бажараётган барча операциялар бевосита ёки билвосита банк капиталининг етарлилиги ва унинг сифатига боғлиқ бўлиб, ҳар қандай тижорат банкининг тўловга қобиллигини ва хатарлардан холилигини баҳолашда банк капиталининг етарлилиги асосий омил ҳисобланади. Тижорат банкларининг етарли миқдорда банк капиталига эга бўлиши, уларнинг ликвидлигини таъминлаш ва фаолияти давомида дуч келадиган хатарлардан зарар кўрмай чиқиб кетиш имкониятини беради.

Ўзбекистон тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган асосий талаблар “Тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги Марказий банкнинг 420-сонли Низомида белгиланган. Низом бўйича тижорат банклари капиталининг етарлилигига қўйиладиган талаблар халқаро Базел қўмитасининг андозаларида кўзда тутилган талабларга мос келади²³. Базел қўмитасининг андозалари, унга аъзо бўлган ўн иккита мамлакат²⁴ марказий банкларининг вакиллари иштирокида 1998 йилда ишлаб чиқилган ва 1993 йилдан амалиётга жорий этилган²⁵.

Тижорат банклари капитали биринчи даражали капитал ва иккинчи даражали капиталдан ташкил топади. Иқтисодий адабиётларда у асосий капитал ва қўшимча капитал деб ҳам юритилади.

Тижорат банклари капиталининг асосий ва қўшимча капиталга ажратилиши, умумий капитал таркибидаги манбаларни шакллантиришда ҳамда уни бошқаришда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг асосий капитали банкнинг тўлиқ тўланган ва муомалага чиқарилган оддий акциялари, нокумулятив, муддатсиз имтиёзли

²³ Жўраев У. Халқаро банк назоратини такомиллаштиришда Базел қўмитасининг роли. //Бозор, пул ва кредит. 10-сон, 2003. 5-сон.

²⁴ Белгия, Канада, Франция, Германия, Италия, Япония, Люксембург, Голландия, Швеция, Буюк Британия ва АҚШ

²⁵ Деньги, кредит, банки : учебник / коллектив авторов ; под ред. О.И. Лаврушина. – 12-е изд., стер. – М. : КНОРУС, 2014. – 448 с.

акциялари, эмиссион даромад, тақсимланмаган фойда, консолидациялашган шўъба шўъба корхоналарга йўналтирилган маблағлар ва умумий захирадан иборат.

Республикамиз тижорат банклари капитали таркибида эмиссион даромадлар ва консолидациялашган шўъба корхоналарга йўналтирилган маблағларини шакллантириш шу куннинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Тижорат банклари асосий капитали таркибида эмиссион даромадларнинг шаклланмаганлиги, банклар акцияларининг мамлакат фонд биржаларидаги олди-сотдиси билан боғлиқдир. Бизга маълумки, эмиссион даромад тижорат банки акцияларининг молия бозорлари орқали ҳақиқатда сотилган баҳоси ва номинал қиймати ўртасидаги ижобий фарқидан юзага келади. Ҳозирги мазкур бозорнинг тўлақонли фаолият кўрсатмаётганлиги ва бошқа иқтисодий омилларнинг таъсири натижасида тижорат банклари учун эмиссион даромадни вужудга келтиради. Қачонки, қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозори тўлиқ ишга тушса, фонд биржаси том маънода фаолият кўрсатса, қачонки, акциялар қиймати мунтазам эълон қилиб борилса ва аҳолида акцияларни сотиб олишга иштиёқ туғилса, акцияларнинг ўзи шунчаки оддий қоғоз бўлиб қолмасдан, ҳақиқий қимматли қоғозга айланиб, ўз эгалари учун муҳим даромад манбаи бўлсагина бунга эришиш мумкин.

II-БОБ. ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИ КРЕДИТЛАШ ТИЗИМИНИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ

2.1. Хўжалик юритувчи субъектларни кредитлашда эътиборга олинаши зарур бўлган кўрсаткичлар таҳлили

Корхоналар фаолиятида иқтисодий омиллар сиёсий омиллар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ҳаракат қилади. Соҳада хўжалик юритишнинг туб хусусиятлари, хўжаликлар иш олиб бораётган ижтимоий ва иқтисодий шароитлар уларнинг молиявий-иқтисодий аҳволини мунтазам равишда баҳолаш, назорат қилиш ҳамда уларни давлат томонидан узлуксиз қўллаб-қувватлаш заруриятини келтириб чиқаради.

Корхона фаолияти ижтимоий-иқтисодий омиллар билан бевосита боғлиқлиги уларнинг тадбиркорлик таваккалчилиги даражасини ошириб, молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлашда молиявий-иқтисодий диагностикадан фойдаланишни зарур қилиб қўяди.

Илмий манбаларда ва хўжалик амалиёти тажрибасига суянган ҳолда хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий самарадорлигини кенг маънода ташқи ва ички омиллар сиёсий ўзгаришлар шароитида белгиланган мақсадларга эриша олиш қобилияти, топ маънода эса мўътадил фаолият юритиши учун зарур бўлган молиявий-иқтисодий шароитларда эга эканлиги, деб қараш мумкин.

Фермер хўжалигининг табиий-иқлоим шароитларига боғлиқлиги, жумладан, ҳосилсизлик, сув тошқини, қурғоқчилик ва бошқа табиий офатларга қарши курашиш зарурияти молиявий ресурслардан оқилона фойдаланишни талаб этади. Молиявий ресурсларни шакллантириш ва улардан фойдаланишга хўжаликнинг молиявий муносабатлари орқали эришилади. Фермер хўжалигининг барқарор ишлашини таъминлаш учун молиявий ресурсларни ташкил этувчи мақсадли пул маблағларини

шакллантириш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни оқилона йўлга қўйиш лозим.

8-жадвал

Корхона молиявий ҳолати босқичлари ва мазмуни

Босқичларнинг номланиши	Мазмуни
Бухгалтерия ҳисоблари билан танишиш	Таҳлил учун тайёргарлик даражасини текшириш
1. Ҳисобот йили даврида корхонанинг молиявий ҳолатини ва унинг молиявий кўрсаткичларидаги ўзгаришларни умумий тарзда баҳолаш	Солиштирма аналитик баланс тузиш: - ҳисобот йили давомида баланс моддаларининг балансдаги умумий улушини ҳисоблаш; - йили бошига нисбатан баланс моддаларининг ўзгаришини ҳисоблаш
2. Тўловга қобиллик ва молиявий барқарорлик таҳлили	Солиштириш усули бўйича: - заҳира ва харажатларни шакллантиришдаги ортиқчалик ёки етишмовчиликни аниқлаш; - корхонанинг молиявий барқарорлик даражасини баҳолаш. Коэффициентлар усули бўйича: - автономия коэффициенти; - ўз маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти; - маневрланганлик коэффициенти; - молиялаштирилганлик коэффициенти.
3. Корхона балансининг кредитга лаёқатлилиги ва ликвидлиги таҳлили	Солиштириш усули бўйича: - активдаги маблағларни пассивдаги мажбуриятлар билан солиштириш; - қопланганлик коэффициенти ва жорий ликвидлик коэффициенти.
4. Айланма активлар айланиши таҳлили	- активларнинг ўртача миқдорини аниқлаш; - активлар айланишининг давомийлигини аниқлаш; - айланма маблағларни шакллантиришга жалб қилиш ёки айланма маблағлардан четланиш коэффициенти ²⁶

²⁶ Шеремет А.Д., Сайфуллин Р.С. Методика финансового анализа. – И.: Инфра-М, 1997. – 41-с

Корхона молиявий ҳолатини таҳлил қилиш

Босқичларнинг номланиши	Мазмуни
1. Молиявий аҳволни умумий баҳолаш ва уни ҳисобот даври бўйича ўрганиш	- умумлаштирилган баланс тузиш; - умумлаштирилган баланс моддаларининг вертикал ва горизонтал таҳлили; - молиявий коэффицентларни аниқлаш; - баланс активи ва пассиви моддалари ўзгаришини батафсил ўрганиш.
2. Молиявий барқарорлик таҳлили	- захира ва харажатларни шакллантиришда маблағлар ортиқчалиги ёки етишмовчилигини аниқлаш; - узоқ муддатли активларнинг маблағлар манбалари томонидан қопланганлик коэффиценти
3. Баланс ликвидлиги таҳлили, иш фаоллиги ва тўловга қобиллик таҳлили	Баланс ликвидлиги таҳлили: - актив ва пассив моддаларни гуруҳлаштириш; - актив ва пассив моддаларни солиштириш; - баланснинг жорий ва келажакдаги ликвидлигини баҳолаш; - ликвидлик даражасини баҳолаш; - иш фаоллигини баҳолаш; - турли гуруҳлардаги активларнинг айланиши коэффицентларини аниқлаш, уларни меъёрий ўлчамлар билан қиёслаш ва иш фаоллигини баҳолаш; - тўловга қобиллик таҳлили²⁷

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурслари шаклланишини ва сарфланиши қуйидаги иқтисодий субъектлар билан вужудга келадиган молиявий муносабатларни акс эттиради:

- товар-моддий қийматликларни, маҳсулот ва иш-хизматларни сотиш ва харид қилиш жараёнида давлат (давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган маҳсулотлар бўйи) ва бошқа корхоналар билан;

²⁷ Шеремет А.Д., Сайфуллин Р.С. Методика финансового анализа. – И.: Инфра-М, 1997. – 41-с

- марказлашган ва марказлашмаган пулб маблағлари жамғармаларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш борасида корхоналар билан банклар, бюджетдан ташқари жамғармалар ва бошқа ташкилотлар билан;

- бюджет тизимиға солиқлар тўлаш ва харажатларни молиялаштиришда давлат бюджети билан;

- иш ҳақидан турли ижтимоий ажратмалар қилишда фермер хўжалиги ва нафақа фонди, иш билан таъминлашга кўмаклашиш фонди, ихтиёрий тиббий суғурта фонди ва бошқа фондлар билан.

Ўз мазмун-моҳиятига кўра, тадбиркорлик тузилмалари бўлганлиги учун фермер хўжаликлари молиявий-иқтисодий аҳволини ўрганишга молиявий таҳлилнинг амалда мавжуд ва синовдан ўтган методикаси қўлланиши яхши натижалар бериши мумкин.

Корхона молиявий-хўжалик фаолиятининг таҳлили учун ахборот манбаси сифатида қуйидагилардан фойдаланиш мумкин:

- бухгалтерия баланси;
- молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот;
- асосий воситалар ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;
- пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот;
- ўз капитали тўғрисидаги ҳисобот;
- дебиторлик ва кредиторлик карздорлиги бўйича маълумотнома²⁸;
- Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунига мувофиқ бухгалтерия ҳисоби маълумотлари;
- Ўзбекистон Республикасининг «Давлат статистикаси тўғрисида»ги қонунига мувофиқ статистик ҳисоботлар маълумотлари.

Таъкидлаш лозимки, ривожланган бозор муносабатлари мавжуд бўлган шароитларда иқтисодиётнинг ривожланиши доимо бир хил суръатларда ва бир маромда кечмайди. Мамлакат иқтисодиёти учун вақти-вақти билан иқтисодий юксалиш ва иқтисодий пасайиш ўрин алмашишига монанд ҳолда

²⁸ Национальные стандарты бухгалтерского учета Республики Узбекистан. – Ташкент, 2000. – 18-с.

хўжалик юритувчилар фаолиятининг ривожланиши ва тараққиётини таъминлаш чораларини белгилаб олишда макро ва микро даражаларда молиявий-иқтисодий диагностика йўлга қўйилиши зарур.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда хўжалик юритувчи корхоналар молиявий-иқтисодий аҳволини ўрганиш ва кузатиш билан маҳаллий ҳокимликлар, банклар, молия ва солиқ органлари шуғулланадилар. Лекин, бу иш тизимли характерда эмас ва аниқ методикага асосланмаган. Расмий равишда бу вазифа ночор корхоналар билан ишлаш қўмитаси зиммасида. Бунда корхоналар молиявий-хўжалик фаолияти таҳлили ва мониторинги ўтказишнинг асосий вазифаси банкротликнинг олдини олиш ва тўловга қобилликни таъминлаш ҳисобланади. Мазкур қўмита ва унинг қуйи тузилмалари учун қуйидагилар характерли:

- молиявий-хўжалик фаолияти таҳлили;
 - санация ўтказиш бўйича ишланмалар, тўловга ноқобиллик аломатлари бўлган корхоналар реструктуризацияси ёки иқтисодий ночор корхоналар тугатилиши билан боғлиқ таклифлар;
 - республикадаги корхоналар бўйича маълумотлар базасини яратиш.
- Иқтисодий аҳволи бўйича корхоналар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- барқарор;
- таваккалчилик гуруҳлари;
- ночор гуруҳлар;
- тўловга қобилиятсиз;
- потенциал банкротлар гуруҳи.

Мониторинг ва таҳлил ўтказиш қуйидаги боскичларни ўз ичига олади: корхонанинг; молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисида ахборотлар йиғиш ва қайта ишлаш; жамланган маълумотлар бўйича корхона молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш; таҳлил натижалари бўйича хулосалар ва таклифлар бериш.

Молиявий-иқтисодий баҳолаш юқорида қайд этганимиздек, хўжалик субъектининг бугунги молиявий ҳолатигина эмас, балки унинг барқарорлиги ва келгуси даврлардаги аҳволини ҳамда дуч келиши мумкин бўлган молиявий-иқтисодий муаммоларни башоратлашни ҳам ўз ичига олади. Хўжаликка аниқ диагноз қўйиш, яъни унинг ҳозирги ҳолати ва кейинги истиқболи учун қандай шароитлар мавжудлиги баҳолашда қўлланиладиган усуллар ёрдамида аниқланади.

Мамлакатимизда молиявий-иқтисодий баҳолашни ўтказишда қўлланиладиган аниқ бир методология ҳозирча йўқ. Бунинг сабаби сифатида иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ҳали якунига етмаганлиги, кўпгина корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволи қониқарсизлиги, корхоналар таракқиётини башоратлашда ахборот базаси яратилмаганлиги, юқори малакали мутахассислар етарли эмаслигини кўрсатиш мумкин.

Бундай муаммолар иқтисодиётимизнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган аграр тармоқда етакчи ўринни эгаллаётган фермер хўжаликлари ривожланиши ва таракқиётини режалаштириш ва башоратлашга ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда. Фермер хўжалигининг ташкил топиши ва ривожланиши бир катор иқтисодий, ташкилий, техник ҳамда молиявий муаммоларнинг қай тарзда ҳал этилишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бозор муносабатлари шароитида хўжалик юритиш эса, албатта, пул ёки молиявий ресурслардан фойдаланиш орқали амалга оширилади. Шу сабабли молиявий маблағларнинг етишмаслиги ёки оқилона тарзда ишлатилмаслиги хўжаликдаги муаммолар ҳал этилишини мураккаблаштиради.

Хўжалик юритувчи корхоналарни молиявий-иқтисодий баҳоланишини олиб бориш доимий тарзда ташкил этилиши орқали қуйидаги муаммолар ҳал қилинишига қўмаклашиш мумкин:

- тармоқда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг натижаларини аниқлаш;
- хўжаликлар ривожланишида муҳим бўлган омилларни аниқлаш;

- корхона фаолияти самарадорлиги ошиши учун хизмат қилувчи заҳиралар ва имкониятларни очиб бериш ва ишга солиш;

- корхоналарга нисбатан давлат молиявий сиёсатининг оқилона вариантларини танлаш;

- корхонани йиллик рейтингини аниқлашга суянган ҳолда юқори рейтингга эга бўлган хўжаликлар тажрибасини ўрганиш ва оммалаштириш.

Хўжалик юритувчи корхона молиявий-иқтисодий баҳоланиши 1-чизма асосида ташкил этилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.



1-чизма. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг молиявий-иқтисодий баҳоланиши

Иқтисодий-молиявий таҳлил ва молиявий баҳоланишининг йўлга қўйилиши қуйидаги муаммолар ечимларини чуқурроқ асослаб беришга

хизмат қилади: ўз айланма маблағларини ошириш, асосий воситаларини янгилаш, эски ускуналарни рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқара оладиган янгилари билан алмаштириш; ортиқча ва ҳаракатсиз моддий ресурсларни сотиб юбориш, улардан даромад олиш йўллариини излаб топиш; хўжалик фаолиятини аниқ ва пухта бизнес режалар асосида олиб бориш.

2.2. АИТБ “Ипак Йўли” “Умар” Минтақавий филиалида мијозларга кредит хизматларини кўрсатиш самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар таҳлили

Тижорат банклари томонидан мијозларга кўрсатиладиган банк хизматларининг асосий турларидан бири уларни кредитлаш ҳисобланади. Кредитлашни асосий хизмат тури сифатида эътиро этишнинг сабаби шундаки, тижорат банклари, фаолиятининг иқтисодий моҳиятига кўра, биринчи навбатда кредитлаш институти ҳисобланади. Шу сабабли, кредитлаш тижорат банкларининг фаолиятида алоҳида ўрин тутаети.

10-жадвал

АИТБ “Ипак Йўли” “Умар” Минтақавий филиалининг брутто активлар ҳажмидаги салмоғининг ўзгариши²⁹, % да

Активлар	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2014 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариши, пункт
Кассали активлар	22,4	45,4	37,5	20,8	25,8	3,4
Қимматли қоғозлар	1,2	1,1	2,1	1,5	0,5	-0,7
Кредитлар	62,2	42,1	45,7	64,4	61,1	-1,1
Асосий воситалар	6,5	5,6	6,4	7,3	5,4	-1,1
Бошқа активлар	7,7	5,8	8,3	6,0	7,2	-0,5
Активлар – жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	х

²⁹ АИТБ “Ипак Йўли” “Умар” Минтақавий филиалининг маълумотлари асосида ҳисобланди.

10-жадвал маълумотларидан кўринадик, таҳлил қилинган давр мобайнида АИТБ «Ипак Йўли» «Умар» Минтақавий филиали брутто активларининг ҳажмида берилган кредитларнинг салмоғи нобарқарор бўлган. Масалан, 2010 йилда бу кўрсаткич 62,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда унинг даражаси кескин пасайган ва 42,1 фоизни ташкил этган. 2013 йилда ушбу кўрсаткичнинг даражаси сезиларли даражада ошган ва 64,4 фоизни ташкил этган. Кредитларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи кўрсаткичининг нобарқарорлиги банклараро рақобат муҳити шароитида салбий ҳолат ҳисобланади ва тижорат банкининг миллий ссуда капиталлари бозоридаги мавқеининг заиф эканлигидан далолат беради.

Мазкур жадвал маълумотларидан кўринадик, 2014 йилда АИТБ «Ипак Йўли» «Умар» Минтақавий филиали кассали активларининг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи 2010 йилга нисбатан 3,4 фоизли пунктга ўсган. Бу эса АИТБ «Ипак Йўли» «Умар» Минтақавий филиали кредитлаш салоҳиятига салбий таъсир кўрсатади.

11-жадвал маълумотларидан кўринадик, 2010-2014 йиллар мобайнида АИТБ «Ипак Йўли» «Умар» Минтақавий филиали кредитлардан олган фоизли даромадларининг яппи даромад ҳажмидаги салмоғи ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу ижобий тенденция бўлиб, банкнинг фоиз сиёсатини тўғри шакллантирилганлиги, кредитлар бўйича ҳисобланган фоизларнинг асосий қисмини ўз вақтида ундирилаётганлигидан далолат беради. Фоизларни ўз вақтида ундирилмаслиги ҳисобланган, лекин ундирилмаган фоизлар ҳисоб рақамида пул маблағларининг тўпланишига олиб келади ва бу ҳолат банк томонидан мижозларга кўрсатилаётган кредит хизматининг сифатига салбий таъсир қилади.

Таҳлил қилинган давр мобайнида АИТБ «Ипак Йўли» «Умар» Минтақавий филиали томонидан берилган кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг ўсиш суръати унинг кредит қўйилмаларининг ўсиш суръатидан юқори бўлади. Бу эса АИТБ «Ипак Йўли» «Умар» Минтақавий

филиали кредит хизматининг самарадорлигидан далолат берувчи муҳим кўрсаткич ҳисобланади.

11-жадвал

**АИТБ «Ипак Йўли» «Умар» Минтақавий филиали кредит
хизматларининг самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичларнинг
ўзгариши, %да**

Кўрсаткичлар	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.	2014 й.	2014 йилда 2010 йилга нисбатан ўзгариши, %
Кредитлардан олинган фоизларнинг банк ялпи даромади ҳажмидаги салмоғининг ўзгариши	26,2	27,4	32,0	36,5	37,7	11,5
Берилган кредитларнинг ўсиш суръати (2010 йилга нисбатан)	100,0	139,7	181,4	243,8	337,8	237,8
Кредитлардан олинган фоизларнинг ўсиш суръати (2010 йилга нисбатан)	100,0	152,5	238,6	255,6	348,6	248,6

Кредит амалиётлари самарадорлигини ошириш айнан кредит муносабатларида юзага келаётган муаммоларни ўрганиш ва банк даромадлилигига уларнинг салбий таъсир доирасини камайитиришга ёрдам беради. Бугунги кунда кредитлаш жараёнларида юзага келаётган салбий омиллар таъсирини бартараф этиш юзасидан амалий таклифлар ишлаб чиқиш ва кредит муносабатлари самарадорлигини ошириш муҳимдир.

Кредит муносабатлари самарадорлигига салбий таъсир этувчи омиллар сифатида 2-чизмада келтирилган омилларни кўрсатиб ўтиш мумкин.



2-чизма. Кредит муносабатлари самарадорлигига салбий таъсир этувчи омиллар

Кредит самарадорлигига салбий таъсир этувчи омилларни бартараф этиш учун қуйидаги тадбирларни банкларда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- кредитлашнинг шакл ва усуллари тадбиқ этишда, шунингдек, қарздорнинг кредитга лаёқатлилигини атрофлича баҳолашни такомиллаштириш;
- банк кредит қўмиталари қарорларини сифат жиҳатдан яхшилашга эришиш;
- кредит муносабатларида мижоз манфаатларига эътибор қаратиш ва шартнома шартларини тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш;
- қарздор устидан етарлича мониторинг ўрнатилишини таъминлаш;
- кредит муносабатларида мажбурият ижросини таъминлашга эътибор қаратиш.

Кредит муносабатлари самарадорлигини кескин пасайиб бориши ўз навбатида кредит рискларининг юзага келтириб чиқариши, бу риск эса ўз навбатида даромадни камайишига, тўловга қобилиятини йўқотиб қўйиш (банкротлик) каби банк фаолияти учун хавфлилиқ даражаси юқори бўлган рискларни келтириб чиқариши мумкин. Инвентаризация натижасига қараб, фоиз тўловларини ўз вақтида бажара олмаётган мижозлар гуруҳини кредит ва даромад ололмай қолиш rischi сифатида баҳолашиб, рискдан муҳофазаланиш тадбирлари ишлаб чиқилиши лозим.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, тижорат банкларида кредитлардан олинган фоизларнинг ўсиш суръатини кредит қўйилмаларининг ўсиш суръатидан паст бўлиши уларнинг молиявий барқарорлигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради. Бу эса пировардида, тижорат банки томонидан кўрсатилаётган кредит хизмати сифатининг пасайишига ва ҳажмининг қисқаришига олиб келади.

2.3. АИТБ “Ипак Йўли” “Умар” Минтақавий филиалини рақобатбардошлигини таъминлашда миждозларнинг – хўжалик субъектларининг таъсири

Молиявий хизматлар бозорида кредит ташкилотлари, хусусан, тижорат банклари йирик хизмат кўрсатувчи субъектлар сифатида иштирок этишади. Улар юридик ва жисмоний шахсларга нақд ва нақд пулсиз ҳисоб-китоб операциялари, қимматли қоғозларни сотиш ва сотиб олиш, воситачилик, маслаҳат ва бонгқа турдаги хизматларни тақсим этишади.

Молиявий-иқтисодий инқироз даврида тижорат банклари аҳолининг банкларга нисбатан ишончини янада ошириш йўлида ўз хизмат турларини кенгайтириш билан бир қаторда, уларнинг баҳосини шакллантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратишлари лозим.

Маълумки собиқ иттифоқ яъни режали иқтисодиёт даврида товар ва хизматлар баҳосини "юқоридан" қатъий белгиланган нарх асосида шакллантириш методи амал қилган эди Бозор иқтисодиёти даврида эса баҳо товар ва хизматларга бўлган талаб ва таклиф мувозанатлашган шароитда шаклланади ва у рақобатни кучайтирувчи кучли омил сифатида намоён бўлади.

Тижорат банклари хизматлари баҳосини шакллантириш мураккаб иқтисодий жараён бўлиб, уни амалга оширишда ҳам ички, ҳам тангқи омилларни инобатга олиш лозим. Шунинг таъкидлаш жоизки, амалиётда баҳони шакллантиришнинг мукаммал тизими мавжуд эмас. Ҳар бир усул ёки услуб камчилик ва ютуқларга эга бўлиб, ҳеч бири мослашувчан эмас. Ҳар қандай товар ёки хизматга баҳо белгилашда, аввало, ички ва ташқи омиллар ҳисобга олинади, сўнг баҳо шакллантиришнинг энг маъқул бўладиган усули танлаб олинади.

Кўпчиликка маълумки, банк хизматлари баҳоси бу – банк тарифларидир. Баҳо банкларда сумма кўринишида эмас, балки йиллик фоиз ставкалари шаклида ўрнатилиши унинг асосий хусусиятларидан биридир.

Амалиётда тижорат банкларининг хизматлари тарифини ишлаб чиқиш куйидаги босқичларни ўз ичша олади:

- 1.Баҳони шакллантиришда мақсадни аниқлаш.
- 2.Талаб ва таклиф таҳлили.
- 3.Фоизли ва фоизсиз харажатлар таҳлили.
- 4.Баҳони шакллантириш усулини танлаш.
- 5.Баҳони шакллантиришга таъсир этувчи омилларни аниқлаш.
- 6.Баҳони белгилаш (ўрнатиш).

Банк хизматига тарифни ўрнатишда биринчи навбатда мақсадни аниқлаб олиш зарур. Яъни хизмат баҳосини шакллантириш билан банк нимага эришмоқчи: юқори даромад олиш, талабни қондириш ёки рақобатда ютиб чиқишгами? Баҳони шакллантириш жараёнининг ҳар бир босқичи аниқ мақсадга қараб амалга оширилади. Масалан, рақобатбардошликни ошириш мақсадида хизматлар баҳоси даражасини камайтиришга, ҳатто рақобатчилардан ҳам камроқ баҳо таклиф этишгача борадилар. Хизматлар баҳоси даромадни максималлаштириш мақсадида шакллантирилса, унда унинг даражаси ошиши кузатилади. Бозорда етакчи ўринларни эгаллаш мақсадида шакллантирилса, баҳо даражаси талаб ва таклифга қараб ўзгарувчан бўлади.

Даромадни максималлаштириш, рақобатбардошликни ошириш, молиявий хизматлар бозорида етакчи ўринларни эгаллаш кабилар банкларнинг умумий мақсадлари сирасига киради.

Хизматлар тарифини ишлаб чиқишда ҳар бир хизматга бўлган алоҳида-алоҳида талаб ва таклифни ўрганиб чиқиш лозим. Бу жараён кўп вақт ва катта харажатларни талаб этади. Чунки бунда катта ҳажмдаги маълумотлар билан ишлашга тўғри келади.

Таҳлил натижаларига кўра банк ўз хизматлари ва мижозларни гуруҳлаб олиши мақсадга мувофиқ бўлади. Тижорат банки мижозлар ва хизматларни гуруҳлаб олганидан сўнг, шароитдан келиб чиқиб, истаган тарифни ўзгартириш ёки ўзгартирмасликка қарор қилади.

Харажатлар таҳлили босқичига аниқлик киритиш мақсадида, уларни фоизли ва фоизсиз харажатларга ажратиб олиш керак бўлади. Фоизли харажатлар деганда, миллий ва чет эл валютасида ажратилган ва тўланган фоизлар тушунилади фоизсиз харажатлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Операцион харажатлар:

- мижозларга почта ва телеграф операциялари бўйича харажатлар;
- хизматлар ва вакиллик ҳисоб рақамларига тўлашан комиссия;
- валюта операциялари бўйича харажатлар.

2. Банк фаолиятини амалга оширишдаги харажатлар:

- бошқарув аппарати харажатлари;
- хўжалик харажатлари (амортизация ажратмалари, ижара ҳақи ва бошқалар).

3. Бошқа харажатлар:

- тўланган жарима, пеня ва қўшимча фоизлар;
- ўтган давр фоизлари ва комиссиялар.

Маркетинг, банк маркетинги назарияларида хизматларга баҳо шакллантиришнинг жуда кўп усуллари мавжуд. Амалиётда асосан қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

- баҳони харажатлар усулида ҳисоблаш;
- мақсадга йўналтирилган усул;
- рақобатга мўлжалланган усул.

Амалиётда баҳо белгилашнинг харажатлар усули энг кенг қўлланиладиган усулдир. Уни ҳисоблаш бошқа усулларга қараганда оддий бўлиб, бунда хизматга кетган харажатга банк ўзига керакли даромадни қўшиш орқали ҳисоблайди:

$$B=X+D \quad (1)$$

Бунда: B – баҳо; X – харажат; D – даромад.

Банк хизмати таннархини ёки унга сарфланадиган харажатни аниқлаш жуда муҳимдир. Банк хизматининг таннархи, бу банк хизматининг энг минимал баҳосидир. Иқтисодий адабиётларда банк хизмати таннархини банк операциясининг ички баҳоси деб ҳам айтиб ўтилган. Банклар хизматга сарфланадиган харажатни ҳисоблаган ҳолда унга қанча даромад қўшиш ёки қўшмаслик масаласини ҳал қилади.

Агарда банк хизмати ёки операциясига кетадиган харажатни аниқлаш имкони бўлмаса, у ҳолда банк хизматларининг асосий, кўп қўлланиладиган турини ҳисоблаш орқали топилади. Шунингдек, харажатларни ҳисоблашда сарфланган электр энергияси, амортизация, қоғоз-бланкалар ва бошқалар ҳисобга олинади. Шунингдек, банк хизматлари баҳосини аниқдашда харажатларни иккига, яъни тўғри ва эгри харажатларга ажратиш олиш лозим. Тўғри харажатлар деганда айнан шу хизмат (операция) ёки хизматлар гуруҳини амалга оширишга кетадиган бевосита харажатлар тушунилади. Эгри харажатлар умумбанк харажатлари бўлиб, фоизсиз харажатларнинг асосий қисми ва солиқдарни ўзига қамраб олади. Ҳисоб-китоб куйидаги формула орқали амалга оширилади:

$$CCR = [(TC - NBC)/(TA - NWA)] \times 100 \quad (2)$$

Бунда:

CCR — банк операцияси ички баҳо-сининг қопланиш коэффициенти (cost coverage rate);

TC — банкнинг умумий харажатлари (total cost);

NBC — банк харажатларининг бир қисмини қоплашга кетадиган, банкнинг асосий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган қўшимча харажатлар (non-banking cost);

TA — ҳисобланаётган даврда баланс активининг суммаси (total assets);

NWA — ишлатилмаётган ёки бўш турган активлар (захира фонди маблағлари, вакиллик ҳисоб рақами ва банк касса-сидаги маблағлар) (non-working assets).

Банк операцияси ички баҳосининг қопланиш коэффициенти банкнинг барча харажатларини қоплайдиган, даромад келтирмайдиган, ссуда бозорида сотадиган маблағининг минимал баҳосини англатади. Иқтисодиётда бу кўрсаткич "критик нукта", банк амалиётида эса "ўлик нукта" ёки банк фоизининг минимал даражаси деб аталади. Уша банк ўзининг керакли маржасини қўшган ҳолда реал фоиз ставкани ўрнатади.

Демак, бу коэффициент банкнинг ўртача умумий харажатларини аниқдашда муҳим кўрсаткич ҳисобланади.

Банк хизматлариниш таннархи куйидагиларни ўз ичша қамраб олади:

- банк ходимларининг меҳнат ҳақи харажатлари;
- пенсия фонди, бандлик фонди ва суғурта фондларига мажбурий ажратмалар;
- мулкниш мажбурий суғуртаси;
- депозит ва омонатларга, узоқ муддатли мажбуриятларга, банклараро кредитларга ҳисобланган ва тўланган фоизлар;
- миждозларга касса ҳисоб-китоб хизматини кўрсатишга, чет эл валютаси олди-сотдисига коммиссион йиғимлар;
- барча амортизация ажратмалари, кам қийматта эга ва тез эскирувчи нарсаларнинг эскириши, ижара ва таъмирлаш ишлари харажатлари;
- хизмат сафари харажатларининг нормативдан ошган қисми;
- ходимлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлашга кетган харажатлар;
- маслаҳат ва бошқа хизматларга тўловлар;
- канцелярия, почта, телефон-телеграф харажатлари;
- қимматли қоғозларни сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар;
- факторинг, траст ва форфейтинг операцияларини онгириш билан

боғлиқ харажатлар;

—бино, асбоб-ускуна, транспортлардан фойдаланиш харажатлари;

—барча соликлар ва бошқа харажатлар.

Банкларнинг нарх сиёсати кўп омиллилиги билан характерлидир. Хизматлар баҳоси унга таъсир этувчи талаб ва таклифнинг ҳолати, банк харажатлари, рақобат доираси, бозорнинг тури каби омилларни ҳисобга олган ҳолда шаклланади. Бошқача қилиб айтганда, хизматлар баҳоси баҳо шакллантирувчи омиллар йиғиндиси таъсирида шаклланади.

Баҳони шакллантирувчи омиллар деганда, баҳонинг динамикаси ва даражасига аниқ бир жараёнда таъсир этувчи муҳит, шароит ва амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунилади. Баҳога таъсир этувчи омиллар табиатан турлича бўлади. Масалан, айрим омиллар ёки омиллар гуруҳи баҳо шакллантиришга бўлган эҳтиёждан келиб чикиб ташкил этилган бўлиб, бу жараённинг охирша-ча амалда бўлади (масалан, харажатлар, рисклар ва ҳоказо). Бонгқа хил омиллар мустақил бўлиб, уларнинг мавжудлиги баҳо шакллантириш билан боғлиқ эмас (масалан, рақобат муҳити, бозорнинг тури ва бошқалар).

Банк хизматлари баҳосига турли хил омилларнинг таъсири турлича бўлади. Баъзи омилларнинг ўзгариши баҳо даражасига ҳеч қандай таъсир қилмаса, баъзи бирларини ҳисобга олмаслик ёки ўзгартириш баҳони юқори ёки пастга кескин тебранишига олиб келади.

Омилларни туркумлаб олиш уларнинг тўлиқ тавсифланишига имконият яратади. Баҳони шакллантирувчи омилларнинг туркумланиши бўйича турли хил ёндашувлар мавжуд. Бу ёндашувларнинг умумий жиҳати — ички ва ташки омилларга ажратилганлигидадир. Бундан келиб чикиб айтиш мумкинки, тижорат банкларининг баҳони шакллантириш соҳасидаги қарорлари баҳо шакллантиришнинг ички ва тангқи омилларини инобатга олган ҳолда қабул қилинади.

Тижорат банкларининг хизматлари баҳосини шакллантириш уларнинг келгусидаги даромад ва харажатлари ҳисобини юритишда муҳим ўрин тутади. Банкларга қулай тадбиркорлик фаолияти юргизишга, иқтисодий инқирозларни минимал йўқотишлар билан енгиб ўтишга кўмак беради. Шунингдек, миқозлар сони ортишига, банклар ўртасида рақобат муҳитининг юзага келишига сабаб бўлади. Бунинг учун:

Биринчидан, мамлакатимизда ушбу соҳадаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини такомиллаштириш лозим.

Иккинчидан, тижорат банкларида ҳар бир хизматни кийинчиликсиз бошқариш мақсадида кўрсатилаётган хизматлар ва уларнинг тарифи ҳақидаги маълумотларни ўзида акс эттирувчи, уларнинг ҳисобини юритувчи электрон дастурни шакллантириш лозим. Зеро, ҳозирги замонда банклар фаолиятига кўмаклашувчи асосий воситалардан бири замонавий компьютер ва компьютер дастурларидир.

Учинчидан, ҳар бир банкда маркетинг, стратегик режалаштириш каби бошқарма ва бўлимлар фаолиятини янада ривожлантириш, уларга юқори малакали маркетингларни жалб қилиш талаб этилади. Бу эса банк хизматлари бозорига таъсир этувчи ички ва ташқи омилларни мукаммал ўрганиш, аниқ таҳдил қилиш ва ҳулоса чиқаришда муҳим аҳамиятга эга.

Юқоридагиларга ҳулоса сифатида айтиш мумкинки, молиявий-иқтисодий инқироз даврида мамлакатимиз тижорат банкларининг хизматлари баҳосини шакллантиришни такомиллаштириш банк ишининг долзарб масалаларидан биридир.

Банк соҳасини модуллаштириш бўйича изланишлар олиб борган мутахассис-олимлар Холмстрём ва Тирол³⁰ фирма, корхона ва ташкилотларга инвестиция олиб киришда банкларнинг иштирок этишини таъминлаш мақсадида, банклар ўртасида рақобат муҳитини шакллантириш ва уларнинг ролини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, банкларнинг рақобат модулини

³⁰ Holmstrom B., Tirole J. Financial intermediation, loanable funds, and real sector. IDEI, Toulouse University, 1993

яратиш бўйича тадқиқотлар ўтказишди.

Уларнинг фикрича, бозорда учта агент, яъни фирма, корхона ва ташкилотлар, банклар ҳамда инвесторлар иш олиб боради. Фирма, корхона ва ташкилотлар томонидан тақдим этилаётган ҳар қандай лойиҳа I ҳажмдаги маблағ талаб қилади. Бу лойиҳа бўйича иш тўғри амалга оширилса, N даромадга эришиш мумкин. Тескари ҳолатда даромад 0 га тенг бўлади. Журналнинг шу йил 5 сонида берилган мақоламизда кўриб ўтганимиздек, ҳар қандай лойиҳа иккита синфга бўлинади:

- «яхши» юқори натижага эришиш эҳтимоллиги π_h ;
- «ёмон» - кам натижага эришиш эҳтимоллиги π_l .

Кейинги ҳолларда юқори ва кам натижага эришиш эҳтимоллигини куйидагича белгилаймиз:

$\Delta\pi = \pi_h - \pi_l$, (2.1). «ёмон» лойиҳалар фирмалар учун маълум маънода фойда (даромад) келтириши мумкин (инвестор учун эмас). Банклар томонидан фирма, корхона ва ташкилотлар назорат мониторингини олиб боришига C маблағ сарфласа, бу «ёмон» лойиҳа орқали фирмага келадиган B даромадига b гача таъсир қилиш мумкин. Инвестор лойиҳада иштирок этиш натижасида, алтернатив вариантлар орқали рискни ҳисобга олган ҳолда, бу операциядан кутаётган даромади γ бўлсин.

Биз юқорида таъкидлаб ўтганимиз-дек, фақат «яхши» лойиҳаларда NPV ижобий натижа бериши мумкин, яъни $\pi_h R - \gamma I > 0 > \pi_l R - \gamma I + B$ (1).

Бу тенгсизликка асосан, лойиҳалар билан иштирок этувчи фирмалар ўзининг (A) капиталини салоҳияти билан фарқ қилади. Фирмаларнинг тўғридан-тўғри инвестициялар олиб кириши бу инвестор учун лойиҳани молиялаштириш мақсадида I_u ҳажмдаги маблағ сўраб, унинг ҳисобига N миқдордаги даромад қайтаришини аниқлатади. R_u ни юқори чегарасини аниқлаш куйидаги тенгсизлик орқали топилади:

$$\pi_h(R - R_u) \geq \pi_l(R - R_u) + B \quad (3)$$

бундан

$R_U \leq R - \frac{B}{\Delta\pi}$ (2.4) ни топиб олиш мумкин.

Шу билан бирга инвесторнинг лойиҳага сарфлайдиган маблағи микдорининг юқори чегараси қуйидаги тенгсизлик орқали топилади: $\pi_h R_U \geq \gamma I_U$

(4) ёки

$$I_U \leq \frac{\pi_h R_U}{\gamma} \leq \frac{\pi_h}{\gamma} \quad (4) \text{ ёки}$$

$$I_U \leq \frac{\pi_h R_U}{\gamma} \leq \frac{\pi_h}{\gamma} \left[R - \frac{B}{\Delta\pi} \right] \quad (5).$$

Қачонки, фирмани лойиҳаси молиялаштирилган дейилади, агарда у етарли капиталга эга бўлиб қуйидаги тенгсизлик бажарилса, $A + I_U > I$ (5). Келтирилган формулага асосан, лойиҳани молиялаштириш учун кетадиган умумий маблағ ҳажмини

$$A \geq I - \frac{\pi_h}{\gamma} \left[R - \frac{B}{\Delta\pi} \right] \quad (6) \text{ тенгсизлик орқали топиш мумкин. Бу тенгсизлик}$$

орқали фирма, корхона ва ташкилот капитали ҳажмини қуйи чегарасини белгилаб оламиз, яъни

$$A = I - \frac{\pi_h}{\gamma} \left[R - \frac{B}{\Delta\pi} \right] \quad (7) \text{ орқали топилади. Агар фирма, корхона ва}$$

ташкилотлар етарли капиталга эга бўлмаса, у ҳолда банкдан I_m ҳажмдаги кредит олишга мажбур бўлади. Бунинг натижасида лойиҳа орқали келадиган даромаддан Впл қисмини қайтариш орқали лойиҳани молиялаштиришда юқори чегарани топиш тенгсизлиги

$$\pi_h (R - R_U - R_m) \geq \pi_l (R - R_U - R_m) + b \quad (8) \text{ кўринишда бўлиб, бу}$$

ердан

$$R_U + R_m \leq R - \frac{b}{\Delta\pi} \quad (8) \text{ келиб чиқади.}$$

Банк фирмани назорат қилиши орқали маълум бир натижа олиш учун қуйидаги тенгсизлик бажарилиши лозим, $\pi_h R_m - C \geq \pi_l R_m$ ёки $R_m \geq \frac{C}{\Delta\pi}$ (9)

Ҳар қандай фирма учун банк рисклари, кредитлари оғирлик қилиши мумкин, шунинг учун фирмалар иложи борица банк кредитидан камроқ

фойдаланишга ҳаракат қилишади. Демак, хулоса қиладиган бўлсак, инвестиция учун банкдан олинадиган кредитнинг умумий ҳажми $I_m = \frac{\pi_h R_m}{\beta} = \frac{\pi_h C}{\beta \times \Delta \pi}$ (10)га тенг бўлиб, бу ерда β кредитнинг фоиз ставкаси. Банклар томонидан бериладиган кредит суммасининг фоиз ставкаси функцияси сифатида $I_m(\beta)$ карасак, у ҳолда тўғридан-тўғри молиялаштириш қиймати (I_U) ни қуйидагича топиш мумкин,

$$I_U = \frac{\pi_h R_U}{\gamma} \quad (11) \text{ ва } (10) \text{ формулалардан } R_U \leq R - \frac{b+C}{\Delta \pi} \quad (12) \text{ га тенг бўлиб,}$$

бу ерда R_U - кредитнинг фоиз ставкасидир. Банклар томонидан бериладиган кредит суммаси фоиз ставкасининг функцияси сифатида карасак, у ҳолда тўғридан-тўғри молиялаштиришнинг қийматини қуйидагича топиш мумкин,

$$\text{бу ердан} \quad I_U \leq \frac{\pi_h}{\gamma} \left[R - \frac{b+C}{\Delta \pi} \right] \quad (13) \text{ келиб чиқади. Демак, лойиҳани тўлиқ}$$

молиялашти-риш учун қуйидаги шарт бажарилиши зарур, $A + I_m + I_U \geq I$ (14),

$$\text{бундан қуйидаги тенгсизликка эга бўламиз } A \geq I - I_m(\beta) - \frac{\pi_h}{\gamma} \left[R - \frac{b+C}{\Delta \pi} \right] \quad (15).$$

Тенгсизликни қуйидагича топиш мумкин.

$K_m = \left[G(\bar{A}) - G\left(A(\bar{\beta})\right) \right] \times I_m(\beta)$ (16), бу ерда K_m - банк умумий капитали, $\left[G(\bar{A}) - G\left(A(\bar{\beta})\right) \right]$ (17) бу банк кредитидан фойдаланишни хоҳловчи барча фирма, корхона ва ташкилотлар сони, яъни $A \in [A(\bar{\beta}), \bar{A}]$ - битта фирманинг банкдаги қарздорлик маблағининг ҳажми. Бу формуланинг ўнг томони банк капиталига талаб бўлса, чап томони таклифини билдиради.

Демак, юқорида кўриб чиқилган усулларни таҳлил қилган ҳолда, хулоса қиладиган бўлсак, банкларнинг бевосита инвестиция жараёнида иштирок этиши, банклар ўртасида рақобат муҳитини назорат қилиш имконини янада оширади. Одатда, банклар мижозлари тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиш учун кўпроқ ахборот тўплашга ҳаракат қиладди, чунки банк кредит бериш жараёнида мижоз фаолиятини тўлиқ таҳлилини билмас экан, кейинчалик берилган кредит қайтмаслиги тўғрисидаги риск даражаси ўз-ўзидан юқори

бўлиб туради. Бевосита кўрилган усулларда математик модуллаштириш, банкларнинг лойиҳаларни молиялаштиришда рақобат муҳити кенглигини сақлашга катта ёрдам беради ва ўз ўрнида, банклар ўртасида рақобат муҳитини шакллантиришда улкан аҳамият касб этади.

II-Боб бўйича хулоса

Тижорат банклари капитали таркибида консолидациялашган шўъба корхоналарига қилинган қўйилмаларнинг мавжуд эмаслигини, тижорат банклари амалиётида ҳозирча алоҳида лизинг, траст, факторинг, форфейтинг компаниялари каби кредит муассасаларини ташкил этиш тажрибаси қўлланилаётганлиги билан изоҳлаш мумкин. Ҳолбуки, халқаро банк амалиётида тижорат банклари қошида ташкил этилган бундай муассасалар фаолиятининг самарали эканлиги ўз исботини топган.

Банклар қошида ташкил этилган шўъба корхоналари мустақил балансга эга бўлмайди, улар белгиланган харажатлар сметаси асосида фаолият юритади ва уларнинг олган фойдаси банкнинг фойдасига қўшилади. Энг муҳими, улар фойлиятининг самарадорлигини аниқ кўрсаткичларда ифодалаш мумкин. Бу эса, шўъба корхоналар фаолиятининг самарадорлигини ошириш тадбирларини ишлаб чиқиш имконини беради.

Тижорат банкларининг қўшимча капитали банкнинг жорий йилдаги соф фойдаси, кредит хатарларига қарши қилинган заҳира ажратмаларининг банк активлари хатарга тортилган суммасининг 1,25 фоизидан ошиб кетмайдиган миқдори, аралаш турдаги мажбуриятлар ва субординациялашган қарз мажбуриятларидан иборат бўлади.

Республикамиз тижорат банклари капитали таркибида субординациялашган қарз мажбуриятларини жорий қилиш амалиётини шакллантириш асосий вазифаларидан бири бўлиб турибди. Тижорат банклари капитали таркибида субординациялашган қарз мажбуриятларининг шакллантирилиши уларнинг ўрта ва узоқ муддатли кредитлар бозорини

янада ривожлантирилишига муҳим тўртки бўлади. Чунки, субординациялашган қарз мажбуриятлари тижорат банклари учун ўрта ва узоқ муддатли ресурсларни жалб қилишнинг қулай ва кам харажатли воситаси ҳисобланади. Айни вақтда, ўрта ва узоқ муддатли кредитлаш ҳисобидан молиялаштириладиган юқори рентабелли инвестиция лойиҳалари мавжуд бўлиб, улар банкларни ўрта ва узоқ муддатли ресурслар топишга мажбур қилади. Субординациялашган қарз мажбуриятларидан ана шундай ресурсларни жалб қилиш воситаси сифатида фойдаланилади.

Базел қўмитаси бозор иқтисодиёти шароитида кўзда тутилмаган хатарларни қоплаш мақсадида, 1997 йилдан бошлаб, III даражали капитални амалиётга жорий қилди. Унга кўра, учинчи даражали капитал қисқа муддатли (икки йилдан ортиқ бўлмаслиги лозим) субординар қарзлардан иборат бўлиб, биринчи даражали капиталнинг 250 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.

III-БОБ. ҲОЗИРГИ ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК ШАРОИТИДА ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИ КРЕДИТЛАШ ТИЗИМИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш тизимини самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омиллар ва уларни бартараф этишнинг стратегик вариантлари

Корхонанинг иқтисодий ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш жараёни банк фаолияти доирасида бошқалардан фарқли ўлароқ, мижозлар хатти-ҳаракатига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, бу жараёнда шуни таъкидлаш жоизки, банк ҳам хизмат кўрсатувчи субъект, ҳам мижоз сифатида икки ёқлама вазифани бажаради. Бу ҳолатни маркетинг стратегиясини шакллантириш жараёнида ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Мижозлар бугунги кунда банкларга йўналтирилган маркетинг фаолиятининг асосини ташкил этиб, маркетинг мажмуаси асосий йўналишини белгилаб беради. Маркетинг стратегияси билан нуфузли мижоз ўртасидаги ўзаро боғланишни «банк-мижоз» сиёсатини амалга оширишнинг йўлбошчиси саналган менежерлар амалга оширади. Бинобарин, бозорда банк муваффақияти бевосита мижозларнинг банк томонидан қабул қилинган маркетинг стратегиясига акс таъсир кўрсатишига боғлиқ бўлади.

Сўнгги йилларда банк хизмати бозорида рақобатнинг интенсив равишда кучайиши банк ходимлари томонидан мижозлар хатти-ҳаракатининг чуқур ўрганилишини ва натижалар асосида ўз банкининг рақобатга бардошлилигини таъминлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилишини тақозо этмоқда.

Банк маркетингининг хусусиятлари банк фаолиятининг ўзига хос белгилари билан аниқланиб, ўз навбатида, банкларнинг мижозлар билан ўзаро муносабатида шаклланади. Бу шуни англатадики, банк фаолиятининг ўзига хос хусусияти (мижозларга банк хизмати кўрсатиш) банк маркетингини ташкил этувчилар, яъни «мижозлар» пайдо бўлишини таъминлайди.

Мижозга йўналтирилганлик, ўз моҳиятига кўра, барча нарсадан хабардор мижозларнинг рақобат бозорларига мос хулқ-атвори қондасидир. Рақобат бозорларида истеъмолчига яқинроқ бўлиш мақсадга мувофиқ, чунки рақобатчилик бозордаги аҳволни ўзгартириб юборишга қодир. Мижозга йўналтирилганлик, мижозлар билан ҳамнафасликда қадам ташлашдан ташқари, мижозлар фойдаси учун бизнеснинг барча функциялари - маркетинг, ишлаб чиқариш, илмий тадқиқотлар, мижозларни жалб қилиш ва уларни рағбатлантириш тизимини жонлаштиришни ҳам англатади.

Банкнинг мижоз билан фаолият олиб боришидаги замонавий ёндашув саналган маркетинг муносабатининг мазмуни, менежер билан мижоз ўртасида узок муддатли, ишончли ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилиши ва уни ривожлантириш ҳисобланади. Бугунги кунда мавжуд салоҳиятли мижозни сақлаб туриш, янгисини жапб этишга қараганда етарли сарф-харажатни талаб этиши барчага маълумдир. Шунинг учун, мижозларни имкон қадар сақлаб қолишга ҳаракат қиладиган менежер олдидаги асосий вазифа, унга бириктирилган мижозлар талабини қондириш ҳисобланади. Мижозлар талаби қондирилиши асосий мақсадлардан биридир.

Бизнингча, мижозга йўналтирилган маркетинг сиёсатини олиб боровчи банкларнинг ўзига хос хусусиятлари:

- банк мижозлар учун хабарлар нуқтаи назаридан очиқ бўлиши;
- банк молиявий жиҳатдан барқарор бўлиши;
- аудитор ҳисоботлари юқори рейтингга эгаллиги билан тасдиқланадиган банк яхши нуфузга ҳам эга бўлиши;
- юқори даражада менежмент, юқори малакали мутахассислар, банк соҳасида тажрибага эга кадрлар билан таъминланганлиги;
- индивидуал хизмат эвазига эришиладиган, мижозларга юқори даражада хизмат кўрсатиш кўникмасига эга бўлиш;
- қўшма бизнес, шерикчилик бизнеси ривожига иштирок этиш;
- хизмат кўрсатишнинг стандарт схемасига кирмайдиган масалаларни

ечишда якка тартибдаги ёндашувни амалга ошириш;

- ҳар бир мижозга махсус тариф сиёсатини ишлаб чиқиш;
- банк мунтазам равишда маркетинг тадқиқотларини амалга оширишидан иборатдир.

Аммо, амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, республикамизда фаолият юритаётган аксарият банкларнинг асосий мақсади, мижозларни кўпроқ жалб этиш ҳисобланса-да, улар амалда ўзларининг истеъмол базалари ва таклиф этаётган маҳсулотлари сифатига етарлича эътибор қаратмаганлар. Шу билан биргаликда, хориж тажрибасидан маълумки, банк учун юқорида таъкидланганидек, барча мижозлар ҳам фойда келтирмайди, айримлари эса зарар ҳам келтиради.

Биз ўз тадқиқотларимизда банк шохобчаси маркетинг стратегиясини шакллантиришда Самарқанд шаҳар АИТБ «Ипак Йўли» «Умар» Минтақавий филиали сифатида танладик. Ушбу банк мижозларга барча банк хизмати турлари бўйича фаолиятни йўлга қўйган.

Юқорида таъкидланганидек, банк фаолияти самарадорлигини оширишда маркетинг тамойилларидан муваффақиятли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Бу ишни ташкил этишда ва келгусидаги мақсадларни амалга оширишда стратегия вариантларини ишлаб чиқиш ҳамда маркетинг тадқиқотлари олиб бориш талаб этилади. Шу боисдан, биз маркетинг тадқиқотларининг энг самарали усулларида саналган анкета-сўров усулидан фойдаландик.

Респондентлар сифатида сўров жараёнида ҳам жисмоний, ҳам юридик шахслар қатнашди. Сўров варақалари тадқиқот мазмуни, мақсади ва қўйилган вазифасидан келиб чиқиб, ишлаб чиқилди.

Олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, банк хизмати бозорида истеъмолчилар хатти-ҳаракатини тавсифловчи асосий омиллар, уларнинг банкка бўлган ишончи ҳамда моддий жиҳатдан таъминланганлик ҳолатини баҳолашдир.

Шу боисдан, банк хизмати бозорида бозор сегментини аниқлашда асосий мезонни танлаш учун биринчи навбатда қуйидаги саволларга жавоб кидиришни лозим деб топдик: «Банкка ишонасизми?» ва «Ўзингизнинг моддий ҳолатингизни қандай баҳолайсиз?»

Ушбу саволларга мижозлардан олинган жавобларни қайта ишлаш натижаларига кўра, бозор сегментида ўзининг хатти-ҳаракати нуқтаи назардан мижозларни шартли равишда қуйидаги олтита гуруҳга ажратдик: I-сегмент «ишонувчан кам маблағлилар», II - сегмент -«ўртача ишонувчилар», III-сегмент -«ишонувчан кўп маблағлилар», IV-сегмент - «ишонмайдиган кам маблағлилар», v-сегмент - «ишонмайдиган ўрта ҳоллар», VI-сегмент - «ишонмайдиган кўп маблағлилар».

Ушбу танланган сегментлар сўровда иштирок этиб, жавоб берганларнинг 90,2 фоизини ташкил этганлиги, мижозларнинг асосий гуруҳлари тадқиқотга жалб этилганлигидан далолат беради.

Тадқиқотнинг кейинги босқичида моддий жиҳатдан табақалаштирилган ушбу мижозлар гуруҳи бирбиридан нимаси билан фарқланишини қараб чиқамиз. «Ишонувчи ўрта ҳоллар» 0,6 фоизни ташкил этганлиги учун ушбу сегмент етарлича қараб чиқилмайди.

Моддий жиҳатдан таъминланганлик даражаси бўйича ажратилган мижоз сегментлари бир-биридан пул даромадлари ва уларда пайдо бўладиган «бўш» пул маблағи миқдори бўйича фарқланади,

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, 1000 дан 2000 сўмгача «бўш» пуллар «ишонувчи кам маблағлилар», «ишонмайдиган кам маблағлилар» ва «ишонмайдиган ўрта ҳоллар» тоифаларида; 10000 дан 15000 сўмгача «ишонувчи кўп маблағлилар», «ишонмайдиган кўп маблағлилар» тоифаларида; 30000 сўмдан юқори эса асосан «ишонмайдиган кўп маблағлилар» тоифаларида пайдо бўлади. Ушбу маълумотлар аҳоли «бўш» пул маблағларини банкка жалб этиш стратегиясини ишлаб чиқиш ҳамда бу жараёнда самарали реклама турларини танлашда муҳим маълумот бўлиб

хизмат қилади.

Тадқиқот жараёнида мижозларнинг касби, эгаллаган лавозими, ёши каби ижтимоий-демографик тавсифлари ҳам атрофлича ўрганилди.

Тадқиқотларнинг кейинги босқичида банк хизматига корпоратив мижозларнинг талаби даражаси алоҳида ҳолда ўрганилди.

Сўров натижасида олинган маълумотларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, бугунги кунда ўрганилаётган сегментда банк хизматининг «ҳисобварақлар бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш» туридан сўров натижасида иштирок этган корпоратив мижозларнинг 49,5 фоизи фойдаланади. Иштирок этувчиларнинг 29,5 фоизи тижорат банки билан турли мақсадларга «Қисқа ҳамда узоқ муддатли кредитлар бериш» масаласи бўйича мулоқотда бўлган, 14,5 фоизи фаол равишда «Аҳоли, яъни, жисмоний шахслар билан ҳисоб-китоб қилиш» (сўнгги йилда анъанавий тус солган «иш ҳақи лойиҳалари»нинг пластик карточкалари) тури бўйича мулоқот олиб борган. 4 фоиз иштирок этувчи респондентлар банкка «Қимматбаҳо қоғозларни харид қилишга» ва 4,75 фоизи эса «Молиявий масалалар бўйича маслаҳатлар олиш» бўйича мурожаат қилган, Шуни таъкидлаш жоизки, ўрганилаётган банкда «Банк кафолатини бериш», «Вексел айланмасини жонлаштириш» ва «Факторинг операцияларидан фойдаланиш» каби дунё банклари фоолиятида самарали қўлланилиб келинаётган банк хизмати турларини йўлга қўйиш бўйича етарлича ишлар олиб борилмаган.

Биз ўз тадқиқотларимизда ўрганилаётган банк муассасасининг маркетинг стратегиясини ишлаб чиқишда дастлаб мажмуий маркетинг тадқиқотлари орқали унинг мижозлари хатти-ҳаракатини, унинг хизмат тури ҳамда банк рақобатбардошлигини, SWOT-таҳлил асосида кучли ва ожиз, имконияти ва хавфларини таҳлил қилишни лозим топдик.

Мижозлар хатти-ҳаракати тадқиқ қилинганидан сўнг, уларнинг ушбу банк маҳсулоти (хизмати)га муносабатини, яъни банк хизмати рақобатга бардошлилигини баҳолашга киришамиз.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, хизмат кўрсатиш соҳаси сифатини аниқлашнинг кенг тарқалган усули SERVQUAL саналади.

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, миқдорлар банк хизматининг функционал ва техник жиҳатларини қуйидаги бешта асосий мезон яъни ҳис этишлик, ишончилиқ, ҳозиржавоблик, ишонтирарлик, ҳамдардлик билан баҳолайдилар.

Банк хизмати сифатини баҳолашнинг нисбатан соддалаштирилган усулининг моҳияти учта қисмдан иборат бўлади (12-жадвалга қаралсин). Дастлаб, беш ёки етти балли Лайкерт шкаласи ёрдамида миқдорлардан юқорида санаб ўтилган банк хизмати сифатининг умумий кутишини ифодалаш (тўлиқ рози эмасман - тўлиқ розиман қабилида) сўралади. Иккинчи қисмда Лайкерт шкала ёрдамида олдинги босқичдагидек банк хизмати соҳасида бешта сифат мезонларига нисбатан ўрганилаётган банк учун миқдордан уни қабул қилиши ўзига хос тарзда сўралади.

12-жадвал

АИТБ «Ипак Йўли» «Умар» Минтақавий филиали банк хизмати сифатини тадқиқ этиш натижалари

Сифат мезони	Қабул қилиш рейтинг	Кутиш рейтинг	Сифат коэффициенти, Q	Муҳимлик рейтинг
Банк замонавий ташкилий техника ва ускуналарга эга, ХЭ1	4,2	4,4	-0,2	4,9
Банк ички кўриниши ажойиб, ХЭ2	4,0	4,4	-0,4	4,7
Банк ходимлари ташқи кўринишидан чиройли ва ёқимли, ХЭ3	3,9	4,3	-0,4	4,3
Банкда ахборот материаллари (буклет, проспектлар) ташқи кўринишлари жозибали, ХЭ4	3,2	4,8	-0,4	4,4
Ҳис этишлик, Q _{ХЭ}	3,8	4,5	-0,7	4,6
Банк белгиланган вақтда ваъда қилинган хизматни бажаради, ИП5	3,0	4,6	-1,6	4,6
Агарда миқдорларда муаммо пайдо бўлса, у ҳолда – банки уларни ҳал этишга чин	2,6	4,7	-2,0	4,8

кўнгилдан ҳаракат қилади, ИШ6				
Банк мустаҳкам обрўга эга, ИШ7	3,4	4,4	-1,0	4,6
Банк хизматлари миждозларга қулай ва ўз вақтида кўрсатилади, ИШ8	3,0	4,6	-1,6	4,3
Банк бажарадиган хизмат турларида ҳатолик ва ноаниқликлардан қочади, ИШ9	4,4	4,5	-0,1	4,1
Ишончлилик, Q _{ИШ}	3,3	4,6	-1,3	4,5
Банк ходимлари интизомли, ХЖ10	3,7	4,4	-0,7	4,6
Банк ходимлари хизматларни тез ва чакқон бажаради, ХЖ11	3,1	4,5	-1,4	4,5
Банк ходимлари миждозларнинг муаммоларини ҳал этишга доимо ёрдам беради, ХЖ12	2,9	4,5	-1,6	4,7
Банк ходимлари миждоз илтимосига лаббай деб жавоб беради, ХЖ13	2,8	4,3	-1,5	4,3
Хозиржавоблик, Q _{ХЖ}	3,1	4,5	-1,5	4,5
Банк ходимлари ва миждозлар ўртасидаги ишонч ва ўзаро тушуниш ҳолати мавжуд, ИТ14	3,4	4,6	-1,2	4,8
Банк билан мулоқот вақтида миждозлар ўзларини хавфсиз сезади, ИТ15	3,5	4,5	-1,0	4,4
Банк ходимлари миждоз билан мулоқот жараёнида ҳушмуомилади, ИТ16	3,6	4,4	-0,8	4,6
Банк раҳбарияти миждозларга самарали хизмат кўрсатиши учун ходимларни ҳар қандай ҳолатда ҳам қўллаб қувватлайди, ИТ17	3,7	4,6	-0,9	4,5
Банк миждозлари билан қилган битишувлар сирини сақлайди, ИТ18	3,9	4,7	-0,8	4,8
Ишонтирарлик, Q _{ИТ}	3,6	4,6	-1,0	4,6
Банк ҳар бир миждозга хизмат	3,0	4,5	-1,5	4,8

кўрсатишда яқка тартибдаги бёндашув амалга оширилади, ХД19				
Банк ходимлари мижозлар муаммосини ҳал этишга шахсан қатнашиш иштиёқини намоён этади, ХД20	3,1	4,6	-1,5	4,2
Банк ходимлари ўз мижозлари эҳтиёжларини биладилар, ХД21	3,6	4,4	-0,8	4,3
Банк ходимлари мижозлар муаммосига эътиборини қаратадилар, ХД22	3,2	4,5	-1,3	4,5
Банк иш вақти барча мижозлар учун қалайдир, ХД23	3,2	4,6	-1,4	4,4
Ҳамдардлик, Q _{хд}	3,2	4,5	-1,3	4,4
Сифат глобал коэффийиенти, Q	3,4	4,5	-1,1	4,5

Манба: муаллиф томонидан тузилган.

Ушбу тамайилларга кўра тадқиқотнинг кейинги босқичида кўрсатиб ўтилган шкала бўйича банк хизмати бешта мезонининг мижоз учун муҳимлик даражаси «тўлиқ муҳим эмас - жуда муҳим» қабилида баҳоланади.

Сифат «Q»нинг бешта коэффиценти хизмат сифати ҳолатини рақамлар билан ифодалайди. «Q» сифат коэффиценти ҳар бири 4-5 мезончалар бўйича ўлчанади.

Тадқиқот жараёнида 820 та мижозлар билан сўровлар учта қисм бўйича амалга оширилди. Барча сўровнома тўлиқ тўлдирилган бўлиб, тадқиқот натижасини таҳлил қилиш учун яроқли ҳисобланади. «Кутиш», «Қабул қилиш» ҳамда «Муҳимлигини баҳолаш» бўйича ўртача баллар сифатнинг 23 та мезони қийматлари орқали аниқланади, Шундай қилиб, таҳлил учун 69 та ўртача балл (23та «кутиш», 23 та «қабул қилиш» ва 23та «муҳимлигини баҳолаш» шкалалари бўйича) олинди (12-жадвал).

Сифат коэффицентлари юқорида кўрсатилган SERVQUAL услубияти бўйича (сифат коэффицентлари қабул қилиш рейтинги кутиш рейтинги)

ҳисобланади.

Жадвал маълумотларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, сифатнинг энг кичик ижобий коэффиценти «ҳозиржавоблик» мезони бўйича ($\{o_{xjc} = -14\}$), энг юқори ижобий коэффиценти «ҳис этишлик» мезони бўйича ($\{o_{xe} = -0,7\}$) олинган. Шунингдек, алоҳида мезончалар бўйича энг ёмон кўрсаткич ИШ6 «Агарда мижозларда муаммо пайдо бўлса, у ҳолда банк уларни ҳал этишга кўнгилдан ҳаракат қилади», ИШ5 «банк белгиланган вақтда ваъда қилинган хизматни бажаради», ИШ8 «Банк хизматлари мижозларга қулай ва ўз вақтида кўрсатилади», ХЖ12 «Банк ходимлари мижозларнинг муаммоларини ҳал этишга доимо ёрдам беради» кабиларда кузатилади.

Банк хизмати сифати глобал коэффиценти (Q)-1,1 баллни ташкил этиб, бу ҳолатни қониқарли натижа деб баҳоласа бўлади. Аммо, банк шохобчаси раҳбарияти кўплаб қайд этилган мезонлар бўйича ёмон ҳолатларни бартараф этиши лозим бўлади.

Тадқиқотнинг кейинги босқичида банк шохобчаси маркетинг стратегиясини шакллантириш мақсадида унинг рақобатбардошлигини баҳолаймиз. Рақобатчи сифатида ўша ҳудудда жойлашган АБ «Трастбанк»нинг «Пойтахт» шохобчаси олинди.

Сифат кўрсаткичларини аниқлашнинг юқоридаги 23 та мезони натижалари SWOT-таҳлил натижаларини берибгина қолмай, банк рақобатга бардошлигини мажмуий интеграл кўрсаткич билан баҳолашга ҳам асос бўлиб хизмат қилади.

Ушбу мезонлардан фақат ҳар бир рақобатбардошликни баҳолаш параметрларига мос келадиганларини ажратиб оламиз ва зарурий ҳолларда қўшимча кўрсаткичларни киритамиз.

Олинган натижалар бўйича ҳисоб-китоблар таҳлил қилинаётган банк шохобчаси учун нисбий интеграл кўрсаткичи 1,112 га, унинг рақобатчиси учун эса 1,092 га тенглигини кўрсатди.

Демак, ўрганилаётган банк муассасаси рақобатбардошликда рақобатчисидан устун даражада экан. Шундай бўлса-да, бир қанча

кўрсаткичларда ундан паст даражани ҳам эгаллаган.

Маркетинг тадқиқотлари натижасида олинган маълумотлар банк шохобчаси, ёхуд умуман, ушбу банк муассасаси учун маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш имконини беради.

Шундай қилиб, мазкур услубиятнинг амалда қўлланилиши, SERVQUALнинг мослаштирилган услубиёти банк хизмати сифатини аниқлашга имкон бериши аниқланди. Олиб борилган маркетинг тадқиқотлари ўрганилаётган банк муассасаси шохобчаси учун маркетинг тамойилларини қўллаш орқали, кўрсатиладиган хизмат тури сифатини оширишда стратегик муҳим ахборотлар олиш имконини беради. Бизнингча, банк хизмати сифатини тадқиқ этишда «муҳимлилик - бажариш» кабилидаги таҳлил билан, график кўринишда биргаликдаги услубиятни қўллаш юқори самара беради.

Айтиш жоизки, банкнинг келгусида ривожланиши юзасидан биз ишлаб чиққан маркетинг стратегиясининг муваффақиятли амалиётга татбиқ этилиши кўп жиҳатдан ушбу банк шохобчасининг бу каби вазифаларни бажаришдаги тайёргарлик даражасига боғлиқ бўлади, Тадқиқот жараёнида банк шохобчаси тайёргарлиги умумий даражаси ўртача тортилган бапл ёрдамида аниқланиб, у 3,06 баллга тенг бўлди. Ушбу олинган балл «ўрта» оралиқ интервалига мос келганлиги боис, ушбу банкда маркетинг стратегиясини амалга оширишда тайёргарлик ишларини олиб бориш талаб этилади. Шу боисдан, юқорида ушбу банк шохобчаси «стратегик ҳолати»ни ошириш бўйича олиб борилиши лозим бўлган тадбирларни таклиф этдик.

Республикамизнинг мустакилликка эришуви билан банк-мижоз муносабатларида яқдилликка эриштирувчи, шунингдек, банк ва мижоз манфаатларини муҳофаза этувчи қонун ва меъёрий ҳужжатлар ҳамда коидаларининг жаҳон андазалари талабларига мос келувчи миллий шакллари ишлаб чиқилиб, доимий равишда такомиллаштириб борилмоқда.

Эндиликда мамлакатимиз банк тизими мустакилликимизнинг дастлабки йилларидаги ҳолатидан чикиб, мисли кўрилмаган даражада тараккий этиб, жаҳон

андозалари талабларига мос равишда фаолият олиб боришга интилоқда. Маълумки, ҳар қандай тараққиёт жараёни қарама-қаршиликлар, муаммолар асосида мукаммаллашиб боради.

Иқтисодий тараққиёт ишлаб чиқариш ва унинг шахсий инсоний омилига хизмат қилувчи ўзаро алоқа ва боғлиқликда узвий ҳаракатланиши лозим бўлган инфратузилманинг ижтимоий, маиший ҳамда кредит муносабатларига хизмат кўрсатиш соҳа субъектлари фаолияти мустақидлигимизнинг дастлабки давридагига нисбатан анча ривожланиб тараққий этган бўлсада, лекин фикримизча, инфратузилма тизим субъектларининг айримлари фаолиятини ривожлантиришда кредитнинг роли ва самарадорлигини таъминлаш масалаларида муаммолар юзага келаётганлиги кузатилмоқда.

Хизмат кўрсатиш инфратузилмаси тизими субъекти бўлган кредит муносабатларига хизмат қилувчи мамлакатимиз банклари тараққиёти жараёнини ҳам муаммолардан холи, деб бўлмайди.

Тараққиёт жараёнидаги муаммоларни ва уларнинг банк фаолиятига салбий таъсир этиш доираларини аниқлаш ва бартараф этиш банк ходимларидан иқтисодий қонунларнинг талаб ва амал қилиш хусусиятларини пухта эгаллаш учун ҳуқуқий ва иқтисодий билимларини ошириб боришлари давр талаби бўлиб қолди.

Мамлакатимизда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали улар фаолиятини янада ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли ишлар олиб борилаётганлиги тадбиркорлик фаолияти гуркираб ривожланиб боришига замин яратди. Тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш, тадбиркорлар фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини доимий равишда янгиллаб, такомиллаштириб, амалиётга татбиқ этиб бориш мамлакатимиз олдидаги муҳим масалалардан биридир.

Мамлакатимизда хўжалик юритувчи субъектларни қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлардан бири сифатида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 6 майдаги "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат

банки фаолиятини ташкил этиш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисидаги 78-сонли қарорини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Мазкур қарор асосида мамлакат ҳудудида юридик шахс ва юридик шахс мақомини олмай тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар фаолиятини ривожлантиришда кредитнинг роли ва самарадорлигини оширишга қаратилган, кредит ажратишнинг нисбатан енгил бўлган услубларини қўллаш орқали тадбиркорлик субъектларига ёрдам бериш мақсадида бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, даврий равишда такомиллаштириб борилмоқда. Шундай ҳужжатлар сирасига банк томонидан юридик шахс мақомига эга бўлмаган, янги ташкил этилган хусусий тадбиркорлик субъектларига жисмоний шахс қафиллиги асосида бошланғич сармояни шакллантириш учун микрокредитлар ажратиш" вақтинчалик тартиби ва БМТ Тараққиёт Дастури маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига гуруҳ қафиллиги асосида микрокредит ажратиш бўйича вақтинчалик" тартиби каби меъёрий ҳужжатларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Мазкур тартиб қоидалар тадбиркорлик субъектларига ўз фаолиятларини ривожлантиришлари учун банк кредитларидан фойдаланиш имкониятларини оширишга қаратилган бўлса-да, фикримизча, уларда белгиланган қоидаларнинг айримларида белгиланган талаблар тадбиркорлик субъектлари томонидан ўз фаолиятларини ривожлантиришда кредит маблағларидан самарали фойдаланиш имкониятларини чеклаши мумкин. Масалан, банк томонидан юридик шахс мақомига эга бўлмаган, янги ташкил этилган хусусий тадбиркорлик субъектларига жисмоний шахс қафиллиги асосида бошланғич сармояни шакллантириш учун микрокредитлар ажратиш" вақтинчалик тартиби бошланғич сармоёга эга бўлмаган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантириш учун кредит ажратиш қоидаларини ўз ичига олади.

Фаолияти давомида иқтисодий шарт-шароит ўзгариши (бюджет ташкилотидан штат қисқариши, ходим малака аттестацияларидан ўтмаслиги оқибатида ишдан бўшатилиши ёхуд ойлик маоши камроқ бўлган бошқа ишга

ўтказилиши) ёхуд ходим кутилмаганда вафот этиши, оилавий муносабатларига дарз кетиб (никоҳ шартномаси бекор бўлиши оқибатида эр ва хотин ажралиб кетиши), фарзандлари учун суд тартибида алиментлар тўланиши белгиланиши кафил молиявий ҳолатига салбий таъсир этиб, кафиллик мажбуриятини бажара олмай қолган ҳолларда ходимининг бу борадаги мажбурияти ижроси унинг иш берувчиси ҳисобланган, кафиллик шартномасини имзолаган бюджет ташкилоти зиммасига тушиб қолиши мумкин.

Кредит муносабатларида мажбурият ижросини жисмоний шахслар кафиллиги асосида таъминлаш услубида фақатгина бюджет ташкилотида фаолият юритувчи шахслар томонидан берилган кафилликка қабул қилиниши нотўғри. Мунтазам даромад олиш манбаига эга бўлган (мунтазам даромад олиш манбаига эга бўлган шахслар фақатгина бюджет ташкилотларидагина мавжуд эмас, балки иқтисодиётнинг бошқа соҳа йўналишларида ҳам фаолият юритадилар). муносабатда бевосита иштирок этмайдиган, иштирокчилар фаолияти билан боғлиқ мажбуриятларга бевосита жавобгар бўлмаган ва лекин муносабат билан боғлиқ мажбурият ижросини таъминлаш ҳуқуқ даёқати ва ваколатига эга бўлган жисмоний шахс(лар) гуруҳи кафил бўла олиши мумкин. Тўғри, банк ташкилоти кредит хатаридан муҳофазаланишнинг оқилона йўли сифатида мажбурият ижросини бюджет ташкилотини билвосита ва унинг ходимини бевосита жавобгар қилиш нуктаи назаридан муаммо ечимини тоғоипга ҳаракат қилган. Лекин бу ҳолатда банк қўрилаётган масаланинг ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатларини чуқур ўрганиб чиқмай, биз юқорида санаб ўтган кафиллик билан боғлиқ салбий ҳолатлар келиб чиқиши мумкинлигини ҳисобга олмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб. Банк ташкилотиюшг мазкур тартибига фикримизча. кафиллик асосида мажбурият ижросини зиммасига олиш лаёқатига эга бўлган. Яъни муносабатда бевосита иштирок этмайдиган, иштирокчилар фаолияти билан боғлиқ мажбуриятларга бевосита жавобгар бўлмаган ва лекин муносабат билан боғлиқ мажбурият ижросини таъминлаш ҳуқуқ лаёқати ва

ваколатига эга бўлган ҳар қандай фуқаронинг кафиллигини қабул қилиш тартибини жорий этиш тадбиркорлик субъектларини бюджет ташкилотида ишлайдиган ва кафил бўлишга рози бўлган шахсларни кидириб юришдан халос этган бўлар эди.

3.2. Иқтисодий тармоқларни банк кредити орқали қўллаб-қувватлаш самарадорлигини таъминлаш: тажрибалар ва улардан фойдаланиш имкониятлари

Бугунги кунда мамлакатимизнинг ҳар бир минтақасида аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларни кенг турдаги банк хизматлари билан таъминлашга, иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Хусусан, Самарқанд вилоятида ҳам бу борада муайян ишлар амалга оширилаётган бўлиб, бунда аввало тижорат банклари томонидан вилоят иқтисодиётини тиклаш, аҳолининг турмуш фаровонлигини юксалтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашга устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Иқтисодий самарадорликни оширишни таъминлашга қаратилган ислохотларнинг чуқурлаштирилиши аҳолининг банкларга бўлган ишончини мустаҳкамлаб, уларни ишончли молиявий воситачига айлантириш учун зарур шарт-шароит яратиш имконини бераётганини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Самарқанд вилояти Бош бошқармаси бошчилигида амалга оширилган ишлар мисолида кўриш мумкин. Чунончи, 2014 йил давомида вилоятдаги тижорат банклар филиаллари томонидан кредитлар ажратиш, иқтисодиётнинг муҳим тармоқларига инвестициялар жалб қилиш ва хўжалик юритувчи корхоналарни, шу жумладан, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, пул муомаласини барқарорлаштириш, жумладан аҳоли омонатларини банк депозитларига жалб қилиш ва пластик карточкалар асосидаги ҳисоб-китоблар тизимини оммалаштириш ишлари самарали олиб

борилганига гувоҳ бўламиз.

Вилоят банклари, шу жумладан, АИТБ “Ипак Йўли” “Умар” Минтақавий филиали томонидан молиявий қўллаб-қувватланаётган инвестиция лойиҳалари миллий иқтисодиётнинг кўпгина тармоқларини таркибий қайта қуришга йўналтирилган. Булар қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик ва кимё саноати, транспорт, алоқа ва сайёҳлик инфратузилмаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш кабилардир.

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришга катта хисса қўшаётган Самарқанд вилоятининг бугунги салоҳиятини АИТБ “Ипак Йўли” “Умар” Минтақавий филиали фаолиятдан ҳам билиш мумкин. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида тижорат банкларининг мазкур минтақа филиаллари томонидан жами 720 млрд. сўмлик (факторинг ва лизинг хизматларидан ташқари) кредит маблағлари ажратилган бўлиб, натижада банкларнинг кредит қўйилмалари қолдиқлари йил бошига нисбатан 218 млрд. сўмга ёки 43,5 фоизга ошган. Жумладан, тармоқлар бўйича тижорат банкларининг вилоят филиаллари томонидан ишлаб чиқариш ва хом ашё учун 167,1 млрд. сўм (22,1 фоиз), қишлоқ хўжалиги корхоналарига 157,2 млрд. сўм (20,8 фоиз), айланма маблағлар ва савдо учун 104,7 млрд. сўм (13,9 фоиз), ипотека кредитлари учун 126,9 млрд. сўм (16,8 фоиз), қурилиш ишларига 52,2 млрд. сўм (6,9 фоиз), техника сотиб олиш учун 76,9 млрд.сўм (10,2 фоиз), хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига 25,8 млрд.сўм (3,4фоиз) ва бошқа соҳаларга 44,3 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилган³¹.

Вилоят банклари ўз кредит сиёсатини юритишда кредитларни биринчи навбатда истеъмол бозорини тўлдириш учун маҳсулот ишлаб чиқарадиган янги корхоналар барпо этиш билан шуғулланувчи тадбиркорларга йўналтиришга эътибор бермоқда. Бу, ўз навбатида, кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда, хусусан, республиканинг

³¹ ЎзР Марказий банки Самарқанд вилоят Бош бошқармаси маълумотлари

ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтиришда, маҳаллий маҳсулот экспорт қилиниши ҳамда импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқарилиши ҳажмини оширишда, аҳолини иш билан кўтгрок таъминлашда ёрдам бермоқда. Энг муҳими, банклар томонидан кредит ажратишда вилоятнинг иқтисодий имконияти ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда иш олиб борилмоқда. Албатта, бунда минтақанинг бой хом ашё ресурсларидан фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари ва бошқаларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ лойиҳаларга жиддий эътибор қаратилаяпти.

Ўтган 2014 йил ҳолатига кўра, Самарқанд вилояти тижорат банклари томонидан кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларига жами 329 млрд. 857 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Бу ушбу давр учун белгиланган режанинг 120 фоизга бажарилганлигини билдиради.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланган қурилиш соҳаси сўнгги йилларда ривожланишнинг янги босқичига чиқди. Айниқса, қурилиш, қурилиш-монтаж ишлари марказининг қишлоқ туманларига кўчиши мамлакатимиз қишлоқлари қиёфасини, архитектуравий шаклшамойилини бутунлай ўзгартириш билан бирга, айнан қишлоқ жойларда минглаб янги иш ўринлари ташкил этилиши, маҳаллий қурилиш индустрияси ва унинг таркибий тузилмаларининг замон талабларига мослашишига сабаб бўлмоқда.

Замонавий коллеж ва лицейлар, мактаблар, шахсий турар жой объектлари, қишлоқ врачлик пунктлари, дам олиш ва маҳалла фуқаролари йиғинлари учун мўлжалланган бинолар, турли маиший ва пуллик хизмат кўрсатиш объектлари, кичик корхоналар учун бинолар қурилиши ҳамда бу жараённинг самарали бошқарилиши маҳаллий қурилиш индустриясининг шаклланиши ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг алоҳида эътибори ҳамда ҳукумат томонидан қабул қилинган

махсус давлат дастурлари ушбу йўналишда амалга оширилаётган кенг камровли тадбирларни янги босқичга кўтарди.

Қишлоқ жойларда тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида аҳоли учун мўлжалланган замонавий, кўркам турар жойлар қурилишини ташкил этип вазифаси Президентимиз раҳнамолигида тузилган «Қишлоқ қурилиш банк» ва унинг негизидаги «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК ҳамда «Қишлоқ қурилиш лойиҳа» каби махсус молия институтлари зиммасига юклатилди. «Қишлоқ қурилиш банк» томонидан 2012 йилда вилоятнинг барча туманларида танлаб олинган 19 та турар жой массивида 900 та шахсий турар жой объекти қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Бу мақсадларга жами 99,9 млрд. сўмлик капитал қўйилмалар, шу жумладан 56, млрд. сўмлик имтиёзли банк кредитлари йўналтирилди.

Жумладан, кўп қаватли уй-жой қурувчи пудратчи ташкилотларга жами 13,9 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди, шундан, «Ўзаноатқурилишбанк» ОАТБ Самарқанд минтақавий филиали мижози «Арта» ХФ га 40 хонадондан иборат 5 қаватли уй-жой қурилиши учун шартномага асосан 1 млрд. сўм миқдорида, «Алоқа банк» томонидан «Самарқанд таъмир дизайн» ихтисослаштирилган таъмирлаш-қурилиш хусусий корхонасига 7 қаватли уй-жой қурилиши учун 4 млрд. 958 млн. сўм, 40 хонадондан иборат 5 қаватли уй-жой учун 2 млрд. сўм, «Ипотека банк» томонидан ҳам 60 хонадондан иборат 7 қаватли уй жой учун 3 млрд. сўмдан иборат кредитлар ажратилди.

2014 йилда эса, дастур асосида, вилоятнинг қишлоқ туманларида жами 1200 та шахсий турар жой объекtlари қурилиб, ўз эгаларига топшириш режалаштирилган³².

Тижорат банкларининг, шу жумладан, АИТБ “Ипак Йўли” “Умар” Минтақавий филиали Самарқанд минтақавий филиаллари томонидан мижозларга бир неча турдаги чакана хизматлар тақдим этилмоқда. Хусусан,

³² ЎзР Марказий банки Самарқанд вилоят Бош бошқармаси маълумотлари

миллий ва хорижий валюталардаги депозитларни жалб этиш, сўм ҳамда халқаро пластик карточкаларни муомалага чиқариш ва улар бўйича хизмат кўрсатиш, хорижий валютадаги пул жўнатмалари, коммунал ва бошқа тўловларни қабул қилиш, валюта айирбошлаш операциялари ва бошқа кўплаб хизматлар шулар жумласидандир.

АИТБ “Ипак Йўли” “Умар” Минтақавий филиали ўз мижозлари учун аҳолининг ижтимоий ва ёшга оид тоифаларига ҳисобга олиб, сақлаш муддатлари ва шартлари турлича бўлган миллий ҳамда хорижий валютадаги депозитларнинг хилма-хил турларини таклиф этмоқда. Банк ҳар бир омонатчи ўз пуллари учун хотиржам бўлиши ва бўш пул маблағларини депозит ҳисоб-варақларида сақлашни афзал кўришидан манфаатдордир.

Давлатимиз раҳбарининг «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 3968-сонли Фармони аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш ва уларнинг бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш учун қўшимча имконият яратиб, мамлакатни иқтисодий ривожлантириш ва аҳолининг турмуш даражасини оширишда ёрдам берди.

Президент фармони асосида банклар, шу жумладан, АИТБ “Ипак Йўли” “Умар” Минтақавий филиали янги омонатлар жорий қилишни янада тезлаштирди. Фармон мазмун-моҳиятини тушунтириш учун банкларнинг барча бўлим ва филиалларига мижозларнинг ҳар қандай саволларига тезда жавоб бера оладиган малакали масъул ходимлар бириктирилиб, ишонч телефонлари ўрнатилди.

Тижорат банклари тажрибаси шундан далолат бермоқдаки, сўнгги йилларда Самарқанд вилоятидаги тижорат банкларининг миллий ва хорижий валютадаги депозитлари ҳажми сезиларли даражада ортиб, жумладан, жалб қилинган аҳоли омонатлари қолдиғи 2014 йилнинг 1 май ҳолатига 400,0 млрд. сўмдан ортиқ суммани ташкил этди. Чунончи, аҳоли омонатларини

жалб қилиш бўйича республика тижорат банклари ўртасида 2011 йил якунлари бўйича ўтказилган танловда «Қишлоқ жойларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши филиали» номинацияси бўйича ғолиблик шоҳсупасини ДТ Халқ банкининг Самарқанд вилояти Нарпай филиали эгаллади. «Шаҳарларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши мини-банки» номинациясида «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБнинг Самарқанд вилояти «Амир Темури» филиалининг «Спитамен» мини-банки (1-ўрин), «Қишлоқ жойларда аҳоли омонатларини жалб қилиш бўйича йилнинг энг яхши мини-банки» номинациясида «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБнинг Самарқанд вилояти Жомбой тумани «Жомбой» мини-банки (2-ўрин) совринли ўринларни қўлга киритди. Аммо ғолиблар таркибидан АИТБ «Ипак Йўли» «Умар» Минтақавий филиали эгаллай олмаган бўлсада, бу борада ижобий ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Ушбу банкнинг миллий валютадаги ҳисоб-китоблар учун мўлжалланган сўм пластик карточкалари билан бир қаторда VISA ҳамда Master Card халқаро карточкалари бўйича ҳам хизмат кўрсатилмоқда. Тажрибалар шуни кўрсатадики, банк томонидан ўнлаб хизмат кўрсатилаётган савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарида жами терминал ўрнатилган, пластик карточкаларга маблағларни юклаш учун эса 35 га яқин ридер, 10 та инфокиоск ҳамда 4 та банкомат қурилмалари ўрнатилган бўлиб, улар орқали пластик карточка эгалари ўзларининг сўм карточкалари билан ҳисоб-китоб амалиётларини амалга оширмоқда.

Сўм пластик карточкаси эгаси бўлган миждозларга янги маҳсулот ва хизматлар таклиф этилмоқда. Булар банкда терминаллар билан жиҳозланган ихтисослаштирилган кассалар орқали ҳам пластик карточкалар бўйича коммунал ва бошқа тўловларни қабул қилиш, миждозларнинг мунтазам тўловларни (коммунал, уяли алоқа хизмати учун ва бошқалар) амалга ошириш тўғрисидаги давомли топшириқларини бажариш кабилардир.

2014 йил давомида ушбу банк томонидан чиқарилган пластик

карточкаларнинг умумий миқдори 100,0 млнг дондан ошди. Бир сўз билан айтганда, Самарқанд вилояти тижорат банклари минтақа иқтисодиётининг барқарор ўсиши ва аҳоли фаровонлигининг янада юксалиши йўлида тинимсиз иш олиб борилмоқда. Энг муҳими, бу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бермоқда ва тажрибалар ўрганилган ҳолда бошқа банк самарадорлигини ошириш учун тажриба сифатида фойдаланиб келинмоқда.

Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар шароитида АИТБ “Ипак Йўли” “Умар” Минтақавий филиали роли ва аҳамиятини баҳолаш таъминчиларини тубдан ўзгартириш талаб этилади. Банк тизими ўз табиатига кўра, тақрор ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириш механизмининг муҳим ажралмас қисмидир. Унинг самарадорлиги мамлакат миллий иқтисодиётининг бугунги аҳволи, жамиятдаги ижтимоий, сиёсий ва халқаро муносабатлар, қолаверса, мамлакат иқтисодий ва ижтимоий ҳаётининг бошқа жабҳаларидаги ўсиш суръати билан характерланади³³.

Ҳозирги иқтисодий шароитда ушбу банк иқтисодий самарадорлиги омиллари ва иқтисодий асосларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Унинг барқарорлиги ва молиявий мустаҳкамлигининг асосий омилли, банклар фаолиятининг бошқа иқтисодий субъектлар ва тармоқлар билан қай даражада боғлиқ эканлигини ўрганиш ҳамда банк тизими ва бошқа тармоқлар орасидаги ўзаро муносабатлар қай даражада ривожланганлигини таҳлил қилишдан иборат.

Банк иқтисодий самарадорлиги юзасидан ўзбек-олимлари ва мутахассислари фикрига тўхталадиган бўлсак, тижорат банкларининг иқтисодий самарадорлигини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан бири, улар капиталининг етарлилиги ва уни барқарор манбалар ҳисобидан шакллантирилганлиги ҳисобланади.

Банк иқтисодий самарадорлигини таъминлашда унинг капиталлашув даражаси ва ресурс базасини кенгайтириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Фикримизга кўра, АИТБ “Ипак Йўли” “Умар” Минтақавий филиали

³³ Четыркин А., Васильева Н. Приобщение к практике Базель I и II. //Бухгалтерия и банки, 2005. №11

иқтисодий самарадорлиги ва унинг молиявий мустаҳкамлиги мижозлар – корхоналар ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектлар самарадорлиги билан баъзи жиҳатлари бўйича умумийликка эга бўлишига қарамасдан, тижорат банклари молиявий ресурсларининг шаклланиш манбалари, активлардан фойдаланиш ва йўналтириш, активлар тузилмаси нуқтаи назаридан юзага келадиган ўзига хос бир қанча хусусиятлари ҳам мавжуд.

Баъзи мутахассисларнинг фикрига кўра³⁴, тижорат банклари иқтисодий самарадорлиги ҳамда иқтисодий қудратга эга бўлиши учун унинг фаолият натижалари самарали бўлмоғи лозим. Бунда асосий эътиборни актив ва пассив операциялар таҳлилига қаратиш лозим.

Фикримизча, самарадорлик тушунчасига иқтисодий нуқтаи назардан, ўсиш ва мувозанатлилиқ мазмунида қараш мақсадга мувофиқдир.

“Самарадорлик”, “иқтисодий самарадорлик” мавзуидаги илмий адабиётларни ўрганиб чиқиш ва олиб борилган таҳлиллар, бизга тижорат банклари иқтисодий самарадорлигини қуйидагича ёритишга имкон беради. Шундай қилиб, тижорат банклари иқтисодий самарадорлиги деганда, тижорат банклари фаолиятига таъсир этадиган ички ва ташқи омиллар ҳамда ўзгариб турувчи иқтисодий муҳит шароитида банкнинг истиқболдаги стратегик режаси натижаларига эришиш учун иқтисодий мувозанатга эришиш ва бу мувозанатни маълум бир вақт давомида сақлаб туриш қобилияти тушунилади.

Иқтисодий самарадорлик тушунчаси банк фаолиятида бир қанча аспектларда тушунилиши мумкин, бу банк фаолияти тўғрисидаги ахборотлардан фойдаланувчилар нуқтаи назари билан характерланади.

Ҳозирги шароитда тижорат банклари иқтисодий самарадорлигини таъминлаш ва самарали бошқариш учун унинг ҳозирги реал молиявий ҳолатини баҳолаш лозим. Юқорида таъкидлаб ўтилган иштирокчиларнинг ҳар бири банк иқтисодий самарадорлиги ва молиявий мустаҳкамлигини ўз манфаатига мослаб талқин қилади.

³⁴ Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. – Т.: Молия, 2002. - 107 б.

Амалдаги тажрибалардан келиб чиқиб айтиш жоизки, Самарқанд вилояти тижорат банклари иқтисодий самарадорлигининг комплекс таҳлили қуйидаги йўналишларда амалга оширилмоқда:

- активлар сифати таҳлили;
- ресурслар базаси таҳлили;
- банк маҳсулотлари ва хизматлари сифати таҳлили;
- банк фаолияти фойдалилиги таҳлили;
- рискларни бошқариш таҳлили;
- банк менежменти таҳлили.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, банкларнинг иқтисодий самарадорлиги ва молиявий мустаҳкамлиги, бу, уларнинг иқтисодий ҳуқуқий меъёрларини таъминлаган ҳолда, узок давр мобайнида фойдалилик, ликвидлилик даражасини таъминлашнинг ишлаб чиқилган стратегик режаси ва уни амалиётга татбиқ этишининг натижавий маҳсулидир.

Банк назорати бўйича Базел қўмитаси томонидан 2004 йил июн ойида жаҳон молиявий тизимини ларзага солган янги «Базел II: капитални ўлчашнинг халқаро стандартлари - қайта ишланган келишуви» битими эълон қилинди. Бу келишув ўзида рискларни, жумладан кредит, бозор, операцион рискларни қоплаш учун банк капитали етарлилиги даражасини ва уни аниқлаш муаммоларининг ечимларини акс эттиради. Базел II доирасида амалга оширилган ишлар тижорат банклари самарадорлигини ошишига таъсир этди.

Маълумки, банклар ўз фаолияти давомида бир қатор рисклар билан ҳисоблашишлари лозим бўлади. Банк фаолиятида учрайдиган рискларни асосан уч гуруҳга: кредит, бозор ва операцион турларига ажратишимиз мумкин. Базел I мақсади, фақат кредит рискларини чегаралаш билан кифояланган, яъни фақат қарздорнинг дефолт ҳолатига тушмаслигини назорат қилиш билан чекланган. Бунда асосий эътибор, капитал етарлилиги даражасига қаратилган. Баъзида норматив капитал (regulatory capital) деб аталувчи, капитал етарлилигининг минимал даражаси рискка тортилган активлар ва балансдан ташқари

моддаларнинг (risk-weighted assets) 8 фоизи миқдорида белгиланган³⁵.

Банк назорати бўйича Базел қўмитаси томонидан 2004 йил июн ойида ишлаб чиқилган Базел II келишувидида илгари сурилган концепция рискларини бошқаришда уч асосий унсурни қўллашни таклиф этади:

- капитал етарлилигининг минимал даражаси;
- самарали банк назорати;
- бозор интизоми.

Уларга амал қилиш борасида қилинган чоралар тижорат банклари самарадорлигини оширди.

Қўмита Янги Келишувни ишлаб чиқишда, 010 аъзоларини банк фаолиятини назорат ва бухгалтерия ҳисоби хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда капитал етарлилигига рискларга сезгирроқ талаблар қўйишга эътибор қаратди. Базел I ва Базел II ҳақида сўз юритилганда шуни таъкидлаб ўтиш керакки, 1988 йилда қабул қилинган Базел I асосан капитал етарлилиги даражасига нормативлар ўрнатган бўлса, 2007 йил 1 январдан кучга кирадиган Базел II келишуви асосан рискларни баҳолашни ва уни банк фаолиятига таъсир доираси бўйича янги нормативларни кўзда тутди.

Базел II келишувини Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига, хусусан, банк тизимига татбиқ этиш учун бизнинг фикримизча, қуйидаги муаммоларни ҳал этиш талаб этилади.

Биринчидан, республикада мавжуд бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи масалаларини жаҳон стандартларига мос равишда, яъни Халқаро бухгалтерия стандартлари ва Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларига асосан ташкил қилиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Иккинчидан, рискларни бошқариш масаласига тўхталиб ўтадиган бўлсак, рискларни баҳолашнинг халқаро мезонларидан келиб чиқиб, республика иқтисодиётига хос мезонларни қўллашни банк тизимига жорий қилиш лозим.

Базел II келишувини ишлаб чиққан олимлар алоҳида банкларнинг ва

³⁵ “International Convergence of Capital Measurement and Capital Standards” Basel Committee on Banking Supervision – a Revised Framework. June 2004

бутун,банк тизимининг тўловга қобилияти ва барқарорлиги асосан, уч асосга (pillars) таянади, деб ҳисоблайдилар³⁶. Амалдаги тажрибаларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, банк тизимининг иқтисодий самарадорлигини ошириш шартлари асосан икки асосий, яъни макро даражада ва микро даражада шакллантирилади. Банк тизимини иқтисодий самарадорлигини ва бутунлигини макро иқтисодий даражада таъминлаш усуллариининг муҳим услуби - банк назорати Марказий банк томонидан амалга оширилади. Шу билан биргаликда, Марказий банк томонидан назорат фундаментини ривожлантириш стратегияси банкнинг ички талабларига эмас, балки бозор талабига асосланган бўлиши керак.

Тижорат банклари иқтисодий барқарорлиги ва молиявий мустаҳкамлигини марказий банклар ва давлат органлари томонидан қандай бошқарилишини кўриб чиқадиган бўлсак, бу масалага турлича ёндашувларни кўришимиз мумкин.

Масалан, АҚШда тижорат банклариининг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва молиявий мустаҳкам бўлиши учун қуйидаги нормативлар белгиланади ва тартибга солиб борилади:

- ўзлик капиталини қарз маблағларига нисбати (мин 1:15);
- касса активларини депозитларга муносабатлари;
- касса активлари ва давлат қимматбаҳо қоғозларини депозитларга нисбати;
- берилган кредитларни депозитларга нисбати;
- берилган кредитларни капиталга нисбати;
- жалб қилинган депозитларни капиталга нисбати.

Франция мамлакатаида эса нормативлар ёрдамида:

- кредитлаш хажми;
- банклараро бозорнинг қисқа муддатли ставкаси назорат қилиб борилади.

Банк иқтисодий самарадорлиги ва унинг молиявий мустаҳкамлигини оширишнинг банкни ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириладиган йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- даромадлиликни стратегик режадан келиб чиқиб, узоқ муддатни кўзлаган

³⁶ Четыркин А., Васильева Н. Приобщение к практике Базель I и II. //Бухгалтерия и банки, 2005. №11

ҳолда ташкил этиш;

- актив ва пасивларни спред, рисклилик ва вақтлилик тамойилига асосланган ҳолда бошқариш;

- банк индустриясини иқтисодий бирликлар фаолиятига мослашган ҳолда олиб бориш;

- капитализация даражасини ошириб бориш.

Банк тизими иқтисодиётда такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминловчи муҳим бир бўғин сифатида намоён бўлади. Тижорат банклари функциялари ва уларни ишлаб чиқариш жараёнига таъсири шуни кўрсатадики, банк тизими ва моддий ишлаб чиқариш ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Шу сабабли, банк тизимининг иқтисодий самарадорлиги миллий иқтисодиётнинг ҳолати, жамиятнинг ижтимоий аҳволи ва иқтисодиётнинг бошқа жиҳатлари самарадорлиги билан тавсифланади.

Бизнинг фикримизча, банкнинг иқтисодий самарадорлиги ва молиявий мустақамлиш таҳлилида қуйидаги асосий кўрсаткичларни инобатга олиш мақсадга мувофиқдир:

- капитал етарлилиги даражаси;
- активлар таркибий ва динамик сифати;
- пасивларни тузилмавий ва динамик сифати;
- даромадлилик ва фойдалилик даражаси;
- ликвидлилик даражаси;
- банк бошқаруви сифати;
- банкдаги шлакали кадрлар салоҳияти;
- рискларни бошқариш даражаси;
- банкнинг банк хизматлари бозоридаги улуши;
- банк хизматларини таклиф қилиш технологияси;
- банкнинг операцион самарадорлиги даражаси;
- капитал ҳимояланганлиги даражаси;
- фойданинг фондларга капитализация даражаси;

- фойданинг банк пул оқимлари қолдиғидаги улуши.

Кўрсатиб ўтилган барча кўрсаткичларни 5 балли тизим асосида баҳолаш орқали, банк иқтисодий самарадорлигига баҳо бериш мақсадга мувофиқдир.

Мустаҳкамликнинг технологик йўналиши, банкнинг юқори технологияларни ўзлаштиришга қаратилган сиёсатда, банк хизматлари бозорида янги банк маҳсулотларига талабда ва юқори телекоммуникация ва компьютер технологияларини жорий қилишда ўз аксини топади.

Иқтисодий самарадорлик йўналиши ўзлик маблағларини тузилмасида ва ҳажмида, даромадлилик ва фойдалилик даражасида, ликвидлиликда, маблағларни жалб қилиш ва самарали жойлаштиришда намоён бўлади.

Юқоридаги амалга оширилган изланишдан, ютуғимиз сифатида тижорат банклари барқарорлигини баҳолашнинг республикамиз иқтисодиётига мос келадиган мезонлар аниқлаганини келтириш мумкин.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, АИТБ “Ипак Йўли” “Умар” Минтақавий филиали айни пайтда нисбий барқарор ва молиявий мустаҳкамдир. Лекин банкнинг фойдалилиги ва активлар сифатини ошириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар амалга оширилмаса, келажакда банк фаолияти салбий натижалар билан якунланиши мумкин.

АИТБ “Ипак Йўли” “Умар” Минтақавий филиали ҳисоботлари таҳлил қилиниб, банкнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш учун қуйидаги йўналишда таклифлар баён қилишни лозим деб топдик:

- банкнинг капитализация даражасини ошириш;
- иқтисодиётнинг реал сектори билан банкларнинг ўзаро манфаатли муносабатларини амалга ошириш учун шароитлар яратиш;
- банкнинг инвестицион фаолиятини жадаллаштириш;
- банк хизматлари бозорида рақобат муҳитини яратиш;
- банкнинг баҳолашда олинadиган маълумотлар базасини аниқ бир йўналишини танлаш.

Банкнинг миллий бухгалтерия ҳисоби стандартларига кўра

шакллантирилган молиявий натижалар таҳлил ва ташқи аудиторлар томондан молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари бўйича шакллантирилган молиявий натижалари орасида фарқ аниқланди. Бу, ўз навбатида, банк самарадорлигини оширишда ва молиявий мустаҳкамлигини баҳолашда миллий ва халқаро йўналиш орасидаги фарқ, банк фаолиятини халқаро миқёсда баҳолаш имконини берди.

Бухгалтериянинг умумий назариясига асосан икки хил бухгалтерия ҳисоби мавжуд:

- статистик бухгалтерия ҳисоби;
- динамик бухгалтерия ҳисоби;

Ўзбекистонда статистик бухгалтерия ҳисоби жорий қилинганлиги ва банк балансини динамик баҳолаб бориш имконияти йўқлиги ушбу муаммонинг асосини ташкил этади.

Таъкидланганлардан келиб чиқиб, банк балансини динамик бухгалтерия ҳисобига асосан юритиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз ва бунинг амалиётга жорий қилишни таклиф этамиз.

Ўтиш даври хусусиятларидан келиб чиқиб, иқтисодий самарадорлигини ошириш мақсадида, амалдаги нормативларга қўшимча сифатида спреднинг мусбат бўлиши талабини киритишни ўринли деб ҳисоблаймиз.

Ташкилий масала сифатида Давлат Статистика қўмитаси қошида юқорида келтирилган аниқ ҳисоблар методологияси асосида хўжалик юритувчи субъектларни тўловга лаёқатлилиги, капитали етарлилиги, иқтисодий самарадорлик, молиявий барқарорлиги ва даромадлилигини баҳолаш бўйича миллий рейтинг компанияси тузиш айтиш муддаодир.

Ушбу рейтинг банкларнинг хўжалик юритувчи субъектларни кредитлаш жараёнида уларнинг молиявий фаолиятига ҳолисона баҳо бериш орқали рисклар камайиши ва тижорат банкларининг ҳамда бошқа алоқадор шахсларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Банклар барқарорлиги ва молиявий мустаҳкамлигини ошириш, қолаверса,

Ўзбекистон банкларининг хорижий банклар билан рақобатлашувини такомиллаштириш учун Банк назорати Базел Кўмитасининг янги тавсияларини республика банк тизимида босқичма-босқич татбиқ этишни таклиф этамиз. Бунда биринчи навбатда, банкларни капиталлашув даражасини ошириш мақсадида, Банк назорати бўйича Базел кўмитасининг янги тавсиясига асосан, банк томонидан ўтган уч йил давомида олинган даромадларнинг ўртачасини капиталга йўналтириб бориш механизмини йўлга қўйиш устувор вазифа ҳисобланади.

Банклар фаолиятини ва унга боғлиқ молиявий институтлар фаолиятини такомиллаштириш, иқтисодиётда вужудга келадиган рискларни тўғри баҳолаш, шу билан биргаликда банкларнинг самарадорлигини ошириш учун кредитларни ва ссуда маблағларини суғурталаш иқтисодиётимизнинг бугунги талабидир. Шу муносабат билан банкларда ва суғурта бозорида ссуда капиталини суғурталашни ташкиллаштириш, бунинг учун эса, тегишли қонунчилик асосларини яратиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Банкларнинг даромадлигини ва активлар сифатини ошириш мақсадида, бу кўрсаткичларга салбий таъсир кўрсатаётган гаровдаги мулкларни кредитор банкка ўтказиш ва шу билан банкнинг кредит маблағлари ва даромадини ундириш бўйича олиб бориладиган жараённи соддалаштириш самарадорлигини ошириш омили бўлиб ҳисобланади.

Олиб борилган изланишлар натижасида, мавзуга билвосита боғлиқ бўлган рискларни бошқариш соҳасида рискларни баҳолашнинг умумий ягона бир методологиясини ишлаб чиқиш, бунда Базел III тавсияномаларида қўлланишга киритилаётган рискларни баҳолаш методологияларига эътибор бериш банклар самарадорлигини оширишга муҳим аҳамият касб этади.

Юқорида билдирилган фикрлар доирасидаги таклифлар келажакда Ўзбекистон банк тизимини ва тижорат банклари барқарорлиги ва самарадорлигини ошириш учун муҳим бир қадам бўлиб ҳисобланади.

3.3. Банк фаолиятида ўз миждозларини кредитлаш жараянининг самарадорлигини таъминлаш ва ошириш йўллари

Ўзбекистонда банк-молия тизимида олиб борилаётган оқилона ислохотлар натижасида тижорат банклари барқарорлиги мустаҳкамланиб, улар фаолиятининг самарадорлиги ошиб бормоқда. Барқарор иқтисодий ўсиш суръатларининг таъминланиши ва инфляция даражасининг прогноз кўрсаткичлар доирасида бўлиши мамлакатда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаган ҳолда, банк-молия тизимининг ишончли фаолият юритишига замин яратмоқда. Натижада, АИТБ “Ипак Йўли” “Умар” Минтақавий филиалининг иқтисодиётдаги воситачилик роли ошиб, иқтисодиётдаги бўш пул маблағларини банкларга жалб қилиш ва ўз навбатида, ушбу маблағларни иқтисодиётнинг реал секторига кредитлар сифатида йўналтириш борасида миждозларга кўрсатилаётган хизматлар кўлами кенгайиб бормоқда.

Дарҳақиқат, ҳукуматнинг тегишли қарорларига асосан баҳсларнинг капиталлашув даражасини ошириш, депозитларга жалб қилиш юзасидан чора-тадбирлар ҳамда Марказий банк томонидан самарали монетар сиёсатнинг амалга оширилиши тижорат банкларининг кредитлаш салоҳиятини ишончли равишда мустаҳкамлаб боришга ва иқтисодиётнинг молиявий маблағларга бўлган талабини ўз вақтида қондиришга хизмат қилмоқда.


Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш орқали хўжалик юритувчи субъектларнинг, энг аввало миждозларнинг кредитга бўлган талабини қондириш мақсадида, тижорат банклари капиталлашув даражаси доимий равишда ошириб боришмоқда. Натижада, банк капиталлашув даражасининг ўсиши уларнинг кредитлаш салоҳиятига бевосита таъсир қилиб қолмасдан, айти пайтда банклар томонидан қўшимча ресурслар жалб қилиш имкониятини кенгайтирмоқда ва инвестицион фаоллигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-

1438-сонли Қарорига асосан банк тизимининг барқарорлигини янада ошириш ва банкларнинг мустахкам ресурс манбаларини шакллантириш мақсадида, 2011-2015 йилларда тижорат банклари умумий капитали ҳажмини 2,1 баробарга ошириш мўлжалланган бўлиб, бу борада Чора-тадбирлар режаси тасдиқланган. Ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 2011 йилнинг ўзида банкларнинг умумий капитали 30 фоизга ошган (5-диаграмма).

5-диаграмма

2014 йилда тижорат банклари капитали ва кредит қўйилмалари динамикаси



3-диаграмма таҳдил қилинаётган давр мобайнида тижорат банклари жами капитали ва кредит қўйилмаларининг юқори суръатларда ўсиш тенденциясига эга эканлигини кўриш мумкин. Яъни тижорат банклари жами капиталининг ошириб борилиши банкларнинг кредитлаш салоҳиятига ижобий таъсир қилгани ҳолда, улар томонидан иқтисодиётга ажратиладиган кредитлар ҳажмининг ҳам ўсишига олиб келмоқда.

Агар, 2012 йилда банклар томонидан иқтисодиётга йўналтирилган кредит қўйилмалар 8,5 трлн. сўмни ташкил қилган бўлса, 2014 йилда ушбу кўрсаткич 15,6 трлн. сўмни ташкил этди. Шунингдек, тижорат банкларининг кредитлари активга нисбатан 2012 йилдаги 53 фоиздан 2014 йилга келиб 57

фоизга ошганлигини ижобий ҳолат деб баҳолаш мумкин. Банк тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар ва эришилаётган ижобий натижаларга баҳо берган ҳолда, 2014 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистонга ташриф буюрган Халқаро валюта фондининг навбатдаги миссияси ўз баёнотида «Тижорат банкларининг юқори даражадаги капиталлашуви банк тизимининг мустаҳкамланишига ва давлатнинг ривожланиш дастурларининг амалга оширилишига хизмат қилди» дея таъкидлайди.

АИТБ “Ипак Йўли” “Умар” Минтақавий филиали кредитлаш салоҳиятини оширишда аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағларини узоқ муддатли депозитларга жалб қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Республика Ҳукумати ва Марказий банк томонидан аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини янада ошириш орқали иқтисодиётдаги бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб қилиш мақсадида олиб борилаётган ислохотлар ўз натижасини бермоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, аҳоли омонатлари, уларнинг миқдоридан қатъи назар, тўлиғича тўланиши давлат томонидан кафолатланган. Шу билан бирга, фуқароларнинг ушбу банкдаги омонатларини кафолатлаш фондининг самарали фаолият юритиши ва омонатлардан олинган даромадлар солиқлардан озод қилинганлиги аҳолининг банклардаги омонатлари ўсишида ва банкларнинг ресурс базасининг кенгайишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Аҳоли реал даромадларининг йилдан-йилга ошиб бориши, банк тизимига бўлган ишонч ва банклар томонидан миждозларга кўрсатилаётган хизматлар сифатининг яхшиланиши билан бирга, аҳоли учун қулай бўлган депозит турларининг таклиф этилиши банкларда аҳоли депозитларидинг юқори суръатларда ошишида ўз аксини топмоқда. 5-диаграммадан кўриш мумкинки, 2012 йилда республикамыз тижорат банклари томонидан жами 8,7 трлн. сўм миқдорида депозитлар жалб қилинган бўлса, таҳлил қилинаётган давр давомида ушбу кўрсаткич 2 мартага ўсган бўлиб, 2013 йилда 18,1 трлн.


сўмни ташкил қилган. Хусусан, аҳолининг банклардаги омонатлари қолдиғи 2012 йилдаги 2,9 трлн. сўмдан 2013 йилга келиб 6,2 трлн. сўмгача ошганлиги диққатга сазовордир.

Бу кўрсаткичлар, ўз навбатида, банк тизими депозит базасини мустаҳкамлаган ҳолда банкларнинг кредитлаш салоҳияти ошаётганлигини кўрсатмоқда (6-диаграмма).

Агар 2012 йилда тижорат банклари жами депозитларининг банк активларидаги ҳиссаси ўртача 56,0 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб, банк тизими актив операцияларининг ўртача 66,0 фоизи депозитларга жалб қилинган маблағлар ҳисобидан молиялаштирилаётганлиги банкларнинг иқтисодиётдаги воситачилик ролининг ошиб бораётганидан далолат беради.

6-диаграмма

2014 йилда тижорат банклари капитали ва кредит қўйилмалари динамикаси



Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Марказий банк томонидан амалга оширилаётган пул-кредит сиёсати инфляция даражасининг белгиланган прогноз кўрсаткичлар доирасида бўлишини таъминлаш билан бирга, банкларнинг инвестицион фаоллигига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Марказий

банк томонидан иқтисодиётнинг пулга бўлган талабини қондириш ва макроиқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш мақсадида ҳамда инфляция даражасидан келиб чиққан ҳолда қайта молиялаш ставкаси ўзгартириб борилмоқда.

Иқтисодий ўсишни рағбатлантириш мақсадида Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 2014 йилнинг 1 январидан йиллик ҳисобида 14 фоиздан 12 фоизгача туширилди ва йил давомида ўзгартирилмасдан сақлаб турилди³⁷. Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг босқичма-босқич пасайтириб борилиши, албатта, пул бозоридаги фоиз ставкаларининг кам пасайишига сабаб бўлмоқда. 2012 йилда банклараро пул бозоридаги операциялар бўйича фоиз ставкалари ўртача йиллик 9,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йилда ушбу кўрсаткичнинг 8,5 фоизгача пасайиши кузатилди. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банкларига ўз ликвидлигини таъминлаб, инвестицион фаоллигини мустаҳкамлаш мақсадида қисқа муддат ичида банклараро фоиз ставкаларда бошқа молиявий институтлардан кўшимча ресурслар жалб қилиш имконини бермоқда.

Монетар сиёсатнинг инструментларидан бири бўлган мажбурий резервлар нормаси ҳам иқтисодий вазиятдан келиб чиққан ҳолда оптималлаштириб борилмоқда. Хусусан, Марказий банк томонидан мажбурий заҳиралар даражасининг депозит турларига қараб табақалантирилиши ҳам банклар депозит базасини мустаҳкамлашдаги муҳим омиллардан бири.

Марказий банк томонидан мажбурий заҳиралар нормасининг 212 йилнинг 1 сентябридан бошлаб, бир йилдан уч йилгача бўлган депозитларга 12 фоиз ва уч йилдан юқори бўлган депозитларга 10,5 фоиз қилиб табақалантирилиши, тижорат банкларининг ушбу депозит турларига маблавларни кенг кўламда жалб қилиш учун қулайлик яратган ҳолда, банкларнинг кредитлаш имкониятларини кенгайтирмоқда.

³⁷ 2014 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2012 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари. //Бозор, пул ва кредит. 2012. №1

Ундан ташқари, мажбурий заҳира ставкасининг сезиларли даражада пасайтирилиши тижорат банклари томонидан таклиф этилаётган кредитлар учун ўрнатиладиган фоиз ставкаларининг тушишига сабаб бўлади. Натижада эса хўжалик юритувчи субъектлар томонидан банкларнинг молиявий ресурсларини жалб қилиш харажатлари пасайган ҳолда, уларнинг инвестицион фаоллиги" ошади.

Умуман олганда, банк тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан банкларнинг кредитлаш имкониятларини қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирлар ташқи қарзлар ҳисобидан эмас, балки ички имкониятлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилмоқда ва бу ўзининг ижобий томонларини кўрсатмоқда. Утган йили «Мудис» халқаро рейтинг агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси банк тизими бўйича ривожланиш истиқболларининг «барқарор» даражасидаги рейтинг бақоси қайта тасдиқланганлиги ҳамда Халқаро валюта фонди баёнотида «Ўзбекистондаги барқарор банк тизими ва халқаро молия бозорларидан қарз олишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатни глобал инқирознинг бевосита оқибатларидан ҳимоя қилди» дея таъкидланганлиги юқоридага фикрларни тасдиқлайди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз банк-молия тизимида олиб борилаётган ислохотлар натижасида тижорат банкларининг кредитлаш ва инвестициялаш имкониятлари кенгаймоқда. Натижада банклар томонидан иқтисодиётнинг реал секторига ажратилаётган кредитлар ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодий ўсиш суръатларига, янги турдага рақобатбардош товарларнинг ишлаб чиқарилишига 83 энг муҳими республикаимиз минтақаларида янги иш ўринларининг яратилишига, шу орқали аҳоли турмуш тарзининг якада яхшиланишига хизмат қилади.

III-Боб бўйича хулоса

Тижорат банклари капиталини бошқаришда улар капитали таркибининг шаклланиши муҳим ўрин эгаллайди. Республикада АИТБ “Ипак Йўли” “Умар” Минтақавий филиалида акциядор капитал сифатида қўйилган хорижий валюталарга қилинган девальвация захираси улуши юқори салмоққа эга. Девальвация захирасининг умумий капитал таркибидаги салмоғининг юқорилигини миллий валюта – сўмнинг алмашув курсининг ўзгариб туриши билан изоҳлаш мумкин. Халқаро банк амалиётида ушбу кўрсаткич салбий ҳолат сифатида баҳоланади.

Ҳукуматимиз томонидан миллий валютаимиз – сўмнинг жорий операциялар бўйича эркин алмашувининг таъминланиши ва 2003 йилнинг 15 октябридан Халқаро валюта жамғармаси Битимининг 8-моддасига қўшилиши тижорат банклари капиталининг чет эл валютасида шакллантиришга бўлган эҳтиёжнинг ўз-ўзидан йўқолишига олиб келиши лозим.

Молиявий барқарорлиги нуқтаи-назаридан оқилона банк таркибининг шакллантирилиши унинг етарлилигига ўрнатилган даражани аниқлашда ва уни бошқаришда муҳим аҳамиятга эга.

Халқаро банк амалиётида тижорат банклари капиталининг етарлилигини аниқлашда, Базел андозалари ишлаб чиқилгунга қадар АҚШ Федерал заҳира тизими томонидан ишлаб чиқилган капиталнинг етарлилик коэффициентидан кенг кўламда фойдаланилар эди. Унга кўра, банк капиталини депозитларнинг умумий суммасига бўлиш йўли билан аниқланади ва унинг минимал даражаси 10 фоизни ташкил этиши лозим³⁸.

Базел қўмитаси томонидан 1988 йилда ишлаб чиқилган методикага асосан тижорат банклари умумий капиталининг хатарга тортилган активлар суммасининг нисбати 8 фоиз, асосий капиталнинг етарлилик даражаси эса 4 фоиз қилиб белгиланди.

³⁸ Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: Управление операциями. – М.: Вазар-Ферро, 1994. – с. 97

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари умумий капиталининг етарлилик даражаси 10 фоиз, I даражали капиталнинг етарлилик даражаси эса 5 фоиз қилиб белгиланган.

Тижорат банкларининг умумий капиталига нисбатан белгиланган талаб юқори даражада бажарилган. Масалан, 2015 йилнинг 1 январ ҳолатига бу кўрсаткичнинг бажарилиши ТИФ Миллий банкида – 35 фоиз, Ўзсаноатқурилишбанкда – 31 фоиз, Агробанкда – 41 фоиз, Савдогарбанкда – 27 фоиз, Асакабанкда – 66 фоизни, АИТБ “Ипак Йўли” “Умар” Минтақавий филиалида – 32 фоизни ташкил этди. Умумий капитал етарлилигининг юқори даражаси банкларнинг активлари таркибида юқори хатарли активлар салмоғининг нисбатан кичиклигидадир.

Шундай қилиб, АИТБ “Ипак Йўли” “Умар” Минтақавий филиали капитали таркибининг оқилона шакллантирилиши банк капиталининг мустаҳкамлигига ва уни бошқаришга ижобий таъсир этади, Марказий банкнинг тижорат банклари капиталининг ташкил топиши ва унинг етарлилигига ўрнатилган талаблари халқаро Базел қўмитаси андозаларидан кескин фарқ қилмайди, бинобарин, банкнинг умумий капиталининг етарлилигига ўрнатилган талаб юқори даражада бажарилмоқда.

Хулоса

Диссертация ишида қуйидаги илмий хулосалар шакллантирилди:

1. Халқаро банк амалиётида 1980 йиллардан сўнг банк ресурсларини бошқариш масаласи долзарб вазифа сифатида намоён бўлди. Ушбу даврдан бошлаб, банкларда муддати жиҳатидан «узун» ва барқарор молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжнинг кондирилмаслиги, улардан самарали фойдаланмаслик ҳолатлари иқтисодий жиҳатдан салбий оқибатларга олиб келди.

2. Тадқиқот натижасида «тижорат банклари ресурслари» ва «тижорат банклари ресурсларини бошқариш» тушунчаларининг иқтисодий моҳиятига нисбатан муаллифлик таърифи шакллантирилди.

3. Тижорат банклари ресурсларини бошқаришда асосий зътибор уларнинг манбапарини барқарор ва узоқ муддатли ресурслар ҳисобидан таъминлаш, уларни сақдаш ва жойлаштариш муддатлари бўйича мутаносиблигининг таъминланиши муҳим аҳамиятга эга эканлиги илмий ва амалий жиҳатдан асослаб берилди.

4. Тижорат банклари ресурсларини бошқариш асосан, банкнинг ресурсларга бўлган эҳтиёжлар узлукеизлиги таъминланиши, банк ресурсларини молиявий барқарор манбалар ҳисобидан шаклланиши, банк ресурсларини сақлаш ва жойлаштиришни муддатлар бўйича мутаносиблиги ҳамда банк ресурслари фойдалилик даражасининг таъминланиши, банк капиталини барқарор молиявий маблағлар ҳисобидан шаклланиши ва уларнинг етарлилигини таъминлаш каби мезонларидан иборат эканлиги эътароф этилди ва банк ресурсларини бошқаришда уларни эътиборга олиш зарурлиги асосланди.

5. Тижорат банкларида мижозлардан, аҳолидан ва молия-пул бозоридан жалб килинган маблағларнинг муддати ва уларнинг жойлаштирилиши ўртасидаги мутаносибликнинг бузилиш ҳолатлари мавжудлиги амалий

жиҳатдан кўрсатиб берилди ва уларни бартараф этиш борасида амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

6. Таҳлил этилган давр мобайнида тижорат банкпарининг қарийб 70 фоизи ресурсларни депозит бўлмаган манбалар ҳисобидан шакллантиришга жиддий эътибор қаратмаганлиги, мазкур манбалар ҳисобидан ресурсларини шакллантираётган банкларда ҳам депозит бўлмаган маблағларнинг улуши пасайиб бориш тенденциясига эга эканлиги аниқланди.

7. Таҳлил объекти сифатида ўрганилган ривожланган ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари банкларининг ресурслари таркибида муддатли ва жамғарма депозитлари даражасини Ўзбекистон тижорат банкпарига солиштириб таҳлил этилганда республикаимиз банкларида ушбу миқдор нисбатан пастлиги, муддатсиз ва муддатли депозитларнинг мамлакат ЯИМга нисбатан ҳам сезиларли даражада паст бўлганлиги аниқланди.

8. Тижорат банклари регулятив капитали таркибида консолидациялашган шўъба корхоналарига жалб килинган қўйилмалар мавжуд эмас. Бу ўз навбатида, мамлакатимиз банкпари амалиётида траст, лизинг, факторинг, форфейтинг каби компанияларнинг фаолияти йўлга қўйилмаганлигидан далолат беради. Ваҳоланки, халқаро банк амалийотида ушбу компанияларнинг фаолияти юқори самара бераётганлиги маълум.

9. Тижорат банклари капитали етарлилигини баҳолаш тизими халқаро Базель андозлари талабларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади ва ундан жиддий жиҳатлари билан фарқ қилмайди. Ўзбекистон тижорат банклари капиталининг етарлилиги Марказий банк томонидан ўрнатилган талабларга жавоб беради, унга асосан тижорат банклари регулятив капиталига ва асосий капиталига ўрнатилган талаблар юқори даражада бажарилмоқда. Мамлакатимизда йирик тижорат банклари (ТИФ Миллий банки, «Асакабанк», кўшма банклар) асосий капиталига нисбатан ўрнатилган етарлилик даражасининг бажарилиши асосан уларнинг регулятив капитали

таркибидаги девальвация захирасининг салмоғи ортиб бориши ҳисобига юз бермоқда.

10. Тадқиқотлар жараёнида тижорат банклари ресурсларини бошқаришга банкдан ташқари айланмалар ҳажмининг ортиб бораётганлиги салбий таъсир этаётганлиги эътироф этилди. Иқтисодиётда банкдан ташқари айланмалар вужудга келишининг асосий сабаби аҳоли ва миждозларнинг банкларга бўлган ишончининг йўқолиши, хўжалик субъектлари фаолиятини ташкил этишдаги маъмурий тўсиқларнинг мавжудлиги билан изоҳланди.

11. Банкдан ташқари айланмалар мамлакатимиз ва ривожланган мамлакатлар иқтисодиётига ҳам хос бўлган жараён бўлиб, уни батамом бартараф этишнинг имкони мавжуд эмас. Чунки, халқаро терроризм, наркотиклар савдоси ва хуфёна иқтисодиётнинг мавжудлиги бевосита маблағларни банкдан ташқари айланмалари орқали ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб этади.

12. Таҳлил этилган давр мобайнида АИТБ “Ипак Йўли” “Умар” Минтақавий филиалида жалб қилинган маблағларга тўланган фоиз ставкаси ва берилган кредитлар бўйича ундирилган фоиз ставкасига нисбатан сезиларли даражада юқори бўлган. Жалб қилинган маблағларга тўланган фоиз ставкалари берилган кредитлар фоиз ставкаларига нисбатан юқорилиги тижорат банклари жалб қилинган маблағлари таркибида қиймати жихатидан арзон, лекин муддати нуқтаи назаридан беқарор маблағларнинг салмоғи юқори улушни ташкил этганлиги билан изоҳланди.

13. АИТБ “Ипак Йўли” “Умар” Минтақавий филиалининг жалб қилинган ресурслари таркибида 2000-2002 йилларга қадар Марказий банк томонидан берилган нисбатан арзон маблағлар салмоғи сезиларли даражада юқори бўлган. Шу сабабли, ўша даврда тижорат банклари Марказий банкнинг арзон ресурслари ҳисобига ўз даромадларининг асосий қисмини шакллантиришга муваффақ бўлган. Масалан, тижорат банклари ресурслари таркибида Марказий банк маблағларининг улуши 2003 йилдан сўнг пасайиш

тенденциясига эга бўлган. Ушбу кўрсаткич 2003 йил 1 январда 11,9 фоиз, банклараро кредитлар таркибидаги улуши 8,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2014 йил 1 январда мос равишда 3,1 ва 4,9 фоиздан иборат бўлган.

14. Банкнинг жалб қилинган маблағлари таркибида қиймати жиҳатидан арзон, лекин муддати нуқтаи назардан беқарор маблағларнинг салмоғи юқори улушни ташкил этади. Шу боис ҳам банк жалб қилинган маблағларга берилган кредитларга нисбатан юқори даражада фоиз ўрнатган бўлишига қарамадан иқтисодий жиҳатдан зарар кўрмайди. Жалб қилинган муддатли депозитларнинг таркибида асосан жисмоний шахсларнинг омонатлари юқори салмоқни ташкил этиб, ушбу маблағлар нақд пулларнинг ҳажмини кўпайтириш мақсадида жалб этилганлиги боис, уларга тўланадиган фоиз ставкалари юқори даражани ташкил этган. Шунингдек, Марказий банк аҳолидан жалб қилинган нақд пулларга нисбатан мажбурий захира талабини жорий этмаганлиги туфайли, банклар ушбу маблағларни тўлиғича актив операцияларга жалб қилиш имконининг мавжудлиги ижобий таъсир қилади.

15. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида жалб этилган маблағлар кредит сифатида берилганда, тадқиқ қилинган даврда харажатларга нисбатан ўрнатилган устама ўртача 53,0 фоиз, ривожланган мамлакатларда эса, ушбу кўрсаткич ўртача 57,5 фоизни ташкил этган. Бундан МДҲ мамлакатларининг банк тизимидаги кредитларнинг баҳоси ривожланган мамлакатларнинг банк тизимига нисбатан сезиларли равишда арзор деган хулосани шакллантирдик.

16. Банк ресурсларининг 2009-2014 йиллар учун мўлжалланган эконометрик башорати амалга оширилди. Эконометрик башоратда 2009-2014 йилларда тижорат банклари ресурслари таркиби муддатли депозитлар ва устав капиталининг миқдори ортиб бориш тенденциясига эга бўлганлиги асосланди.

17. Тижорат банки ресурсларини самарали бошқариш концепцияси лойиҳаси ва модели ишлаб чиқилди.

Тижорат банклари ресурсларини самарали бошқаришга қаратилган қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Банкларнинг узоқ муддатли ресурсларга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш ва мамлакатимиздаги ёш оилаларни уй жойга бўлган талабини қондириш мақсадида тижорат банклари томонидан узоқ муддатли (камида 10-15 йилга мўлжалланган) ипотека қимматли қоғозларини муомалага чиқариш мақсадга мувофиқ.

2. Мамлакат молия ва пул бозорида тижорат банклари ўртасидаги эркин рақобат ва алоҳида банкларнинг монополиясига йўл қўймаслик мақсадида бир кредит муассасасининг мамлакат молия, депозит ва кредит бозорларидаги ушбу операциялар билан боғлиқ энг юқори улушини 35 фоиз миқдорида белгилаб, алоҳида модда сифатида Ўзбекистон Республикаси «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунга киритиш мақсадга мувофиқ.

3. Тижорат банклари ресурслари таркибида муддатли депозит маблағлари салмоғини ошириш ва банкдан ташқари айланмаларни зарур даражада камайитириш мақсадида муддатли ва жамғарма депозитларга нисбатан Марказий банкнинг мажбурий заҳира талабини 0 фоиз миқдорида жорий этиш лозим.

4. Тижорат банклари ресурслари таркибида депозит бўлмаган маблағларни ривожлантириш мақсадида Марказий банкнинг қайта молиялаш инструменти аҳамиятини ошириш ва банкларнинг арзон молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини тўлиқроқ таъминлаш мақсадга мувофиқ.

Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасини босқичма-босқич ривожланган ва МДХ мамлакатлари банк тизими даражасига келтириш мақсадга мувофиқ, шунингдек, реал иқтисодиётни кредитлашга йўналтириш мажбуриятини олган барча банкларга, шу жумладан АИТБ “Ипак Йўли” “Умар” Минтақавий филиали Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси орқали берилаётган кредитдан фойдаланиш имкониятини бериш лозим.

5. Тижорат банклари МДХ, кейинчалик Ғарбий Европа мамлакатларида брокерлик – дилерлик ваколатхоналарини ташкил этиш лозим. Уларнинг

асосий вазифаси сифатида банкнинг қимматли қоғозларини халқаро фонд биржалари листингига киритиш орқали банкларга маблағларни жалб этиш ва самарали инвестиция операциялари билан шуғулланишларини белгилаб қўйиш лозим.

6. АИТБ “Ипак Йўли” “Умар” Минтақавий филиалининг регулятив капитали таркибида мустақил балансга эга бўлмаган мижозларига, яъни шўъба корхоналарига жалб қилинган қўйилмалар мавжуд эмас. Биз, уларнинг дебочаси сифатида тижорат банклари қошида шўъба қурилиш ташкилотларини ташкил этиш лозимлиги хусусидаги амалий тавсияни олға сурдик. Бу банк ресурслардан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш билан бирга, уларни аҳоли турмуш даражасини яхшилашдаги иштирокини янада фаоллаштиради.

7. Мамлакатимиз қимматли қоғозларининг бирламчи ва иккиламчи бозорида банкларнинг иштироки ва эмитентлик ролини фаоллаштириш орқали депозит бўлмаган манбалар ҳисобидан «узун» ресурслари ҳажмини ошириш мақсадида уларнинг облигациялар, депозит сертификатлари ва субординар ҳамда ипотека қимматли қоғозлари ҳисобидан шакллантирилган маблағларига нисбатан Марказий банкнинг мажбурий заҳира талабини тўлиғича бекор қилиш мақсадга мувофиқ.

8. Банкларнинг заҳира капитали таркибидаги девальвация заҳирасини босқичма-босқич тўлиғича қўшимча капитал таркибига ўтказиш лозим. Тижорат банклари девальвация заҳирасини босқичма-босқич қўшимча капитал таркибига ўтказиш лозимлиги қуйидагилар билан изоҳланади:

- тижорат банклари асосий капитали таркибидаги девальвация заҳирасини бир йўла қўшимча капитал таркибига ўтказилиши айрим тижорат банклари капиталига қўйилган талаблар бажарилишида жиддий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин;

- тижорат банклари девальвация заҳирасининг маълум муддат давомида қўшимча капитал таркибига ўтказилиши муносабати билан вужудга келадиган бўшлиқни тўлдиришнинг оптимал манбаларини излаб топиш имкониятига эга бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2005.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. - Тошкент: -2003. – б. 300-308.
3. «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. 21 декабрь 1995 йил. – Т.: 1995й.
4. «Банк ва банк фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни. 26 август 1996 йил. – Т.: 1996
5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг “Тижорат банкларининг кредит сиёсатига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги 905-сонл низоми, 2000 йил 21 март.
6. “Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент Фармони Тошкент, 2000. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. - Тошкент: Ўзбекистон, 2003.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. 101-бет.
8. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Президент И.А. Каримовнинг 2014 йилнинг асосий якунлари ва 2015 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. //Халқ сўзи, 2015 йил 17 январ 21-сон.
9. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. – Т.: Ўзбекистон, 2005
10. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. //Биржа. 2011 йил 22 январ 4-5 бетлар.

- 11.Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: Ўзбекистон, 2005.-86 б.
- 12.Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
- 13.Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларнинг бош мақсадидир. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2008. – 31-б.
- 14.Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. – Т.: Ўзбекистон, 2006. – 176-б.
- 15.Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузаси.
- 16.Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. -327б.
- 17.Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
- 18.Абдуллаева Ш. Пул, кредит ва банклар. – Т.: Иқтисод-молия, 2007. – 344-б.;
- 19.Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. – Т.: Молия, 2002.
- 20.Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. – Т.: Молия, 2000
- 21.Абрамова М.А., Александрова Л.С. Финансы и кредит: Вопросы и ответы. – М.: ИД «Юриспруденция», 2006.
- 22.Андрюшин С., Бурлачков В. Денежно-кредитная политика и глобальный финансовый кризис: вопросы методологии и уроки для России. //Вопросы экономики. 2008. №11. – с. 39

- 23.Бабаев Б. Вопросы формирования ресурсов коммерческих банков и их эффективное использования. Автореф.дисс. на соиск. уч.степ. к.э.н. – Т.: БФА, 2002. – 21-с.
- 24.Бобокулов Т.И. Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш: муаммолар ва ечимлар. – Т.: Fan va texnologiya, 2007
- 25.Бобокулов Т.И. Ўзбекистон Республикасида миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш борасидаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2008.
- 26.Вахабов А.В., Худяков Н.К. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. В 2-х т. – Т.: Университет, 2003. Т.1. – 276-с.
- 27.Ваҳобов А.В. Инқироз шароитида банк тизимини барқарорлигини таъминлаш //Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2009. 4-сон 24-б.
- 28.Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. – Т.: Молия, 2003 – 332-б.;
- 29.Д. МакНотон. Банковские учреждения в развивающихся странах. - ИЭР МБРР. - Вашингтон Д.С., 1993.-С.75
- 30.Деньги, кредит, банки: учебник / коллектив авторов ; под ред. О.И. Лаврушина. – 12-е изд., стер. – М. : КНОРУС, 2014. – 448 с.
- 31.Долан Э. Дж. и др. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика. Пер. с англ. – Москва-Ленинград: 1991. – 446-с.
- 32.Жўраев А. ва бошқалар. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Т.: 2009.
- 33.Жўраев У. Халқаро банк назоратини такомиллаштиришда Базел қўмитасининг роли. //Бозор, пул ва кредит. 10-сон, 2003. 5-сон.
- 34.Зайналов Д. Р., Данияров К. Механизмы регулирования деятельности предпринимательских субъектов: теория и практика. Монография. — Нукус : Bilim, 2004. 188.
- 35.Йўлдошев О.А. Тижорат банклари фаолиятини монетар инструментлар воситасида тартибга солиш //Бозор, пул ва кредит. 2007. 8-сон. 20-21 б.

- 36.Каралиев Т.М. и др. Хозяйственный расчет в системе коммерческих банков. – Т.: Узбытцентр, 1991. – 64-с.
- 37.Каримов Н.Ғ. Банк тизими барқарорлигида таъқиқ назорат ва аудитнинг аҳамияти. //Бозор, пул ва кредит. 2006. №1. – б. 19-20;
- 38.Қоралиев Т.М. ва бошқалар. Хўжалик юриштиринг ҳозирги босқичида кредит механизми ва банклар. –Тошкент, 1991. -80 б.
- 39.Лаврушин О.И. Банковское дело: современная система кредитования. Учеб. пос. / под. ред. О.И. Лаврушина. – М.: КНОРУС, 2006. -256 с.;
- 40.Мадалиев Т. Кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда банкларнинг ўрни //Бозор, пул ва кредит. 11-сон. 2014 йил. – б. 13
- 41.Меньшиков И.С. Финансовый анализ ценных бумаг. – М.: 1998. – с. 43
- 42.Муллажонов Ф. Банк тизими: ислохотлар ривожланиш гарови. //Бозор, пул ва кредит. 2012 й. №1.
- 43.Муллажонов Ф. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон банк тизими ислохотларининг асосий якунлари очилади. //Банковское дело, №2 – 2000.
- 44.Нормуродов Б. Банк назорат тизимини такомиллаштириш – иқтисодий барқарорликнинг асосий омили. //Бозор, пул ва кредит. 2011 й. №2.
- 45.Нотон М.Д. Банковские учреждения в развивающихся странах. Пер. с англ. В 2-х т. – Вашингтон, 1994
- 46.Омонов А. Банклар капиталлашув даражамини оширишнинг долзарб вазифалари. //Бозор, пул ва кредит. Т.: 2007. №11. –Б.14-15.
- 47.Пул-кредит соҳасидаги мавжуд вазият ва монетар сиёсатнинг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари. // Бозор, пул ва кредит, 2015 йил 1-сон.
- 48.Сафаров М., Хамроев М. Иқтисодиётда қайта молиялаш ставкасининг аҳамияти // Бозор, пул ва кредит. 2005. 8-сон. 44 бет.
- 49.Стойнова Е.С. Финансовый менеджмент. – М.: 1993

50. Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: Управление операциями. – М.: Вазар-Ферро, 1994. – с. 97
51. Четыркин А., Васильева Н. Приобщение к практике Базель I и II. // Бухгалтерия и банки, 2005. №11
52. Шеремет А.Д., Сайфуллин Р.С. Методика финансового анализа. – И.: Инфра-М, 1997. – 41-с
53. “International Convergence of Capital Measurement and Capital Standards” Basel Committee on Banking Supervision – a Revised Framework. June 2004
54. 2014 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2015 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари. // Бозор, пул ва кредит. 2014. №1
55. Friedman M. The optimum Quantity of Money. – Chicago: Aldin Publishing Company, 1969. – P.34.
56. Holmstrom B., Tirole J. Financial intermediation, loanable funds, and real sector. IDEI, Toulouse University, 1993
57. Интернет сайтлари:
- www.boj.or.jp
- www.cbu.uz
- www.ecb.eu
- www.ecb.eu
- www.federalreservegov.com
- www.google.co.uz
- www.gov.uz
- www.lex.uz
- www.mf.uz
- www.ziyonet.uz